

Ашурали Жўраев

Танимдинг-а?!


Машҳур кизиқчи
Ҳожибой ТОҶИБОЕВ
ҳақида ҳангомалар қиссаси

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2005

1031620
29,**Ашурали Жўраев**


Танимадинг-а?! Машҳур қизиқчи Ҳ. Тожибоев ҳақида ҳангомалар қиссаси.— Т.: «Шарқ», 2005.— 112 б.

Ёзувчи Ашурали Жўраевнинг «Танимадинг-а?!» китоби қайси машҳур санъаткор ҳақида эканлигини дарҳол билиб олдингиз. Биламиз, Сиз ҳам бу таниқди қизиқчининг кулгисидан олам-олам завқ оласиз. Чунки халқ севган кулги устаси, республикада хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоевнинг қаҳқаҳаси кириб бормаган хонадон, унинг ҳаётий ҳангомаларидан баҳра олмаган кулгипараст қалблар топиламаса керак.

Ушбу китоб сизни ўзининг элигинчи баҳорини самарали ва жўшқин ижод билан кутиб олаётган машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг ҳаёти ва ижодидан олинган турфа ҳангомалар оламига етақлайди. Бу — беғубор ва самимий кулгидан Сиз ҳам баҳраманд бўлинг, азиз кулги мухлислари!

ББК.85.36.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2005 йил.



*Ушбу китоб Ўзбекистон халқ ёзув-
чиси, устоз Неъмат АМИНОВга
бағишланади*

СИЗ УНИ ТАНИЙСИЗ

*ёки қизиқчининг таржимаи ҳолидин
қисқа лавҳалар*

Автобусда кетаётиб, алакимнинг сизга тикилиб қараётганини сезиб қоласиз. Азбаройи мастлигидан кўзлари сузилиб-сузилиб кетаётган барваста йигитнинг гавдаси автобус ҳар силкинганда лангагачўпи олиб қўйилган дорбоздек чайқалади. Лекин унинг елимдек нигоҳи сиздан узилмайди. Унга ўғринча қараб қўясиз.

«Йўқ, нотаниш», — ўйлайсиз.

У сурилиб рўпарангизга келади. Ғўлдирабгина ўкинч билан тилга киради.

—Танимадинг-а?.. — Сўз оҳангидан сиз танимаганингиз учун ўртаниб кетаётганини сезасиз, вазиятни юмшатишга уринасиз.

— Қаранг-а, хотирам қурсин. Танимайроқ турибман. Ўзингизни таништиринг, ака, ёдимга келмай турибди-я.

Унинг юзида ўкинч янада бўртиброқ кўринади, мушти тугилиб, аламдан бош чайқганини кўрасиз. Ўртадаги жимлик сизга азоб бераётганида у яна оҳиста тўнғиллайди.

— Ана шунақасан-да, танимайсан-да!

Хотирангиз панд бергандек хуноб бўлиб, балки эслаб қоларман, деб унинг юзига нигоҳ ташлайсиз. Юрагингиз орқага тортиб кетади. Чунки у ҳамон сизга қаттиқ тикилиб турибди. Ғазабдан юзлари, муштлири ҳам катталашиб кетгандек.

— Танимадинг-а, — бош чайқайди у.

— Йўқ, акажон, танимадим. Автобуста кирганингиздан буён танимай турибман. Одамни қийнамай, кимлигингизни айтсангиз-чи!

Жаҳл аралаш айтган гапингизни гўё эшитмагандек, у паст овозда гўлдирайди.

— Ана шунақасан-да, танимайсан-да.

Жон ака, одамни қийнаманг, ўзингизни таништиринг. Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку! Кимлигингизни айта қолинг, — ялина бошлайсиз. У эса ҳамон нигоҳини сиздан узмайди. Ўкинч тўла кўзлари сузилиб, ўзича бу ҳолнинг аламлигини чуқур ҳис қилибми, бош чайқаб қўяди.

Ўзингизни тиканда ўтиргандек ҳис этасиз. Миянгиз архивига жавоб ахтариб кетган саволлар бари қуруқ қайтади. Буқадек тикилиб, яқин келиб қолганидан оғзидан ароқ ҳиди анқиб турган йигитнинг кутилмаган ҳаракат қилиб юбориши мумкинлигини эслаб, хавотирланасиз.

— Танимадинг-а?

Ялиниш ҳам фойда бермагандан сўнг, энди жим туриш лозим, деган хулосага келиб, автобус деразасидан ташқарини бепарво томоша қилаётган киши бўласиз. Аммо тобора қаттиқроқ тикилаётган нотаниш кимсанинг нигоҳи хавотирингизни ошириб, бирор қорхон рўй бериб қолса, ўзингизни ўнглаш учун унга қуён қараш қиласиз. Йигитнинг юзида эса ҳамон ўша ифода.

— Ана шунақасан-да, танимайсан-да!

Дод деб юборгингиз келади.

— Танимадим! Юз карра танимадим. Ўзингизни таништирсангиз-чи, қон бўлиб кетдим-ку, кимсиз ўзи?

Унинг юзидаги ифода ўзгармайди.

— Танимадинг-а? — оғир бош чайқаб қўяди у.

Асабларингиз қақшаб, ундан бирор жўяли сўз ундириб бўлмаслигига иқрор бўлиб, ҳар қанча мушкул бўлмасин, рўпарангиздаги «танишингизни» унутишга қарор қиласиз. Кутилмаганда унинг сўз бойлигига янги калом қўшилади.

— Ёдингдами?..

Хурсанд бўлиб, уни қувватлаш учун бидиллай кетасиз.

— Ёдимдан кўтарилибди-я, ака, қаранг, қачон учрашган эдик? У эса бепарво ва вазмин жавоб беради:

— Ёдингдами, Хўжанд бозорида бундан олти йил аввал... Бозор эшигидан чиқаётганинда си арета берган эдим... Танимадинг-а... Шунақасан-да.

— Э, ака, ўша сизмидингиз? Энди танидим-а. Илгарироқ эслатсангиз ҳам бўларди-ку, — белхтиёр унга ялтоқданасиз.

— Тўхта! Сен артистсан-а? Қўшиқ айтиб берсан, — хаёлига ногоҳ келган бу фикр уни қанча қувонтирган бўлса, сизни шунча маъюслантиради. Маймун йиғлагулик бу ҳолдан чиқишга уринасиз.

— Йўқ, ака, мен ҳеч қўшиқ айтмаганман, қўшиқ айтадиган артист эмасман.

— Айтасан... — кескинлашади у. — «Майда-майда»ни айтасан!

Афтингизга мушт тушириб қолишидан кўрқиб, палғада товуш билан қўшиқ айтишга киришасиз:

«Майда-майда» мероқси,

Жонам ба чашмани ту...

— Тўхта! — қичқиради у. — Майдалап иб кетдик. Йирикроғидан айт.

Атрофга халоскор излаб, ночор тикиласиз, гўё у ҳам автобусда бошқа одамлар борлигини сезгандек товушини баландатади.


— Ҳамманг қўшиқ айтасан? «Майда-майда»ни... Ким айтмаса, — у белкуракнинг юзасидек келадиган кафтларини бир-бирига ишқаб, айтмаган кимсанинг пачоғини чиқаришини ифодалаган бўлади. Автобусдаги олдинги қаторда ўтирган қотмадан келган уйқудаги йигитдан ташқари барча ёшу қари, кампиру қиз, йўловчилар, ҳайдовчи қўшиқ айтишни бошлайди:

Майда-майда...

Олдинги ўриндикдаги чолнинг овози аласҳида эшитилади:

Майда-майда, майда-майда.

Шопиржон тезроқ ҳайда...



Орқада бир кампир қўлини дуога очганини кўрасиз:

*Майда-майда, майда-майда,
Ер ютсин сени, майда-майда...*

Шофёр йигит ҳам саросимада, бир йўлга, бир йўловчиларга қараб қўшиқ айтади:

*Майда-майда, майда-майда,
Секинроқ айтинглар, майда-майда,
ДАНга яқинлашиб қолдик, майда-майда...*

Автобус қаттиқ силкинади. Олдинги ўриндиқларнинг бирида ухлаб ўтирган қотма йигит уйғониб, пойма-пой қўшиқ айтаётганларга ва уни чайқалиб тинглаб бораётган йигитга ҳайрат билан тикилади. Вазиятни тушуниб етганиданми, бадмастнинг рўпарасига келиб, унинг ёқасини ушлайди. Бадмаст кўзини очар экан, у чаққон ҳаракат билан орқага тисарилади. Аллақандай ғайритабиий ҳаракатлар қилиб, кўз илғамас тезликда оёқларининг юзаси билан бадмастнинг афтига тарсаки тортади.

— Нима, «майда-майда», нима, «майда-майда». Ҳозир машина босиб кетган қурбақадек қилиб қўяман.

Бадмаст ташаббус қўлидан кетганини, рўпарасида каратэчи турганини сезиб, жимиб қолади.

— Э, бор экансан-ку, ука! Бир соатдан бери азобимизни берди бу ярамас, — деб бадмастнинг юзига шапалдоқ тортишга улгурасиз. Автобусдаги кампиру чоллар каратэчини олқишлаб, дуога қўл очганларида, унинг авзойи бирдан ўзгаради.

— Бас, қилинглар, жим! — У мушукдек сакраб ўрнидан туради. «Майда-майда» қўшиғи эскириб кетди. Эшитиб оларинг, энди «Қизил олма»ни айтасизлар.

Ҳамма анграйиб қолади...

Бу машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоевни кулги дунёсига олиб кирган ва кулги мухлисларига бевосита танитган машҳур «Танимадинг-а!» ҳангомаси. Уни ўқиб, мазза қилиб кулган бўлсангиз, энди сизни ҳангома муаллифи билан таништирайлик... Нима демоқчисиз? Билдим, «Кофе» ҳангомасини ҳам ўқийлик, де-



моқчисиз. Жиндай шошманг, биродар, пошилманг. Кейинги саҳифаларда сизни бундан-да қизиқ, бундан-да мароқли ҳангомалар, суҳбатлар кутяпти.

Аввал Ҳожибой Тожибоевнинг таржимани ҳоли билан қисқача танишиб олинг, кейин бир гаг бўлар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой (Ҳожимурод) Тожибоев 1955 йил, 25 августда Хўжанд вилоятида туғилган. 1971 йилда ўрта мактабни тугатган. 1973—1977 йилларда Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг драма ва кино актёрлиги факультетини тамомлаган.

1977—1981 йилларда Хўжанд вилоятининг Шукур Бурхонов номидаги Нав ўзбек мусиқали драма театрида актёр бўлиб ишлаган.

1981—1985 йилларда эса Андижон вилояти филармониясида бадий сўз устаси бўлган.

1985 йилдан бошлаб оммавий ва катта саҳналарда махсус репертуарлар тайёрлаб, яккахон концертлар намойиш қилиб келяпти.

Ҳозирда «Ўзбекнаво» концерт-гастроль бирлашмасида хизмат қилади.

Ҳожибой Тожибоев қизиқчилар орасида биринчилардан бўлиб 2003 йилнинг 1—2 декабрь кунлари, 2004 йилнинг 11—12 декабрь кунлари Халқлар дўстлиги саройида ўзининг яккахон концертини катта олқишлар



Раҳматли отамнинг дуолари ҳамиша ижобат бўлган.

билан намоиш этди. Бу концертлар санъаткорнинг ўз истеъдодини, репертуарини томошабинлар имтиҳонидан қайта ўтказиш билан бирга, кулги санъатимиз нақадар бойлигини, юксаклигини ва кўп қиррали эканлигини яна бир бор исботлади. Шунингдек, миллий қизиқчилик санъатида Ҳожибой Тожибоевнинг ўзига хос ижро услуби, кулги йўли ва мактаби борлигини томошабинлар, мутахассислар ва барча кулги мухлислари эътироф этдилар. Ана шундай мухлислардан бири — шоир Тожимуҳаммад Абдуллаев моҳир кулги устасини шундай таърифлайди:

*Ҳожибойни бир кўрарга зор бўлиб,
Юрганлар кўп, сўзига ҳумор бўлиб.
Фурсат етса ҳамиша у даврада,
Шай туради хизматга тайёр бўлиб.*

*Гап бошлайди, ўзбек ўзи қизиқ, деб,
Ўзларидан қаранг, сўзи қизиқ, деб.
Ошам ошни пешонага суртармиш,
Пешонам шўр, тириш-буриш чизиқ, деб.*

*Самоварга чиқиб яна тўрттовдан,
Чой ичармиш патнис қўймай беармон.
Онл ичганми, ё ундоқроқ ё ногон,
Кулиб охир бўлар эмиш пушаймон.*

*Келинг, дўстлар, давомини Ҳожибой
Ўзи айтсин, кулдириб, очиб чирой.
Кулдирганда қотиб-қотиб кулинглар,
Излаб қолинг, залдан тополмасдан жой.*

КУЛГИ ДАРМОН ДЕЙДИЛАР

**Ёки қизиқчининг қизиқ ҳангомалардан
ва жиддий мулоҳазалардан иборат мулоқоти**

Ҳожибой Тожибоевнинг номини эшитиши билан одамлар юрагида кулгу, юзида табассум пайдо бўлади. Агар бирор даврада Ҳожибой ака тўғрисида гап кетса, тамом, дарҳол унинг репертуаридаги ичакузди ҳангомалар эста олинади. Теша тегмаган кулгили иборалари қайта-қайта такрорланади. Чунки бу иборалар

аллақачон одамларнинг тилидан дилига кўчган. У кирган давраларда ўз-ўзидан кулги янграйди кулги кулади, қаҳқаҳа авжига чиқади...

Ҳожибой Тожибоев қизиқчилик санъатига ўз услуби, ўз ижро йўли билан кириб келди. Ва ўз мухлисларини топди. У катта-катта давраларда одамларни кулдиргани билан ўзи кулмайди. Ниҳоятда камтар ва камгап. Жим турганда ҳам кулаётганга ўхшайди. Лекин аслида жим турган бўлади. Дикқат қилган томошабин фақат унинг юзлари, кўзлари эмас, балки киприклари кулаётганини сезиши мумкин. Хуллас, бу таниқли санъаткор кулги учун, кулдириш учун туғилган. Кулги унинг ҳаёти.

Қизиқчи билан бўлган суҳбатни унинг «Қозон» ҳангомаси билан бошладик:

— Бир қўшни қўшнисиникига қозон сўраб чиқибди. Қўшничилик, бермаса бўлмайди. Орадан икки кун ўтиб қўшниси қозонни қайтарибди. Қозоннинг ёнида кичкина қозонча ҳам бор эмиш.

— Бу нима? — дебди қозоннинг эгаси.

— Қўшни, қозонингиз туғди, қўшиб олиб келдим, — дебди қўшниси.

Орадан икки кун ўтгач, ҳалиги қўшниси яна қозон сўраб чиқибди. Қўшничилик, бермаса бўлмайди. Лекин орадан икки-уч кун ўтсаям, қозондан дарак йўқ. Секин чиқиб қўшнисидан сўрабди:

— Қўшни, қозонимни қайтарсангиз.

— Эй, кўргилик қўшни, сизга айтаман, деб хаёлимдан кўтарилибди. Қозонингиз ўлиб қолди, — дебди қўшниси хафа бўлиб.

— Ия, қўшни, қозонам ўладими? — деб ҳайрон бўпти қозоннинг эгаси.

— Ҳо, нега ўлмас экан? Ахир, қозонингиз туғди, десам ишонасиз-у, ўлди, десам ишонмайсизми?..

— Яшанг, Ҳожибой ака, одамларни кулдириш қийин бўлса керак-а?

— Нафақат қийин, балки азоб. Турган-битгани азоб. Бу учун қизиқчидан тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш ва ҳаётни чуқур ўрганиш талаб этилади.

— *Машҳур фаранг адиби Виктор Гюго: «Кулги — мисли офтоб: у инсон юзидан қиш қаҳрини олиб таш-*

лайди», деган. Сиз кулгини қандай тушунасиз? Кулгининг кулгидан фарқи борми?

— Ҳақиқий кулги — дам олиш, руҳий ва ақлий озуқа беради. Бир машҳур қўшиқда айтилганидек: «Кулги дармон дейдилар». Лекин кулгининг кулгидан кескин фарқи бор. Кулгини юракдан ҳис этиб, ақдан тушуниб кулиш ҳам фозилликнинг бир белгиси. Бўлар-бўлмасга кулавериш, ҳадеб ишшайиш менимча соғлик белгиси эмас.

— Сўнги йилларда қизиқчилик санъатини ривожлантиришга эътибор кучайди. Бир неча йиллардан буён республика миқёсига қизиқчиларнинг кўрик танловлари ўтказилиб келинади. Бу ўз-ўзидан истеъдодли қизиқчилар, сўз усталари этишиб чиқишига кенг имкониятлар очяпти. Мана, сиз ҳам «Қизиқчи—90» республика кўрик танловининг қолибисиз. Афсуски, айрим қизиқчилар репертуарига бачкана мавзулар, саёз ва беҳаё қангомалар кўп учрайди. Маъноли кулгидан кўра, бемаъниси кўп. Умуман, қизиқчиликдаги енгил-елпилик, беҳаёлик ва қуруқ сафсатабозлик сизни ташвишга солмаяптими?

— Уф! Оғир савол бердингиз. Наинки ташвишлантиряпти, ҳатто сочларимнинг эрта тўкилишига сабаб бўляпти. Билмадим, бу кетишда шўрлик бош нима бўлади? Санъатнинг барча турларида бўлгани каби қизиқчиликда ҳам енгил-елпилик, сохталик кетмайди. Энг ёмони беҳаёлик. Айрим қизиқчилар томошабинлар орасида аёллар, қизлар, ёш болалар ўтирганлигини унутиб қўйишади ва оғзига нима келса валдирайверади. Ачинарли томони шундаки, баъзи қизиқчилар бачканалик, ҳаёсизликни касбга айлантириб олганлар. Бундай йўл ёмон оқибатларга олиб келади. Қизиқчилик санъати ривожига жиддий тўсиқ бўлади. Томошабиннинг маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ҳамма нарсанинг ўз ўрни, ўз давраси бор. Қизиқчи ҳаммаша томошабинни ўйлаб, унинг кулгисини ҳис этиб туриши керак. Ахир қизиқчилик шунчаки кулдириш воситаси, ном орттириш учун майдон эмас. Жаҳон санъатида қизиқчилик фан сифатида ўрганилади. Тадқиқотлар олиб борилади. Бизда ҳали бу санъат тарихи чуқур ўрганилмаган. Илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ

этилмаган. Масалан, ҳозиргача бирор-бир мутахассис машҳур қизиқчилар ижодини кенг ўрганиб, теран таҳлил қилгани йўқ. Назаримда, ҳақиқий қизиқчилар ижодини баҳолайдиган, ўрганадиган вақт келди. Яна қайтариб айтаманки, қизиқчилик масхарабозлик, майнавозчилик эмас. Қизиқчилик ҳам ижодий фаолият, ҳам фан. Йиллар ўтиши билан бу исботланиб бораверади. Қизиқчи фақат кулдирмайди, балки тарбиялайди, маънавият сари етаклайди.

— *Биринчи марта қачон, қаерда, кимчи кулдиргансиз? Сизда қизиқчилик қобилияти борлигини биров сезиб маслаҳат берганми ёки ўзингиз шу йўлни танлаганмисиз?*

— Болалигимдан актёр бўлишни орзу қилардим. 8-синфда ўқиб юрган чоғларимда синфдошларимни кулдирди бошлаганман. Ўшанда ўзимда озми-кўпми одамларни кулдириш қобилияти борлигини сезганман. Мактабни битириб, сўнгра Тошкент Санъат институтининг актёрлик бўлимини тугатганман. Салкам 30 йилдан буён саҳнадаман. Қўлимдан келгунча одамларни кулдиришга ҳаракат қиляпман.



Устоз Муҳиддин Дарвешовдан кулги сирларини ўрганман.

— Шу ўринда устозларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Институтда машҳур педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Нина Ивановна Тимофеева қўлида таҳсил олганман. У киши ҳақиқий жонкуяр устоз эди. Саҳна сирларини ўрганишимда, қизиқчи бўлишимда устозимнинг хизматлари катта. Элга танилган санъаткорлар Ҳасан Йўлдошев, Эргаш Каримов, Муҳиддин Дарвешов, Абдуфаттоҳ Саидов ижоди ва ижроларини эшитиб, кўриб кўп нарсалар ўрганганман. Уларни ҳар бири мен учун ўзига хос мактаб. Бу мактаблардан кўплаб ёш истеъодлар баҳраманда бўладилар.

— *Репертуарингиздаги «Аёлнинг жони қирқта» ҳангомангиз анча машҳур бўлиб кетди. Бунда ўзбек аёлининг жўшқин ҳаёти билан бирга оғир меҳнати жиддий кулги остига олинади. Кулишга куласизу, бироқ юрагингизнинг қаерларидадир ачиниш ҳисси пайдо бўлади. Аёлни кундалик ташвишлардан, ортиқча елиб-югуришлардан, турмуш қийинчиликларидан жиндай озод қилиш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?*

— Шу ҳангомани айтганимдан кейин кўп хотинлардан хатлар олдим. Улардан айримлари эрларимиз талтайиб кетишди, ишламай қўйишди, саҳнага чиққанингизда кечирим сўранг, деб ёзишибди. Масалан, эр эрталаб ишга кетаётиб хотинга тайинлайди: «Ғўзапояни у томдан бу томга олгин. Томорқага сув қўйгин. Сўнгра анаву чала қолган деворни бузгин. Кечқурун лой қиламиз». Бир ўйлаб кўринг, ахир шунча ишни бир аёл уддалайдими? Гапнинг очиғини айтиш керак, бундай оғир рўзвор юмушларини фақат бизнинг аёлларимиз бажаришлари мумкин. Жони қирқтадан ҳам кўп бўлса керак.

Бозор иқтисоди шароитида бироз қийинчиликлар бўлаётганлиги сир эмас. Лекин худо эркакларга жиндай инсоф бериб, ўтиб кетадиган бу оғир кунларда аёлларга чин мададкор, чин фидойи бўлсинлар. Масалан, эркаклар бир соат кам ухласа, бир сафар улфатчиликка бормаса, гап-гаштакни бироз камайтирса, аёлларга ҳам анча енгил бўларди. Бир лаҳза бўлса ҳам меҳнатдан бошини сал кўтарарди. Аёл аёллигини ҳис этарди.

— *Пифагор: «Ҳазилни ҳам тузга ўхшатиб меъёрига ишлатиш керак», деган экан.*

— Саволингизни тушундим. Меъёр жуда керак. Айниқса қизиқчиликда. Меъёрни топиш ҳам талант. Қачонки меъёр бузилса, юқорида айтганимиздек, сазелик, бачканалик ва ҳаёсизлик бошланади. Ҳозир айрим таниқли қизиқчиларимиз ҳам меъёрни бузаётирлар. Меъёр бузилган жойда кулги санъатига албатта путур етади.

— *Киноя ва пичингнинг қай биридан кўпроқ фойдаланасиз?*

— Ҳар иккисини ҳам — даврага қараб, томошабинларнинг қабул қилишларини ҳисобга олиб ишлаш таъмин. Кўпроқ қаҳрамонлар тилида берилди. Лекин ҳаётда киноя ёки пичинг қилишни ёмон кўраман. Биров кинояни тушунмаслиги, бошқа биров пичингни кўтара олмаслиги мумкин. Кейин ўртада хафагарчилик соя ташлайди. Хуллас, бунга ҳам меъёр керак.

— *Тушга ишонасизми, кўпроқ тушларингизда нималарни кўрасиз?*

— Тўғриси, кам туш кўраман. Яхши тушга ҳам, ёмон тушга ҳам садақа бераман. Энди, тушга ишонганда-ку кўп яхши ишлар бўларди. Начора?..

— *Ҳаётда кўпроқ қайси мақолга амал қиласиз?*

— «Ўзингни эр билсанг, ўзгани Шер бил» мақолига доим амал қиламан. Одам ҳеч қачон кеккаймаслиги, манманликка берилмаслиги керак. Айниқса, санъаткорлар бу ҳикматли сўзга кўпроқ амал қилишларини истардим. Шунда эл ўртасида обрўймиз яна ҳам баланд бўлади. Халқ назаридан қолишдан оғир жазо йўқ.

— *Қайси ёзувчиларнинг асарларини сениб ўқийсиз?*

— Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Чехов, Зошченко, Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Ангар Обиджон асарлари менга ёқади.

— *Китобга муносабатингиз?*

— Яхши китоб доно дўстга ўхшайди. Ҳар доим яхши китоб топиш қийин. Афсуски, сўнгги йилларда ўз ҳисобидан китоб чиқарадиган ўртамиёна муаллифлар кўпайиб кетди. Масалан, собиқ Шўро тузуми даврида ҳатто шеъри чиқмаган бир шоир кейинги уч

йил ичида ўз ҳисобидан тўртта китоб чиқарди. Энди китобларини сотолмай гаранг. Эссизгина қоғоз. Аҳвол шу тарзда кетаверса, одамларнинг китобга бўлган ихлосига путур етиши мумкин. Мазмунан саёз китоблар келажақда саёз фикрловчи китобхонларни тайёрлайди.

— *Ҳозир қандай янги китоб ўқияпсиз?*

— «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси Бош таҳририяти томонидан ажойиб китоблар чоп этиляпти. Мазмуни ҳам, сифати ҳам яхши. Ҳозир мазкур нашриётда чоп этилган «Ичак узди ҳангомалар» китобини кулиб-кулиб қайта ўқияпман. Бу ҳангомаларни эринмай таржима қилган ва тўплаган ҳурматли олимимиз Озод Шарафиддиновга тасанно дейман. Шунингдек, хитой файласуфи Конфуцийнинг рус тилида чоп этилган сайланмасини ўқиб ҳайратга тушяпман... Кечирасиз, шу ўринда яна бир ҳангома эсга тушди.

— *Марҳамат!*

— Бир бемор невропотолог врачнинг ҳузурига келиб: «Дўхтир, мани даволамасангиз бўлмайди. Мен склероз бўлиб қолдим. Ўзбекчасига паришонхотир бўлса керак. Ҳатто ўзимнинг исмим ҳам эсимдан чиқиб қолаяпти. Кеча хотинимдан сўраб билиб олдим. Бир овқат есам денг, евураман, евураман, ёрилиб кетай дейман. Бир ухласам тамом, ухлайвераман, ухлайвераман, уйғониш эсимдан чиқиб кетади. Агар уйда хотин бўлмаса бир ҳафтадаям ухлайвераман. Дўхтир ишонмайсиз, тунов кун нафас олиш эсимдан чиқиб қолди, бир минутча нима эсимдан чиқиб қолганини ўйлаб кетдим. Билсам, нафас олмаётган эканман. Кейин нафас олиб тирик қолдим. Ўлимимга азгина қолди-я. Шунақа дўхтир. Мени даволамасангиз бўлмайди», дебди. Дўхтир: «Яхши, даволайман, лекин айтингчи, шу касалингизга неча йил бўлди?» деб сўрабди. «Қайси касалимга, дўхтир?» дебди бемор. «Унда сизни даволаса бўлади. Лекин манави кишини даволаб бўлмайди. Ҳақиқий склероз экан», деб бир беморни кўрсатибди. Бемор ўтирган эмиш. «У нима қиляпти?» «Нима қиларди, дори берганимга бир соат бўлди, лекин халиям оғзини топа олмаяпти», дебти дўхтир.

— *Раҳмат, Ҳожибой ака. Энди бундай тоифа беморлар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Лекин бозор иқти-*

соғига ўтиш жараёнида паришонхотирларнинг биров кўлайиши табиий. Невропатологларнинг жонига тўзим берсин.

— Бозор иқтисодиётидан асло чўчимаслик керак. Бу қийинчиликларнинг ҳаммаси ўткинчи. Ҳадемай ўтиб кетади. Бекорга паришонхотир бўлган қолади. Шу ўринда яна бир ҳангома.

Маълумки, ота-онадан мерос қолади. Бировдан пул, қимматбаҳо буюм, бировдан машина, гилам, мол-қол, бировдан уй, яна бировдан китоб қолади. Бир 90 ёшга кирган чол оғир касал бўлиб ётган экан, катта ўғли ҳадеганда ёнига киравериб:

— Дада, кўзингизни очинг, бу қанақа ётиш ахир, — дермиш.

— Ҳа, нима гап, ўғлим — сўрабди чол. Шунда ўғли:

— Мана, қўшнимиз ўлиб кетди. Ҳали йигирмаси ўтмасдан ака-укаларнинг боши жанжалдан чиқмаяпти. Меросни кўзингиз очиқлигида бўлиб бериб кетинг, — деб қисталанг қилибди.

Боши қотган чол ҳамма фарзандларини ҳузурига чиқартирибди. Сўнг катта ўғлига қоғоз-қалам олиб келишини буюрибди.

— Биринчи ўзингни ёз, — дебди ўғлига, — санга 80.000, уканга 70000, яна бир уканга 60000, синглинга 50000, кенжатой синглинга 40000 сўм. Набира, абира ва чевараларга 5000 сўмдан ёзгин. Ёздингни?.. Энди мени ёстикдан кўтаринглар. Ҳа, раҳмат, — чол шундай деб кўлларини осмонга кўтариб, илтижо қилибди: — Эй, художон, энди шунча пулни қаердан оламан!..

— Ҳангоманинг мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, репертуарингизда оила мавзуси алоҳида ўрин тутади. Умуман оиланинг жамиятдаги роли, вазифаси ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Анча мураккаб савол бердингиз. Аслида ҳар қандай жамиятни оиласиз тасаввур этиб бўлмайди. Оила бўлмаганда эҳтимол жамият ҳам бўлмасди. Лекин мени бир нарса кўпдан ташвишга солиб келади. Масалан, ёш йигит-қизларни ҳаётга, турмушга ҳар томонлама тайёрламасдан туриб оила қуришга мажбур қиламиз. 17—18 ёшга тўлган йигитни уйлантири-

шади. Уларнинг кўпчилигида на касб-хунар бор, на бирор соҳани ўқиб-ўрганмаган. Қиз ҳам шундай ёш. Улар ҳаётни, турмушни яхши билмагандан сўнг қандай ибратли оила қура олади. Оқибатда оилага путур етади, айниқса, суд залларида кўпроқ ажралаётган ёш оилаларни кўриб ачинади киши. Бу оила қуришга енгил-елпи қарашнинг оқибати. Биз ёшларни оилага тайёрлашимиз керак. Шундагина оилаларнинг мустақамлиги ва умрбоқийлигини таъминлаган бўламиз.

— *Кечирасиз, баъзан ёш оиланинг бузилишига ёмон қайноналар ҳам сабабчи бўладилар. Шундай эмасми?*

— Энди камдан-кам келин қайнонадан рози бўлади. Қайнона сўзи негадир салбий эшитилади. Кўпинча шу сўзни эшитишим билан кўз олдимга Фармонбиби образи келверади. Қайноналарнинг ичида яхшилари кўп, лекин жанжалкашлари ҳам исталганча топилади.

— *Қайноталар ҳақида нима дейсиз?*

— Қайнота оила экологиясини доимо тозалаб турадиган жонли аппаратга ўхшайди.

— *Айрим оилалардаги эр-хотинлар ўртасига бўлиб турадиган кўнгилсиз жанжаллар ҳақида ҳам ичакузди ҳангомаларингиз анчагина.*

— Ҳаммаси ҳаётдан олинган. «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган мақоланинг мазмунини чуқур англаб етсак, жанжаллар камроқ бўлармиди. Ҳар қалай аёл оила уставини билиб, иложи бўлса ёдлаб олса, жанжалкаш эрнинг нафаси ичида бўлади. Лекин ичкиликка берилган, бўлар-бўлмасга жанжал қиладиган бемаъни эрдан худо сақласин. Унинг аёли жонига тўзим берсин.

— *Сухбатимиз ўз-ўзидан бола тарбиясига келиб боғланыпти.*

— Ота-она учун бола тарбиясидан улуғ вазифа йўқ. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Мен болани ҳудабехудага эркалатиш, ёмон оқибатларга олиб келади, деб ўйлайман. Ҳеч бир ота-она ўз боласига ўғирлик қил, йўлтўсар бўл демайди. Аслида эркалатиш ҳам меъёрида бўлиши керак. Бизда ҳалиям боланинг қобилиятига қараб тарбиялашга жиддий эътибор йўқ. Мажбурлаб ўзи хоҳламаган ўқишга қўямиз. Бировнинг олғир боласига қиёслаб, нега шундай бўлмайсан, деб

дўқ урамиз. Ёки йўллари қилиб ҳарбий хизматдан олиб қолишга уринамиз. Бозор шароитини рўқач қилиб, болаларнинг турли жиноят кўчаларига кириб кетишларига баъзан ўзимиз билмай имкониятлар яратиб беряпмиз. Уларни ҳунарли қилиш ҳақида кам ўйла-япмиз. Буларнинг ҳеч бири бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмайди. Хуллас, тарбия масаласида қусурларимиз кўп.

Менинг назаримда, дунёда энг буюк кашфиётлар рўй берган. Мустақиллик шарофати билан халқимизга берилган катта эркинлик туфайли таълим-тарбияни кучайтириш пайти келди. Жаҳон кашфиётларини ўқиб-ўрганиш, ўзлаштириш ва мукамал билишга ҳаракат қилишимиз керак.

Энди гапнинг очиги каллани ишлатиш пайти келди. Собиқ шўро даврида 70 йил дам олгани етади. Роса маза қилиб дам олган-да.

— *Калла ҳақида машҳур ҳангоманиз бор-ку!*

— Бу ҳангомани ўша пайтларда айтганмиз. Ҳозир ҳам эскиргани йўқ. Қайсидир номаълум оролда каллалар аукцион бўлибди. Унда японнинг калласи 300 доллар, немисники 200, французники 100 доллар экан. Чеккароқда ўзбекнинг ҳам калласи турганмиш. Унинг ёнида нархи минг доллар деб ёзилганмиш. Ҳамма ҳайрон. Харидорлар орасида жиддий баҳс-мунозара бошланибди: нега нархи ундоқ, нега қиммат деб. Бунга аукцион раҳбарлари шундай жавоб беришибди:

— Япон, немис, французнинг каллалари ишлайвериб, ишлайвериб, палағда бўлиб кетган. Шу учун нархлари анча паст. Манаву калла 70 йил ишламаган, ҳали свежий, шундоқ мойи билан турибди. Ҳали у ёқда бундан ҳам катта, бундан ҳам свежий каллалар бор. Бир каллаларки, ошқовоқдай, ошқовоқдай келади, дермиш.

Энди бу ҳангоманинг тагида ҳам аччиқ ҳақиқат бор. Буни тан олишимиз керак. Афсуски, мустақиллик берган имкониятдан фойдаланмай бекор юрган каллалар ҳам кўп. Агар каллалар ишласа, кўп муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади.

— *Жаҳон медицинасининг узоқ йиллар давомига олиб борган хулосасига кўра, барча касблар ичига жур-*

налистлар юрак хасталиги билан кўп касал бўларкан? Бу ҳолни қизиқчи сифатида қандай изоҳлайсиз?

— Журналист халқ ва жамиятни асл ҳолича бирига кўрсатадиган тиниқ ва ёруғ кўзгу. Шу кўзгу ҳеч қачон хира тортмаслиги керак. Ҳар қандай катта-кичик хира нуқталар юракда дардли изларни, изтиробларни қолдиради. Бу оғир излар қандай оқибатларга олиб келиши аниқ.

Мустақиллик даврида журналистларимиз катта фидойилик ва жасорат билан ижод қиляптилар. Буни телевидение ва матбуот саҳифаларида кўриб, ҳис этиб турибмиз. Уларнинг кўпроқ юракдан мириқиб кулишларини хоҳдайман. Аслида юракнинг дориси кулги. Ана шу доридан кўпроқ истеъмол қилавериш керак.

— Ёлғон ва ёлғончиға муносабатингиз? Ўзингиз ҳам қуртдай қилиб ёлғон гапириб турасизми ёки бирор зарурат юзасиданми?

— Ёлғонни ҳам, ёлғончини ҳам жуда ёмон кўраман. Ёлғончидан дўст чиқмайди. Ўзим ҳеч маҳал ёлғон гапирмайман. Лекин ижодимда бадиий тўқимада ёлғон ишлатаман. Ҳаётдаги ёлғондан худо асрасин!

— Тажрибали ёлғончиға қандай маслаҳат берасиз?

— Ҳар куни биттадан рост гапиришни одат қилса, бир йилда 365 та рост сўз айтган бўлади.

— Машҳурлик юкидан чарчамадингизми? Айрим таниқли санъаткорларға ўхшаб шуҳратпарастлик гардига мубтало бўлганингиз йўқми?

— Худога шукр, ҳозирча йўқ. Келажақда ҳам бўлма-са керак. Энди элнинг ичида юрганингиздан сўнг, телевидениеда тез-тез кўриниб тургандан кейин ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Машҳурлик ва шуҳратнинг оғир томони шундаки, улардан ҳеч бирининг қулига айланмаслик керак. Ҳар иккисида ҳам томошабин назаридан тушиб қоласиз.

— Кулмайдиган одамға қисқа маслаҳат.

— Врачға бориши керак. Бошқа илож йўқ.

— Айрим давраларға Ҳожибой Тожибоев миллионер бўлиб кетган бўлса керак, дейишади. Шу тўғрими?

— Жуда тўғри. Миллионерни миллионер деса нимаси ёмон. Ахир миллионлаб киши танигандан сўнг миллионер бўласан-да.

— Кўпроқ кимларнинг тўйига борасиз ёки тўйчиларни тоифага ажратасизми?

— Йўқ, тоифага ажратмайман. Оддий, камтарин ва самимий одамларнинг тўйларига боришга ҳаракат қиламан. Асосан дўстлар, қадрдонларнинг тўйларини ўтказаман. Айни пайтда бу дўстларимга ажойиб тўёна ўрнига ҳам ўтади. Лекин тўққизта тўйга бориб, биттасига боролмай қолсангиз дарҳол хафа бўладиган дўстлар ҳам учрайди. Баъзи тўйларда эса қизиқчи бўлганимга пушаймонлар ейман...

— Сўнгги йилларда ўзбек кинематографчилари кўплаб комедиялар яратдилар. Лекин бу кино асарлар негачир оммавийлашиб кетмаяпти. Айрим комедияларни бир марта зўрага томоша қилиш мумкин. Нега машҳур қизиқчиларни комедияларга таклиф қилишмайди?

— Нега таклиф қилмаётганлигини режиссёрлардан сўраш керак. Ҳақиқатан ҳам комедияларимиз бироз сийқалашиб кетди. Билган-билмаган киночи ўзини комедияга ураяпти. Шу боис экранларда ўртамиёна комедиялар пайдо бўляпти. Масалан, «Темир хотин» яхши комедия. Лекин «Темир эркак» ўта бачкана. «Олтин девор»нинг театрдаги сахна варианты зўр. Бироқ уни кинокомедия қилиб анча сийқалаштиришди. «Келинлар қўзғолони» комедияси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бозор иқтисоди шароитида томошабинни арзон, бачкана ва енгил-елпи комедиялар билан маҳлиё этаман, деган режиссёр янглишади. Бундайларга худонинг ўзи инсоф берсин.

— Сизга кўпроқ қайси гулни совға қилишларини хоҳлайсиз?

— Атиргулни! Бу гул жуда хушбўй. Бундан ташқари ёшлигимни, болалигимни ёдга солиб туради. Байрамларда атиргулни ўқитувчиларимизга, синфдош қизларга совға қилар эдик...

— Афсусланадиган ёки пушаймон бўладиган иш қилганмисиз?

— Ҳозирча йўқ. Қўлдан келгунча, имконият етгунча шундай ҳолатларга тушмасликка ҳаракат қиламан. Лекин баъзан давраларда, суҳбатларда бемаъни, маданиятсиз, маънавий қашшоқ одамларни кўриб, улар билан кетган вақтимга қаттиқ афсусланаман.

— Шу ўринда яна битта ҳангома эшитайлик.

— Марҳамат. Яқинда танишган йигит билан қиз қимтиниб бекатда турган экан. Бир автобус келиб тўхтабди. Йигит қизни ҳурмат қилиб шундай дермиш:



«Чиқинг, жоним», — дебди йигит...

— Қани, чиқинг жоним, бўлинг жоним, ўтинг жоним. Автобус кутиб қолди, ниқинг жоним.

— Олдин сиз чиқинг, йигит кишисиз, — дебди қиз ийманиб.

— Биз, йигитлар қизларни ҳурмат қиламиз. Олдин сиз, кейин мен чиқаман. Қани бўлинг жоним, чиқинг жоним, бўлинг жоним, чиқинг жоним, қани чиқинг жоним.

Шунда ҳайдовчи йигитга қараб нима дебди денг:

— Аввал ўзинг чиқ, кейин сани жонинг чиқсин!

— *Ижодий учрашувлардан бирида устоз Неъмат Аминов сиз ҳақингизда гапириб: «Ҳожибой саҳнага чиқса, яна ҳам очилиб кетади. Томошабинни ўзига магнитгай тортади. У саҳнада ҳақиқий ҳаёт яратади», деди. Умуман, Сиз учун саҳна ўзи нима? Саҳнада ўзингизни қандай ҳис қиласиз?*

— Саҳна мен учун илоҳий жой. Ҳаётимнинг энг ширин, энг гўзал, энг бахтли онлари саҳнада ўтади, десам сира муболаға бўлмайди. Шу саҳнада жуда мазза қиламан-да! Худди балиқ сувда сузгандай сузаман. Илҳом ҳам саҳнада келади. Баъзи ҳангомалар саҳнада тугилади, саҳнада мукаммаллашади. Баъзиларига кўшсам, баъзиларини қисқартираман. Хуллас, томошабин «иштаҳаси»ни ҳисобга оламан.

Бир концертда томошабинлар мени сира қўйиб юборишмаяпти. Қарсак устига қарсак. Шунда биринчи қаторда ўтирган кекса отахон ёнидаги термосдан бир пиёла чой қуйиб узатди. «Раҳмат, отахон, раҳмат, — деб у кишига яқин бордим. — Сиз мени кўп гапириб, томошабинларни кўп кулдирганидан томоғи қуриб қолди, деб ўйладингиз шекилли. Йўқ, томоғим қуриган эмас. Қачонки, санъаткор ёлғон гапирса, томошабинни алдаса, томоғи қурийди», дедим.

Саҳна муқаддас. Саҳнада сира-сира ёлғон гапириб бўлмайди. Саҳнани ўйин деб билган, енгил-елпи йўллар билан томошабинни алдаган қизиқчи узоққа бормайди.

— *Сизнингча маданият нимадан бошланади?*

— Ҳақиқий маданият оиладан сўнг мактабдан бошланади. Мен бу ўринда кийиниш, гапириш, ўзини тута билиш, китобни, инсонни севишни ўрганишни назарда тутяпман. Масалан, китоб дўкони ёнида лоқайд,

бепарво ўтиб кетган одамни маданиятли, деб бўлмайди. Агар китобни сотиб олишга имконият бўлмаса, ўша китобни варақлаган одам қанчалар ҳузур қилади. Китобга қараш китобни қўлга олиш руҳини ўзгартиради. Мен доим нон дўконлари ёнида албатта, китоб дўконлари бўлишини орзу қиламан. Биттаси жисмоний, биттаси маънавий жиҳатдан қондиради ва ўз-ўзидан маданиятимиз юксалишига олиб келади.

Шу ўрнида маънавият ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Маънавиятсиз одам ҳар қандай бемаънилик кўчасига кириб кетиши аниқ. Маънавиятни сингдириш, ўстириш учун биринчи гада соғлик керак. Шу боис ҳукуратимиз соғлом авлод тарбиясига катта эътибор бераётир. Масалан, юзни ювиш, ўзига оро бериш учун аввало, одам уйқудан уйғониши керак. Уйғониб, юзини ювиб, тараниб, овқатланиб, озода кийиниб ишга боргандагина, ўша ишдан унум, барака, сифат бўлади. Маънавияти йўқ, маънавиятдан йироқ бой тез синади, тадбиркор ёки ишбилармон оқибатда майиб бўлади. Маънавият шундай катта ва қудратли бойликки, уни ҳеч нарса билан ўлчаб ёки баҳолаб бўлмайди. Маънавияти мустақкам халқ ҳеч қачон енгилмайди. Аксинча, қудратли, ботир бўлади.

— *Ҳожибой ака, кулги билан йиғининг орасига масофа борми?*

— Аслида, катта масофа бор. Лекин масофа йўқ, деса ҳам бўлаверади. Масалан, кулги бошланган жойга йиғи яқин келади. Баъзан эса кулгида ҳам йиғи бўлади. Улар ёнма-ён юради. Айтайлик, йиғлаб туриб кулиш, кулиб туриб йиғлаш мумкин. Кўп одамлар бу ҳолатларни бошидан кечиради. Масалан, «Мерос» деган ҳангомани айтганимда кўзимга ёш келади. Ниятим, самимий кулгидан, қувонч ёшидан ҳеч ким бенаиб бўлмасин!

— *Репертуар устида қандай ишлайсиз? Энг узоқ изланган, ишланган репертуарингиз қайси?*

— Репертуар ҳаётдан олинади. Уни тайёрлаш жараёни ҳам мураккаб, ҳам қизиқ. Баъзан яхши нарса уйқуда ё тушдаям келаверади. Ҳамма гап ўша ҳангоманинг қизиқ жойини илғаб олишда, хотирада ушлаб

қолишди. Кейин секин-секин ўзи пишиб, етилиб бо-
раверади. Масалан, «Ўзбекнинг ўзи қизиқ» репертуа-
ридан ўрин олган ҳангомалар 1988 йилдан бошланиб,
1993 йилдан тутади.

Қўшиқ — тайёр таом. Уни яхшилаб пишириб, «су-
зиб» егандан сўнг ҳамма даврада «ейиш» мумкин. Қи-
зиқчи эса ҳар бир янги давра учун янги масаллиқ
билан таом тайёрлайди. Баъзан бу таомнинг тузи кўп
ёки кам бўлиши мумкин. Қолгани маҳорат ва истеъ-
додга боғлиқ.

— *Айнан саҳнанинг ўзига вужудга келган, томоша-
бинлар қаршисига яралган ижод намуналари ҳам бўлган-
ми?*

— Албатга. Маълумки, кулдириш ва кулишнинг тур-
лари кўп. Саҳнада у ёқдан бу ёққа югуриб, ўмбалоқ
ошса ҳам, алмойи-алжойи, бачкана қилиқлар қилса
ҳам (эркаклар хотинларнинг кийимию ҳатто ич кийи-
мини кийиб чиқсалар ҳам), томошабин кулавериши
мумкин. Бироқ сизга саҳнада сўз айтиш имкони бе-
рилдими, сўзга нисбатан масъулият ҳиссини ҳам ан-
лаш зарур. Саҳна меъёрини унутмаслик керак.

Сўз инсонга берилган олий неъмат. Уни беҳуда
исроф ёки ундан нотўғри фойдаланиш фақат зиён кел-
тиради. Шунингдек, аввало томошабин санъаткор аҳли-
ни маънавият ва маданият вакили, унинг ўзини эса
юксак маданият эгаси дея ҳисоблайди. Шунинг учун у
нимани эшитса, кўрса, тўғри деб билади. Ундан ибрат
олиши, ҳатто тақлид қилиши ҳам мумкин. Санъаткор
айни пайтда тарбиячи вазифасини ҳам бажаради.

Инсон ҳамиша ўз виждони, имони, қолаверса, ай-
таётган сўзига нисбатан масъулиятни ҳис этиши шарт.
Кийиниш одоби, саҳна маданияти, нутқ маданиятини
эсдан чиқармаслиги зарур. Балки Европада кўпчилик
олдида яланғоч чиқиш, аёллар кийимида юриш мум-
киндир, бу ҳеч эриш туюлмас. Бироқ бу нарса мусул-
мончиликка, қолаверса, ҳалқимизнинг менталитетига
қай даражада тўғри келади? Шунингдек, биз ҳар қан-
дай ҳолатда ҳам ким эканимизни, илдимиз — ўзли-
гимизни унутмаслигимиз керак. «Замон ўзгаряпти, за-
мон», дейишади. Замон-ку, ўз жойида турибди. Одам-
лар ўзгаряпти, айримлар фақат енгил-елпи йўлга ўтиб

олдилар, холос. Бебаҳо ҳисобланган сўзни ҳам кўп қолларда миш-мишлару, турли гийбатлару алдов каби иллатлар учун ишлатишяпти.

— Сўнги йиллардаги концертларингиз афишаларида фақат сизнинг номингиз борлиги — бу ўзингизга нисбатан етарли ишончининг маҳсули шекилли?

— Мен ўз мухлисларимга ишонаман. Ҳатто вилоятларда бўлган гастролларда катта-катта стадионларда концерт беришга тўғри келган. Ҳатто ўн минглаб, йигирма минглаб томошабинлар йиғилган кезлар ҳам бўлган. Ва кунига икки сеансда, икки ярим-уч соатлаб гапиришга тўғри келган, бу борада томошабинлардан кўнглим тўқ.

Инсонни касби боқади. Шунинг учун инсон ўз касбини севиши, ҳурматлаши ва қадрлаши керак. Айни пайтда, томошабиннинг юксак ишончини ҳам... «Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам шу, мен — шунақаман» дейиш билан узоққа бориб бўлмайди. Томошабин зийрак, ҳаммасини билиб туради. Бундайлар ҳатто маҳорату санъаткорлик даражаси осмон қадар юксак бўлса ҳам, тезда назардан қолади, томошабиннинг кўнглига уради. Манманлик санъаткорга мутлақо ярашмайди.

Халқда «Дўстинг кимлигини айт, мен сенга кимлигингни айтаман», деган нақл бор. Мен шуни ўзимча талқин этганман: «қани, бир кулгинчи, сенга кимлигингни айтаман...». Одамнинг кимлиги унинг кулгисидан билинади. Ҳаётда инсон, у ким бўлмасин, қанақанги даражага етишишидан қатъи назар, виждонига содиқ қолиши керак. У уч-тўртта одамга танилгани билан мутлақо бошқа одамга айланиб қолмайди-ку, ахир. Истардимки, инсонлар қалбини самимий ва беғубор кулги асло тарк этмасин! Яшасин кулги, яшасин қаҳқаҳа!..

НЕГА КУЛАМИЗ?

ёки Ҳожихандон аниқлаган кулгининг «эркаги» ҳақида

«Агар юрларда яшаган одамлар кулишни билганларида тарих бошқа йўлдан кетган бўларди».

Оскар УАЙЛЬД

Биз нега куламыз, нима учун куламыз, кимдан куламыз ва қандай куламыз? Ушбу саволларни инсон боласи кула бошлагандан буён бир-бирига такрорлаб келади. Ва инсон боласи ақлини таниганидан бери ушбу саволларга тинимсиз жавоб излайди. Излайди-ю, лекин ҳалигача бирор-бир жўяли — кўнгилга таскин берадиган жавоб топа олганича йўқ. Буюк алломалар, файласуфлар, ёзувчилар, кулги дарғалари кулгига фалсафий таъриф бериб, кулгининг маъно-моҳияти ва аҳамиятини ўзларича тадқиқ қилиб, жиддий фикр-мулоҳазалар айтганлар.

Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамыз:

Немис файласуфи ва шоири Иогани Гёте: «Одамнинг ҳақиқий характери кулгандагина чинакамига намён бўлади».

Руснинг улуғ адиби Лев Толстой: «Ҳазил — катта куч. Ҳеч нарса одамларни бир-бирига чинакам беозор кулгидек яқинлаштирмайди...»

Кўриниб турибдики, кулгининг инсон ҳаётидаги муҳим жиҳатларига турлича баҳо берилиб, турлича талқин қилинган.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, гўдак уч ойлигидан кула бошлайди. Олти ёшлигида у кунига 300 марта кулади ё илжаяди. Катта ёшдагиларнинг одатда бир кунда 47 марта, жуда қувноқ одамларнинг эса юз мартагача кулиши кузатилади. Тунд ва ўта жиддий кишилар бир кунда зўрға олти марта жилмайиб қўйишади, холос.

Кулги энг яхши дори эканлиги қадимдан маълум бўлса-да, Америкадаги Стэнфорд университети олимлари буни илмий жиҳатдан асослаб беришди. Уларнинг фикрича, кулги танада «иммоглобин» ишлаб чи-

қаришни фаоллаштиради. Бу эса танадаги ҳимоя кучларини мустаҳкамлайди. Кулги «вирус», «бактерия» ва ўсма ҳужайралар кўпайишининг олдини олади. Хавфли касалликларга зарба беради.

Олимларнинг кузатувларига қараганда, кулги даволаниш жараёнини тезлатибгина қолмай, ички азобика бўлиб, яъни юрак тўқималарини ҳаракатга келтириш, тананинг юқори қисмини, хусусан, ўпка ва бошқа яшаш учун зарур аъзоларни уқаловчи восита сифатида ҳам хизмат кўрсатади.

Шунингдек, кулган киши танасида одатдагидан кўра ўзгача физиологик жараёнлар кечиши тўғрисида тиббиёт илмининг буюк пирлари Гиппократ ва Абу Али ибн Сино кенг маълумотлар бериб кетган. Ўтмишда «Кулги ҳақида рисола», «Кулгининг сабаблари» сингари рисоаларнинг чоп этилиши катта аҳамиятга эга. Олимларнинг фикрича, мириқиб кулган одам танасида озикланиш рўй бериб, ўпка йўллари очилиб, нафас олиш равонлашади. Қон ҳаракати яхшиланиб, модда алмашинуви изга тушади. Хуллас, кулган одамнинг қалби ҳам, истараси ҳам иссиқ бўлади.

Дунёнинг айрим ривожланган мамлакатларида кулгини, кулги санъатини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш, ҳатто кулги орқали даволаш ишлари олиб борилаётгани ҳайратланарли. Масалан, ҳиндистонлик доктор Мадан Катариа биринчилардан бўлиб ўз мамлакатада «Кулгисеварлар клуби»ни ташкил қилди. Сўнг доктор Катариа кулгининг инсон танасига жиддий таъсир ўтказиши устида чуқур илмий тадқиқот олиб бориб, шу нарсага иқрор бўлдики, «кулгитерапия» нафақат юрак, ошқозон яраси, асаб, уйқусизликда, балки жинсий майлни кучайтириш, ҳомиладорлик даврида болани соғлом ўстириш, инсон умрини узайтириш жараёнига бевосита яқиндан ёрдам бераркан. Ҳозир доктор махсус поликлиника очиб, беморларни кулги ва кулги воситалари билан даволяпти. Бундай тадқиқотлар ва даволаш жараёнлари Япония, Германия, Франция, Исроил врачлари томонидан ҳам ўтказилаётгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Хуллас, дунёнинг ривожланган мамлакатларида кулгини ўрганиш, уни ҳар томонлама тадқиқ этиш, кулги туфайли инсон умрини узайти-

риш, соғлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар, изланишлар яхши самаралар бермоқда. Айтилган кулгининг жамиятдаги ўрни илмий асосда ўрганилмоқда.

Инсоннинг бир кўзида йиғи бўлса, бир кўзида кулги яширин, бир юзида изтироб бўлса, иккинчи юзида кулги ўйнайди. Бир қулоғи билан насиҳат эшитса, иккинчи қулоғида латифа жаранглаб туради. Юракдан яйраб кулган одамнинг ҳатто киприклари ҳам мавжланиб кетади, руҳи, тани яйрайди.

Бешиқда ётган гўдакка яхши гаплар айтиб (гарчи, у тушунмаса ҳам) ёқимли қилиқлар қилсангиз, у албатта жилмаяди, садафдек тишларини кўрсатиб қиқирлайди. Унинг жилмайишида, қиқирлашида покизалик ва беғуборлик бор. У улғайгач ҳам ҳамма нарсани, воқеа-ҳодисаларни кулги кўзи билан кўришга интилади, кулги руҳи билан вояга етади, самимий кулги билан улғаяди, тарбия топади, қаҳқаҳа билан кучга тўлади.

Кулгида одамнинг табиати, характери ва турмуш тарзи худди ойнадай акс этади. Инсоннинг кимлигини, қандайлигини унинг қандай кулишидан билса бўлади. Масалан, кулгини узоқ вақт тадқиқ қилиб, қатор тажрибалар ўтказган мутахассислар шундай хулосаларга келдилар:

Кулаётганингда жимжилоғингиз билан лабингизга тегиनावерсангиз... Сиз ўзингизга эътиборни тортишга ҳаракат қиласиз;

Кулаётганингизда орзингизни қўлингиз билан беркитсангиз... Сиз анчагина қўрқоқсиз ва ўзингизга ишона олмайсиз. Тез-тез ҳаяжонланиб, ҳамиша соя ортида қолиш пайида бўласиз;

Кулаётганингизда бошингизни орқага ташлаб-ташлаб юборсангиз... Сиз анча саргузаштсевар, ишонувчансиз. Шунга яраша кенг имкониятларга ҳам эгасиз. Баъзан кутилмаган кашфиётларни амалга ошириб қоласиз.

Кулаётганингизда қўлингизни юзингизга ёки бошингизга теккизаверсангиз... Сиз роса орзуманд, хаёлпарастликка мойил кишисиз. Лекин бу ёмон эмас.

Кулаётганингизда бурнингизни уқаласангиз... Сизнинг туйғу ва қарашларингиз тез-тез ўзгариб туради. Сиз ҳиссиётли ва шу билан бирга баджаҳдсиз:

Кулаётганда оғзингизни катта очиб, баланд овоз чиқарсангиз... Сиз қизиққон одамлар тоифасидансиз. Озгина вазминлик ва хотиржамлик сизга халақит қилмайди.

Кулаётганингизда иягингизни ушлаб-ушлаб қўйсангиз... Сиз неча ёшда бўлишингиздан қатъи назар, юриш-туришингизда ёшликнинг белгиларини сақлаб қолгансиз;

Кулаётганингизда юзларингиз бужмайиб кетса... Сиз ўзингизга қаттиқ ишонадиган, шу билан бирга қатъий ва қайсар инсонсиз.

Тадқиқотдан кўриниб турибдики, кулиш, кулдириш ва кулги дунёсида яшашнинг ўзи катта санъат. Бировлар очиқ-ойдин шақирлаб кулади, яна бировлар астагина пинҳона кулади. Лекин атрофдагиларга сездирамасдан ичида «мазза» қилиб куладиганлар ҳам бор. Бундайлардан Худонинг ўзи асрасин!

Ёлрончи одам албатта ёлғондакам кулади. Қитмирнинг кулгисида, шубҳасиз, қитмирлик, айёрлик сезилиб туради. Заҳарли, яъни ҳар гапидан бадбўй ҳиданқиб турадиганларни заҳарханда дейишади. Эзма одамнинг кулгиси ўзига ўхшаб эзма бўлади. Ланжнинг эса лабида кулги турмайди. Бундайларни атала кулги дейиш мумкин.

Бемаъни кулгилар бор — яшашдан чалғитади.

Хушёр кулгилар бор — руҳингизни синдиради.

Айёр кулгилар бор — доғда қолдириб кетади.

Такаббур кулгилар бор — лақиллатади, алдайди.

Ёлғон кулгилар бор — ишонганингизга пушаймонлар ейсан.

Писмиқ кулгилар бор — ҳафсалангни пир қилади.

Сохта кулгилар бор — пинҳона сотади.

Саёз ва пуч кулгилар бор — қон босимни ошириб касал қилади.

Фитна-фасод кулгилар бор — жанжал чиқаради, уруш ахтаради.

Кесатиқ кулгилар бор — асабингни ўйнаб, юракка қадалади.

Пичинг кулгилар бор — дилингни яралайди.

Қичиқ кулгилар бор — тубанликка бошлайди.

Кўпик кулгилар бор — саробга айланади.

Фақат самимий, беғубор ва тоза кулгилар умрингга умр қўшади, ҳаёт йўларида сенга ҳамиша суянчиқ бўлади, яхши ва нурли манзиллар сари етаклайди, маънавий юксалтиради, маданият ривожига хизмат қилади...

Яна бир тоифа борки, ўзи гапириб, ўзи кулади. Агар бундайларга дуч келиб қолсангиз, тавбангизга таянтириб, кулгидан ҳафсалангизни пир қилади. Бошқа бир тоифа эса бекиниб, атрофга ўн марта аланглаб олиб, деворнинг тешигига қулоқ тутиб сўнг кулади. Кулганимни биров эшитмадимикин, кўрмадимикин, сезмадимикин, деб ўзидан хавфсирайди. Бундайларнинг кулгиси ҳазм бўлмайдиган овқатга ўхшайди.

Аслида, самимий ва беғараз кулги катта маданият белгиси бўлиб, маънавий тарбиянинг юксак воситаларидан бири ҳисобланади. Ўз-ўзидан, атрофида бўлаётган нуқсон ва камчиликлардан тўғри, ҳалол кула билиш одамнинг имонини, ҳаёси, инсонийлиги қанчалар юқори ва мустаҳкамлигини кўрсатади. Масалан, бировлар олди-қочди, енгил-елпи гапларгаям кулаверади, бировлар бўлар-бўлмасга ҳиринглайверади. Баъзилар эса тағдор, қочиримли мағзи тўқ гапларга куладилар. Доно ва зукко кулгини англаш, тушунуш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Фақат кулдира олиш эмас, балки юракдан, вужуддан, ақл билан кула билиш ҳам юксак маданият белгиси. Кулгининг хусусиятлари, элементлари танада, қонда бўлмаса қийин, ундайларни қитиқлаб ҳам кулдириб бўлмайди. Кулгидан маҳрум одам — қуриб қолган дарахтга ўхшайди...

Кулиш ва кулдириш аслида Яратган томонидан берилган буюк бир неъмат бўлса керак. Инсон қайғуга ботганда, оғир вазиятларга тушиб қолганда, руҳий тушкунликда унга албатта кулги мададкор бўлади. Аския давралари, кулги кечаларининг доимий гавжумлиги халқимизнинг нақадар кулгипарастилигини кўрсатиб турибди. Кулги меҳнатда ҳам, дам олишда ҳам инсон руҳининг малҳами...

Кулгидан ҳадиксиран, қўрқиш — ожизлик ва маънавий қаппшоқлик белгиси. Кула билмаслик эса энг даҳшатли фожиа. Устоз адиб Саид Аҳмад ёзганидек: «Мабодо, биров, фалончи дунёдан кулмай ўтиб кетди, деса, қулоғимга уйланмай ўтиб кетди, деб эшитилади. Кулмаслик ўзини ўзи роҳатдан, ҳузур-ҳаловатдан тийиш демақдир. Кулмаслик, оч бўлишга қарамай, олди-га қўйилган лаззатли таомга қўл урмай, сўлагини ютиб ўтириш билан баробар. Кулги одамнинг ичидан чиқади. Демак, ичи тоза одам кулади».

Собиқ шўро даврида ҳатто кулгидан сиёсий хато изланиб, қанча-қанча одамлар кулгани ва кулдиргани учун сургун қилиниб, азоб-уқубатларга дучор бўлган. Адабиётимиз ва маданиятимизнинг кўпгина буюк намоёндалари кулги туфайли қатағон қурбонларига айланган. Уларнинг ҳақиқат билан сугорилган ҳақ кулгиси коммунистларни гўё атом бомбасидек довлдиратиб қўйган. Яна тарихдан маълумки, баъзи императорлар ва диктаторлар ҳам кулгини ўзларининг душмани деб билишган. Ва кулгидан худди душманидан қўрққандек қўрқишган. Қадимда масхарабозлар, қизиқчилар подшоҳларнинг ёнида бежиз юрмаган. Улар кулги орқали мамлакатдаги мавжуд аҳволдан биринчи гада подшоҳни хабардор қилишган. Адабиётда ҳам, сатира, юмор, комедия, латифа, карикатура сингари жанрлар атайлаб ўйлаб топилмаган. Булар инсоннинг кулгига бўлган маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиб келяпти. Айниқса, аскиячилар, қизиқчилар, лофчилар, телеминиатюрачиларнинг ижодий фаолияти бунга ёрқин мисол. Машҳур қизиқчимиз Ҳожибой Тожибоев айтганидек, «ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзидан ҳам сўзи қизиқ».

Ҳар бир халқнинг кулги қаҳрамонлари бежиз пайдо бўлмаган. Масалан, ўзимизнинг буюк кулги қиролимиз — Насриддин Афандини олайлик. Ҳозиржавобликда, доноликда, мот қилишда, айёрликда, зукколикда, қитмирликда унга тенг келадигани топилмайди. Афанди аралашмаган соҳа, Афанди юзма-юз келмаган касб-кор эгалари бўлмаса керак. Қаердаки, халқ кулгиси, халқ қаҳқаҳаси янграса, Афанди ўша ерда ҳозир у нозир. Халқнинг орзу-ўйлари, вamu шодлиги, қувон-

чу изтироблари, тўй-томошалари — ҳамма-ҳаммаси Насриддин Афандининг ўлмас кулгисида мужассамлашган. Демак, халқнинг беғубор, тоза, самимий кулгиси каби Афанди ҳам барҳаёт яшайверади.

Ҳеч бир замонда кулгини таъқиқлаб ё тўхтатиб қўйишнинг асло иложи йўқ. Кулги инсонга ҳаводек, сувдек, нондек зарур. Инсон ҳар сафар мириқиб, мазза қилиб кулганида руҳи покланади, вужудида, танасида тозариш, фикрида янгиланиш рўй беради. Кўпинча,



Кулгилар ҳар хил бўлади, дўстлар.

янги туғилган гўдакни йиғлаб дунёга келди деймиз. Эҳтимол, улар орасида кулиб туғилаётганлари ҳам бордир. Инсон ҳаёт экан, кулги билан яшаб, кулги билан нафас олади. Яшасин эркин кулги, тоза кулги, соф кулги!

Китоб қаҳрамони Ҳожибой Тожибоевнинг кулгиси ҳам умрбоқий ва соф самимий кулги сирасига киради. Юқорида айтилган мулоҳазаларнинг ҳар бир бандига унинг репертуаридан мисоллар келтириш мумкин. Ҳожибой Тожибоев Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Охун қизиқ, Абдулхаймаҳсум Қозоқов, Муҳиддин Дарвешов, Эргаш Каримов анъаналарини изчил давом эттираётган забардаст кулги дарғаларидан бири. У кулгининг турлари ва хиллари ҳақида бир ҳангомасида шундай деган:

— Кулгилар ҳар хил бўлади, дўстлар. Масалан, оддийгина кулиш, деган сўзнинг ўзини ўйлаб кўрсак, жуда кўп маънога эга, жуда кўп турларга бўлинади. Мана, мисол учун илжайиш қанақа бўлади. Илжайиш — эътибор бермаганмиз, кузатмаганмиз — илжайиш мана шунақа (кўрсатади) бўлади. Мана, илжайиш... мана, илжайяпти-да...

Энди, тиржайиш бор. Эшитгансизлар, «Мунча тиржаяди», дейди-ку. Ўша гап. Энди, мундай олиб, чуқурроқ кўрсатадиган бўлсак, бу жуда бир бошқачада. Ўша илжайишнинг акси бўлади бу тиржайиш. «Бунча тиржаясан куйдирган калладай», дейди-ку!

Энди, қаранг, «Мийиғида кулиб қўйди», дейди. Қанақа бўлади у мийиғида кулиб қўйиш? Жуда қизиқ, бу кулгили кулгилардан бири. Бир томони кулиб туради, бир томони кулмай туради. Мана шундай (кўрсатади). Айниқса, тилла тиши бор дўстларимиз шундай куладилар.

Яқинда биттасини кўриб қолдим. Роса зўр кулар экан, қотиб қолиб, денг. Мана шундай қилиб кулар экан (кўрсатиб), и-ҳи, и-ҳи, и-ҳи... ҳалиги а-у, и-и-и, хи-и-и, а-у... Қаранг, бу ишшайишга ҳам кирар экан. Нарироқда биттаси бошқача куляпти. Овозидан худди вовуллаганга ўхшайдими-ей...

Энди, дўстлар, хандон отиб кулиш ҳам бор. «Хандон отиб кулди», дейди. Қанақа бўлади бу, яъни кул-

гининг «эркаги» бўлади. Хандон отиб кулган одам яй-райди, денг. Яқинда биттасини кўриб ҳайрон бўлиб қолдим. Бир мартадан кейин портлаб кетди-да, кейин ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Кўкариб кетди-ей. Сотагимга қараб турибман, ўн минут ўтди, ҳалиям нафас олгани йўқ. Мана шундай кулар экан (кўрсатиб)... Орқасига бир тепувдим «и-а-а» деб нафас олиб юборди. Бўлмаса, кўкариб, бир нарса бўлиб қолиши мумкин-да, ахир бировнинг боласи...

Мана шундай, агар одам қиндигидан кулган пайтда мана шундай бўлиб қолар экан (кўрсатади). Ана ўша кулгиларнинг энг зўри экан, дўстлар!

Яна бир гап. Буюк ёзувчи Лев Толстой кулгининг 97 хили борлигини аниқлаган. Қаранг, шундай улуг адиб эринмасдан кулгининг турларини ўрганиб, тадқиқ қилган. Шу боис концертларимдан бирини «Кулгининг 97 хили» деб атадим. Эҳтимол, келажак авлодлар унинг яна янги-янги хилларини топар. Кулги ҳам катта уммонга ўхшайди.

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ «ЖАҲОН КУЛГИСИ»ДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва ўзбек халқи кўпгина соҳаларда дунёга танилди ва танилиб бораётир. Бундай қувончли воқеаларнинг санаб сановига етиб бўлмайди. Масалан, миллий ҳунармандчилик санъати ва классик куй-қўшиқларимиз алақачон жаҳон халқлари қалбини ҳайрат ва ҳаяжонга тўлдирганидан ҳамиша фахрланамиз. Ва ниҳоят, ўзбекнинг аския ва қизиқчилик санъати ҳам дунёда эътироф этила бошлаганини эшитиб ғуруримизга ғурур қўшилди, кўксимиз тоғдай кўтарилди.

Францияда инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли «DE ART» журналининг 2003 йилги сониди «Жаҳон кулгиси» номли салмоқли мақола босилган. Унда Европа ва Осиёдаги бир қатор мамлакатларнинг кулги ва қизиқчилик санъати тарихи ҳақида кенг маълумотлар берилган. Мақолада таъкидланганидек, Европа юморида кўпроқ қўшимча нарсаларга эътибор бери-

лади. Масалан, англиз, француз ва даниялик қизиқчилар ўз санъатларини турли ўйинлар орқали намойиш этадилар. Немис қизиқчилари эса сахнага соқолсиз чиқмайдилар. Чунки улар учун соқоли йўқ қизиқчи эмас. Бу ажойиб санъатни Гурбес Ален ва Дашихт Шитседай машҳур кулги усталари бошлаб берганлар. Италия қизиқчилари эса сахнага ҳеч қачон ниқобсиз чиқишмайди. Бунга машҳур санъаткор Департио Гено асос солган. Мақолада рус қизиқчилиқ санъатини Аркадий Райкин, Юрий Никулин сингари машҳур кулги усталари юксак поғоналарга кўтарганлиги атрофлича баён этилган.

Осиё қизиқчилиқ санъати ҳам ўз анъаналари, услублари ва машҳур ижодкорларига эга эканлиги мақолада алоҳида мисолларда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбек аския ва қизиқчилиқ санъати ҳақида маълумотлар ҳам ушбу мақолада кенг ёритилган бўлиб, машҳур кулги дарғалари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Ҳожибой Тожибоев ижодига юксак баҳо берилган. Уларнинг аския ва қизиқчилиқ санъатимизни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссалари мамнуният билан эътироф этилган.

Шунингдек, мазкур санъат турлари илдиизи бир неча асрларга боғланиб кетиши алоҳида таъкидланган. Бу



Мухлислар қутлови.

ажойиб хушхабардан ўзбек аския ва қизиқчилик санъатида мактаб яратган ва уни дунё сахналарига олиб чиққан машҳур санъаткор Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг руҳи шод бўлган бўлса ажаб эмас.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли санъаткор Ҳожибой Тожибоевни эса бундай юксак эътироф билан барча кулгисеварлар номидан самимий қутлаймиз. Ва умид қиламизки, машҳур қизиқчимиз устози каби Европа мамлакатлари сахналарини ҳам ўзбек кулгиси билан тўлдиради. Бунга ишонамиз.

— Инсоннинг ҳаётини, турмуш тарзини кулгисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди Ҳожибой Тожибоев. — Ҳар бир ҳаракатимизда, қилиқларимизда, гап-сўзларимизда кулги бор. Қизиқчи ана шу кулгини топа билиши керак. Масалан, «Ўзбекнинг ўзи қизиқ» деб номланган ҳангомалар оддий кузатишлардан бошланган. Суҳбатларда, давраларда айтиладиган оддий гап-сўзлардан шунча кулги чиқади, деб сира хаёлимга келтирмаганман. Айрим ҳангомалар ижодий учрашувларда, сахналарда туйилади. Масалан, концерт пайтида бир аёл гул билан бирга қўлида дафтар-ручка олиб чиқиб: «Дастхат ёзиб, имзо қўйиб беринг», деб қолди. Дафтарнинг оппоқ варағига чиройли қилиб имзо чекдим. «Вой, имзонгиз бунча чиройли экан», — деди аёл ҳаяжонланиб. Шунда мен: «Тўғри, чиройли, лекин бу имзо ҳеч қаерга ўтмайди-да, синглим», десам, залдагилар кулиб юборди. Шундай қилиб янги ҳангома пайдо бўлди. Кейинчалик уни яна бойитдим...

Ҳожибой Тожибоев ижодида бундай ҳангомага бой мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хуллас, унинг юриш-туриши, турган-битгани, бор-йўғи кулги. Андижонлик ҳажвчи шоир Одил Эгам Ҳожибой Тожибоевнинг кулги санъатига шундай таъриф беради:

*Ҳожибойнинг бошқалардан анча-мунча фарқи бор,
Қизиқчилар даврасида кўп бебаҳо нархи бор.
Хандасини тинглаганга бир умрлик завқи бор,
Ҳали яна айтилмаган сўзларининг тарки бор,
Маъзин чаққан қотиб кулар, роса ажиб шавқи бор...*

*Нусхакашдан нусха олмас, қалб тубидан йиқади,
Қаҳқаҳаси дўстга ёқар, ағёрини бўғади.*

*Кўйлак чоки сўкилади, лабда ханда унади,
Бағқовоқлар қовоғига ҳатто кулги инади,
Қизиқчининг ҳар бир сўзин ўзига хос шарҳи бор.*

*Иржайишлар, тиржайишлар, заҳарханда табассум,
Қаҳ-қаҳ отмоқ, кулиб қотмоқ, мийиғида бўлмоқ гум.
Бироқ Ҳожи кулгусини бож-хирожга бермагум,
Кўп йил эмас, яна юз йил кулдир бизни қизиқчим.
Тил услубинг ягонадир, токи ўзбек халқи бор.*

«Муштум» журнали, 2004 йил

ГУРУНГЛАРДАН САТРАЛАР

(Ён гафтардан)

«2001 йил, 19—20 май. Алишер Навоий номидаги санъат саройида икки кун Ҳожибой Тожибоевнинг кулги кечаси бўлиб ўтди. Айниқса, иккинчи куни томошабин кўп бўлди. Ҳожибой аканинг тирик кулги, дейиш мумкин. У ҳангомаларни одамлардан олиб, одамларнинг ўзиларига ҳада этади. Саҳнада баъзан шафқатсиз сатира, баъзан юмшоқ юмор билан кулдиради. Шу боис ҳам Ҳожибой ака ижро этмайди, балки саҳнада яшайди. Ҳеч қачон зўрма-зўраки кулги яратмайди. У саҳнада ёки залда бўлаётган бирор-бир ҳолат ёки воқеадан кулги чиқаради. Хуллас, Ҳожибой Тожибоев кулгисини кўриб, эшитиб, мириқиб кулиш мумкин. Лекин бу кулгини шарҳлаш қийин...».

* * *

«2001 йил, 23 май. Сухбатлашиб турганимизда Ҳожибой ака шундай деди:

— Ҳозир ҳақиқий санъат билан саёз, ўртамиёна ижрочилик аралашиб кетди. Санъатга даҳдор соҳалар учун тиббиётдаги сингари санэпидемиолог зарур бўляпти. Назаримда, томошабинга мантиқсиз, беҳаё, ахлоқ мезонларидан йироқ қўшиғу ҳажвияларни тақдим этаётганларни тартибга чақириб қўйиш фурсати етди. Бундай иллатлар шошма-шошарлик ва масъулиятсизликдан келиб чиқади...».

* * *

«2001 йил, 12 июнь. Бугун оқшом Ҳожибой ака билан бир тадбиркор танишининг туғилган кунига бордик. Маҳмадонароқ бир одам даврабошилиқ қияпти. У кўп гапиради. Сўз бераётганда эзмалиқ қилади. Ҳожибой акага сўз бераётганида ҳам роса чайналиб, охирида: «Биз бир-биримизга ўхшаймиз, мўйловимиз бор, сочимиз ҳам тўкила бошлаган», деди. Шунда Ҳожибой Тожибоев микрофонни олиб:

— Бу кишининг гапи тўғри. Ҳақиқатан ҳам бир-биримизга жуда ўхшаймиз. Чунки отам шофёр бўлганлар-да, — деди...»

* * *

«2001 йил, 20 июнь. У хаёл суриб, кутилмаганда шундай деди:

— Болалигимдаги бир воқеа ҳеч хотирамдан чиқмайди. Ўшанда қалин қор ёққан эди. Ҳовлига чиқсам, ой ойдин, юлдузлар кўп эди. Қарасам, қорда битта из бор. Шу издан юрганман. Аммо бу изнинг поёни йўқ эди. Ундан ким ўтганини билмайман. Ўзим ҳам йўл очаман, из қолдираман, деб узоқ юрганман. Совуқдан оёқларим музлаб кетган...»

* * *

«2001 йил, 27 июнь. Бугун Фафур Фулом номли боғда матбуот ва оммавий-ахборот воситалари ходимларининг касб байрами бўлди. Журналистларни қутлагани келган Ҳожибой Тожибоевни кўриб, қизиқчи Гофур Мирзабеков шундай деди:

— Ҳамма келиши шарт эмас!

Шунда Ҳожибой ака:

— Ҳамма қулдириши шарт эмас! — деди...»

* * *

«2001 йил, 10 июль. Сухбат жараёнида у шундай деб қолди:

— Қўшиқ тайёр таом. Уни бемалол даврада айтиш мумкин. Қизиқчи ўша даврада янги масаллиқ билан таом тайёрлайди. Баъзан бу таомнинг тузи кўп ёки

кам бўлиши мумкин. Қолгани маҳоратта боғлиқ. Ижро маҳоратига қараб томошабин сенга гул бериши ёки помидор отиши мумкин...»

* * *

«2001 йил, 1 октябрь. Бугун Халқлар дўстлиги саройида Ҳожибой Тожибоевнинг Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган «Устоз отангдай улуғ» деб номланган концерти бўлади. Жуда юксак савияда ўтди. Саҳна у учун гўё денгиз, у эса ана шу денгизда балиқдай сузади. Томошабини яйраб-ййраб кулдиради.

Яна бир жараён: Ҳожибой Тожибоев ҳар гал саҳнага чиққанида репертуаридаги ҳангомаларни бойитиб боради. Янги образлар қўшади, ҳаётий мазмунини янада чуқурлаштиради. Кулгини маънавиятта айлантиради...»

* * *

«2001 йил, 7 октябрь. Бугун набирам Нурбек тўрт ёшга тўлди. Шу баҳонада Ҳожибой ака билан бизни-кида суҳбатлашдик. Эса қоладиган анча яхши гурунг бўлди. Шулардан айримлари:

— Кулги тутаган жойда жаҳолат бошланади...

— Баъзи давраларда шундай совуқ башаралар ўтирадики, қилт этмайди. Кулишга ҳаракат ҳам қилмайди. Башараси вишгдай. Одам уларни кўриб, ёрилиб кетай дейди...

— Бир участкавойникига тўйга бордим. Уйи қават-қават, бурама-бурама бўлиб кетган. Қандай қўрганини ўзи билади, Худо билади? Тўйга келганларнинг кўзи ҳам, хаёли ҳам ҳашаматли иморатда. На кўшиқ эшитди, на кулишади!..»

* * *

«2002 йил, 14 январь. Суҳбатда Ҳожибой ака ота авлод, она авлодлари ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Отамнинг отаси Тожибой бобом 86 ёшда вафот этган. Покиза ва ҳалол инсон бўлганлар. Ҳовузларни барглардан, хас-хашаклардан тозалаганлар. Бузилган кўприкларни тузатганлар. Доимо беминнат яхшилик

қилганлар...

— Отамнинг онаси, яъни бувимнинг исмлари Тожибегим. У кишининг тоғасининг ўғли машҳур ҳофиз Маъруфхўжа Баҳодиров бўлган.

Яна бир тоғасининг ўғли Ҳожимурод исми бўлиб, зўр най чалган. Эл орасида таниқли созанда сифатида довруқ қозонган. Менинг исмимни ўша кишига ўхшасин, деб Ҳожимурод қўйишган...»

* * *

«**2002 йил, 11 февраль.** Ҳожибой ака айтган мақол: «Бой келса болохонага, камбағал келса, отхонага».

* * *

«**2002 йил, 4 март.** Гурунг орасида айтилган фикрлар:

— Баъзан оғир қўшиқларни эшитсам, енгил бўлман. Енгил қўшиқларни эшитсам, жуда оғирлашиб кетаман. Нега шундай?...

— Машҳур санъаткор машҳур боксчига ўхшайди. Лекин у боксчи сингари 12 раунд ўйнаши шарт эмас. Аксинча, битта раундда қойилмақом қилиб уриши мумкин...»

* * *

«**2002 йил, 1 апрель.** Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида «Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси ташаббуси билан Халқаро кулги кунига бағишланган «Афанди-шоу» бўлиб ўтди. Унда Ҳожибой Тожибоев ҳам қатнашди. Талабалар уни қўйиб юборгиси келмади. Олқиш устига олқиш, чапак устига чапак... Қайтаётганимизда у киши шундай деди:

— Санъаткор зоти борки, нуқул машҳурлик чўққисига интилади. Лекин бу чўққида нималар борлигини билсайди, унга интилмаган бўларди. Афсуски, машҳурлик чўққисидан бир кунмас-бир кун тушишни ҳам ўйлаш керак...»

* * *

«**2002 йил, 23 май.** Бугун ўғлим Алишер Тошкент Давлат юридик институти магистратура бўлимида ил-

мий ишини ҳимоя қилди. Уни табриклагани Ҳожибой ака ҳам келди. Гурунг одатдагидек, яхши бўлди. Гап орасида у киши шундай деди:

— Санъаткорнинг дарёси тез оқади. Ишқилиб, бу дарё саёзлашиб, қуриб қолмаса бўлгани...»

* * *

«2002 йил, 13 июнь. Суҳбатда айтилган фикр:

Шундай эски мақолни ўқиб қолдим: «Қашшоқ кўпайса — машшоқ кўпаяр...»

* * *

«2002 йил, 16 сентябрь. «Чинобод» санаторийсида Ҳожибой Тожибоев билан ижодий учрашув бўлди. Учрашувда айтган фикрлардан:

— Биров бой, биров камбағал бўлади. Бу азалдан бор нарса. Лекин камбағал бўлиш осон, чунки камбағал ҳамиша кўп-да!..

— Яқинда уйма-уй юриб кулдирсак керак. Масалан, ҳовлиларда «Қатик бор, қаймоқ бор», дегандек, «Ким кулишни хоҳдаса, қизиқчи бор, қизиқчи келди», деб ҳовлима-ҳовли юрамиз, худди сервис хизматига ўхшаб...»



Суҳбатлардан қувват оламан.

* * *

«2002 йил, 20 ноябрь. Сухбат орасида у шундай деди:

— Репертуар яратиш қизиқ: баъзан ўзи қуйилиб келади, баъзан қийин бўлади. Масалан, «Ўзбекнинг ўзи қизиқ» туркум хангомалар 1988 йилда бошланиб, 1993 йилда тутаган бўлса-да, ҳамон давом этяпти. Халқимиз бор экан, назаримда ушбу туркум ҳам ниҳоясига етмайди...»

* * *

«2002 йил, 30 декабрь. Бирга Навоий шаҳрига бордик. «Ўзбекистон» кинотеатрида Ҳожибой Тожибоевнинг концерти бўлди. Концерт ташкилотчилари афишага таниқли хонанда Азиза Ниёзметованинг ҳам номини ёзиб қўйишган экан. Лекин у келмади. Ҳожибой ака бир зал томошабинни уч соат кулдирди. Бу санъаткордан катта маҳорат талаб қилди... Концертдан сўнг Навоий вилояти ҳокими Баҳриддин Рўзиев қабул қилди. Баҳриддин ака тожик тилини яхши билгани учун Ҳожибой ака билан икки тилда латифагўйликни авж олдиришди...

— Навоий тинч, осойишта ва озода шаҳар экан. Одамлари самимий... Мен Баҳриддин акага ўхшаган оддий, камтарин раҳбарни кам кўрганман... »

* * *

«2003 йил, 9 ноябрь. Шу кунларда Ҳожибой Тожибоев Халқлар дўстлиги саройида бўладиган яккахон концертига қизгин тайёргарлик кўряпти. У отасини эслаб шундай деди:

— Раҳматли отамнинг ҳам, менинг ҳам йилимиз қўй. У киши бировни мақтамасди, мақтаса, ўзлари хижолат бўларди. Жуда оддий инсон эдилар. Отам кўз олдимга келса, қишлоғимни, унинг дарахтларини, ариқларини кўргим келади...

— Биттаси «Нима ёрдам берай», деса, «Халақит бермасанг бўлди», дейдиган замон келди...»

* * *

«2003 йил, 1—2 декабрь. Икки кун Халқлар дўстлиги саройида Ҳожибой Тожибоевнинг «Ҳар қадамда

ҳангома» деб номланган яккахон катта концерти бўлиб ўтди. Икки кун ҳам зал лиқ тўлди. Бу ўзбек қизиқчилиқ санъати тарихида қизиқчининг яккахон концерти илк марта ўтказилиши эди. Ҳ. Тожибоев бу имтиҳондан ҳам муваффақиятли ўтди. Икки ярим соат томошабинларни кулдиришнинг ўзи бўладими?

Репертуар янги. Ундан «Янгисидан айтиб беринг», «Ўқитувчининг саволи», «Тўй ҳангомаси», «Ўрама жапроқ», «Пақ-пақ» сингари ичакузди ҳангомалар ўрин олган. Бу ҳангомалар бир-бирини такрорламайди, аксинча, тўлдириб боради. Айрим ҳангомалар саҳнада туғилиб, саҳнада сайқал топади, томошабин кўз ўнгида яратилади.

Ҳожибой Тожибоев саҳнада кулги дунёсига фарқ бўлади, худди ғоввосдек кулги дарёсига шўнғийди. Унинг кулгисида табиийлик, донолик ва кулиб бўлгандан сўнг томошабинни ўйга толдирадиган ҳикмат бор...

* * *

«2003 йил, 20 декабрь. У суҳбат орасида куйиниб, шундай деди:

— Айтайлик, ошхонада бир одам заҳарланса, бу ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланиб, айбдорлар жазоланади. Лекин айрим санъаткорлар, хонандалар, қизиқчилар йўл қўяётган жиддий хатолар, яъни уларнинг миллионлаб тингловчиларни маънавий жиҳатдан заҳарлаётганига мутлақо бепарвомиз. Бунинг оқибати нималарга олиб келишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Энг ёмони — бу иллатлар миллат маънавиятига жиддий путур етказди...»

* * *

«2003 йил, 24 декабрь. Бугунги суҳбатимиз зиёли ҳақида бўлди. Бозор иқтисодиёти зиёлини қандай кўйларга солаётгани ҳақида Ҳожибой Тожибоев бироз ачиниш билан гапирди:

— Қишлоқ ўқитувчиларининг аҳволини кўриб, одам эзилиб кетади... Етакчи театрларимизнинг айрим актёрлари ҳам ўзларини тўйларга уриб, масхарабозлик қилиб юрибди. Тирикчилик билан бирга, санъатнинг келажагини ҳам ўйлашимиз керак. Аслида, бозор қийинчиликларидан чўчимаслик керак. Бу вақтинчалик

жараён. Ҳадемай, ўтиб кетади. Зиёли ҳар қандай шароитда ҳам зиёли бўлиб қолишини истардим...»

* * *

«2004 йил, 11—12 декабрь. Шу кунлари Халқлар дўстлиги саройида Ҳожибой Тожибоевнинг «Кулгиннинг 97 хили» деб номланган янги репертуаридаги яқкаҳон концерти бўлиб ўтди. Бу гал ҳам ҳашаматли саройнинг залида бўш ўрин қолмади. Тик оёқда турган томошабинлар ҳам анчагина эди. Билет етмай киролмаганлар армонда кетди...

Бундай концертларни анъанага айлантириб бораётган қизиқчи янги репертуари билан яна бир бор томошабинларнинг жиддий имтиҳонидан олқишлар билан ўтди. Концертда иштирок этган Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева шундай деди:

— Ҳожибой аканинг санъати умрбоқий. У халқнинг ўзидан олиб, ўзига қайтаради. Халқ кулгисини яратиш ҳар қандай қизиқчига ҳам насиб этмайди.

Таниқли ҳуқуқшунос Мирзоулўбек Абдусаломов эътирофи:

— Мен ҳам Ҳожибой Тожибоев санъатини кўп йиллардан буён кузатиб келаман. У репертуардан репертуарга ўсиб бораётган ва ўз кулгиси билан ҳамиша томошабинларни ҳайратга солиб келаётган санъаткорлар тоифасига киради. Уни эшитиб, фақат юракдан мириқиб кулиш мумкин. У ўзининг кулдириш санъати билан дунёнинг ҳар қандай кулги усталари билан бемалол беллаша олишига ишонаман...»

ЎЗИДАН ҲАМ СЎЗИ ҚИЗИҚ

(Репертуардан намуналар)

Эр-хотин можароси

«Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши» — дейди халқимиз. Энди урушмасликни ҳам йўли бор. Масалан: эр баланд келганда хотин сал пастроқ тушса ҳам бўлаверади. Беш минутда ўтиб кетади. Ёки хотин баланд келганда эр сал пастроқ тушиши керак.

Агар иккаласи тенгма-тенг келиб, кўтарилса тамом — оила кемаси гарқ бўлади. Бундай хонадонда ҳеч қачон тинчлик бўлмайди, ҳамиша жанжал. Баъзи бир эрлар — ёлгондан жанжал бошлайди. Баъзи хотинлар бор эрининг «настроениясини» атайлаб бузади, эридан ўзини баландроқ қўймоқчи бўлади. Мана масалан, эр ишдан келди дейлик, аёлнинг ҳам бақриришга ҳаққи бор. «Яна қуруқ келдингизми! Ман сизга гўшт деган эдим! Совун қани?! Картошка-пиёз қани?! Болаларингизга эртага фалон нарса керак, пистон нарса керак... юраверасизми шумшайиб?» Эр ҳам бақририб: «Ҳа, юравераман!.. Бола, гўшт, шум... дейсан!» деса, хотини келиб йиғламсираб бақиради: «Бада, бадабамбов...» Эр яна баланд келиб: «Вов-вов... Вов-вов, во-о-ов!» деса тўғри келмайди-да. Ана ўша пайтда ёлгондан бўлса ҳам, эр сал пастроқ келиб: «Вой, хотин, нима деяпсан, совун ҳам бор, гўшт ҳам олиб кўйганман», деса. Ёки масалан, янги йил арафасида, «арча ҳам олдим, қорбобоси ҳам бор, роса тиригидан, шунақасини топдим. Обкеламан деб эсимдан чиқиб ишхонада қолиб кетибди. Сан ўтира тур, ҳозир бориб олиб келаман». Хотин: «Ие дадаси кўйинг, яна келмай қолманг, ўтинг бу ёққа, эртага олиб келарсиз», деса тамом, шу билан жанжал тўхтайдди, олам гулистон. Ёки эр ишдан чарчаб келди, кайфияти чатоқ. Хотин: «Ҳорманг дадаси, чарчамай келдингизми?» дейиш ўрнига «Келинг» ҳам деб қўймайди. Эрнинг кайфияти бузуқ, хумордан чиқиши керак. Баҳона топиб, энди эр бошлайди...

ЭР — Нимага анави нарса жойида ётибди?! Арча нега бу ерда турибти?! Янги йил ўтди, йиғиштириб қўйсанг бўлмайдимми?

ХОТИН — Ҳа намунча, нимага улгурай?..

ЭР — Ади-бади, бади-сади...

Албатта, хотин эрдан баланд келаман, деб бошлайди. Шунинг ўрнига озгина пастроқ тушса бўлади-ку!

ХОТИН — Вой дадажониси, шу қуриб кетгурни олиб қўяман деб кетаётувдим, сиз келиб қолдингиз. Шуни ҳозир олиб қўяман дадаси, кайфиятингиз йўқми? Нуқул сизни хафа қилишади, ҳа жувормаг бўлгурлар. Ўтиринг, парво қилманг, ҳозир чой дамлаб келаман.

Чой дамлаб келса, эрининг оғзи қулоғида.

ЭР — Хотин бу ёққа кел, чойни қўя тур, ўзинг кераксан! Яқинроқ ўтир! Яхши гапириб кайфиятимни кўтариб юбординг...

Шу билан ширин суҳбатта ўтиб кетилади...

Эр-хотин жанжалига сабаб бўлган яна бир баҳонани қаранг. Эр-хотин кечаси ётган экан. Уйқуси келмаётган хотин гап бошлабди.

ХОТИН — Дадаси, хў дадаси!

ЭР — (жим).

ХОТИН — Дадаси!

ЭР — (жаҳл билан) Ҳа!

ХОТИН — Манга қараб ётинг!

ЭР — Ўзим биламан қаёққа қараб ётишни. Сандан сўрамайман.

ХОТИН — Ҳа, энди менга қараб ётаверинг...

ЭР — Кеча санга қараб ётгандим, бутун бу ёққа қараб ётаман, гапинг борми?!

ХОТИН — Йўқ! Лекин битта саволим бор сизга.

ЭР — Қанақа саволинг бор, сўрайвер.

ХОТИН — Дадаси, анаву тириллаб турган холодильнигимизнинг музи совуқмикан ёки Антарктиданинг музи совуқмикан?

ЭР — Иккаласидан ҳам сени гапинг совуқ, — деган экан. Бу гапдан кейин опамиз кулворибди, деб ўйламанг. Шартга тескари ўтирилибди. Эрга баҳона топилиб, бу ёққа ўтирилибди. Иккаласи араз. Гаплашмайди. Мабодо бир-бирини кўрса тумтайиб ўтиб кетадиган бўлишибди.

Мабодо зарур гаплари бўлса через боласи орқали гаплашишади. Хотинига эшиттириб боласига гапиради.

«Бор онанга айтгин, чой қўйсин! Рўпарада пўмпайиб ўтиравермасдан», — деса, хотини «Бор отанга айт, керак бўлса ўзи қўйиб ичсин. Кўп маҳмадона бўлавермасин».

ЭР — Бор онанга айтгин, отам охирги марта айтаётиб экан, кейин ишинг чатоқ бўлар экан, дегин.

ХОТИН — Бор отанга айтгин, онам қўрқмас экан дегин. Бор!

ЭР — Бор онанга айтгин! Отам ўрнидан туряпти экан дегин!

ХОТИН — Бор отанга айт, онам уже ўрнидан туриб бўпти дегин. Бор!

ЭР — Бор онанга айтгин, ҳозироқ... Э, бе, ве.

Тамом. Ўртада бўзчининг моксидай бориб-келатган болага раҳминг келади... Агар уйда бола бўлмасачи, гаплашишга мажбур-у, лекин гаплашмайди. Хат билан гаплашади бир уйда туриб. Олди тўла қоғоз, кўлида қалам. Ётишдан олдин зри ёзиб қўйибди: «Хотин, эрталаб мени соат бешда уйғот! Беш яримда мол бозорда бўлишим керак», — деб. Эрталаб вақтли уйғонса соат ўн бир экан.

«Ие... уйғотмапти-ю, мол бозоридан кеч қолдим» — деб эр туриб апил-тапил кийинаётса қоғоздаги ёзувга кўзи тушиб қолибди. Олиб ўқиса: «Дадаси, туринг соат беш бўлди», — деб ёзилган эмиш.

Ҳеч бир хонадонда жанжал бўлмасин. «Жанжал чиққан уйдан барака кўтарилади», дейди халқимиз. Ҳамиша оилаларимиз тинч-тотув бўлиб, қўша қаришсин.

Севишганлар

Шаҳарлик йигит-қизларга қишлоқлик йигит-қизлар ҳавас қилиб келадилар. Чунки шаҳарда ҳақиқатданам шароит катта, айниқса севишганларга. Шаҳарлик йигит-қизлар бир-бирини олдига дангал келишиб, дангал сўрашишади. «Қалайсиз, яхшимисиз?»

ЙИГИТ: Шу бутун концерт бор экан, шунга икки-та билет олувдим, иложи бўлса иккаламиз борсак.

ҚИЗ: Бўпти, борсак бораверамиз, — дейди. Таммом...

Шаҳарда шароит кенг, айниқса севишганларга имконият кенг яратилган. Хоҳласа паркка киради, хоҳласа театрга, хоҳласа циркка боришади, хоҳласа шаҳар айланишади, хоҳласа кино кўришади... Қишлоқда-чи? Жой йўқ севишганларга, ҳа, жой йўқ, ғўзапояларнинг орқасида юрадими-ей, бузилган тракторларнинг тагида ўтирадими-ей, тутларни шохига чиқволадими-ей, биров кўрмасин деб. Ҳақиқатданам қишлоқлик йигит-қизларимиз кўрқади биров билан гаплашишга. Масалан, шаҳарда эса бемалол гаплашаверади. «Ҳа кўринмайсиз, қалайсиз, кеча келувдим йўқ

экансиз, мана бугун битта билет олувдим концертга борамизми?» деб тураверади бемалол. Қишлоқда бир-бирини пойлаб туради, ҳеч ким йўқ бўлса патир-пур келади-да, «қалай, яхшимисан, ҳеч ким йўқми, эртага битта концерт бор... Қани, ана келди қоч... Шу билан йигит уч кун ўйлайди «Нима дедим ўзи?», «У нима деди?» Биров кўриб қолишидан қўрқади. Гўё қишлоқда бировни яхши кўриб бўлмайди, мумкин эмас! Шаҳарни қаранг, дам олиш боғларида 50—60 таси ўтиради. Бир-бирининг қўлидан ушла-аб. Бирортаси эътибор бермайди. Ҳа, иккита ёш ўтиришибди-да, энди... аҳду-паймон қиляпти-да, деб ўтиб кетаверадилар. Қишлоқда орқасидан пойлаб юришади. «Ҳой, мана бу ёққа ўтиб кетди иккитаси. Кетдик борамиз. Орқасига ўт, мана-мана ушла, тўхта... олдини қайтар... тўхта! Нима, беданами қувасан уни. Ҳа қўй, гапираверсин гапини. Эртага Армияга кетаркан. Бизда бир қувса эликтаси қувиб кетади-ей. Маккапояни ичига кирса маккапояни ичига киради, қаёққа борса кетидан боради. Бу севгини қаранг: йигит қизни ташлаб баққа қараб қочади, қиз йигитни ташлаб у ёққа қараб қочади. Иккаласини икки ёққа жўнатвориб қайтиб келишади. Эй хайрият, хайрият йўқотиб қўйдик-а... Қаранг, йўқотгани яхши эмиш. Уйга келади: «Бугун иккитасини роса қувдик-да, полончининг ўғли бўлса керак, роса қувдик. Етганда агар уриб ўлдираддим». Нимага ўлдирасан уни? Ахир улар бир-бирини яхши кўради-ку. Қаранг, тушуниб бўлмайдиган ёмон ишларимиз бор-да. Яна бир гап: қизларимиз йигитларнинг ҳаммасини бир гўр, ҳаммаси шилқим деб ўйлайди. Йигитларга қизлар ишонмай қўйди. Яхши кўнгилда, яхши кўриб қолиб гап ташламоқчи бўлсанг: «Бор-бор, башаранг қурсин-э, ўлиб кет-е, бор-е». Соат сўраб кўринг, илгарилари соат сўрасангиз қизларимиз даров жавоб беришарди. Ҳозир соат сўрасангиз шилқим деб ўйлайди. «Эй башаранг қурсин, ўзинг соат олиб юрсанг ўласанми?» Хў, ростданам соатим йўқ, мана, менга керак, айтинг десангиз; айтмийман, бор ишингни қил, дейди. Ҳамманг бир гўрсан, ёлғондан гапираяпсан, дейди. Ҳақиқатан йигитлар орасида ҳам шилқимлари бор. Шу кўринган қиз билан гаплашаверади, гап отаверади. Гаплашавериб безор қилиб юборади.

Бир шилқим касалхона олдида турган экан. Бир ҳамшира қиз оқ халатда, оқ қалпоқда чиройли бўлиб, «тик-тик», «тик-тик» қилиб ўтиб кетяпса, ҳалиги шилқим кўриб қолиб: «Вой дод, жонингта-жоним туташ, кошки эди касал бўлиб қолсам-у, сани палатанга тушиб қолсам, ўзинг даволаб қўйсанг», деса, қиз бола: «Буни ҳечам иложи йўқда акажон» — дебди. Йигит ҳайрон бўлиб: «Ҳа, нимага иложи йўқ бўларкан», — деса, қиз: «Чунки, ман раддомда ишлайман-да», дермиш.

Пешонанинг шўри

Бир акамиз хотини обкеган ошни чиройли қилиб «преслаб», совундай-совундай қилиб олармиш-у пешонасига ишқалаб, кейин еярмиш. Хотин ҳайрон. Акамиз яна гўваладай-гуваладай олармиш-у яна пешонасига суртиб еярмиш. Хотин ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Дадаси, нима бало бўлди, кеча кўп ичворибсизми дейман-а, бу болаларингизни олдида уялмайсизми, ошни пешанангизга суртиб еяпсиз, тўғри есангиз бўлмайдими?

— Сезмадингми ҳеч нарсани? — дебди эри. Хотин яна ҳайрон бўлиб: — Йўқ сезмадим, — деса, эри:

— Ошнинг тузини паст қилибсан, ана шунинг учун мен пешонамга суртиб, тузини нормаллаштириб еяман, — дебди.

Шунда хотини:

— Вой ўлай дадаси, нима бало, пешонангиз шўрми дейман-а, — деса...

— Пешонам шўр бўлмаса сенга уйланармидим хотин? дермиш.

Бу гапдан кейин сиз ўйларсиз, опамиз аразлаган, деб. Чунки бизда кўплаб араз қилиб юрадиган аёллар ва эркаклар учрайди. Эр баланд келганда хотин сал пастроқ келиши керак. Бир шоир акамиз хотини билан аразлашиб уришиб қолган экан, дарҳол битта шеър ёзибди-ю, уни ярашиш учун хотинига ўқиб берибди. Мана ўша шеър:

*Передный мост сенсан хотин, задный мостдир камина,
Ўғил-қизлар рамамиздир, уй-жойимиз кабина.*

*Мен сен учун диска бўлсам, сен мен учун балонсан,
Пулим куйган права-ю техпаспорт ҳам талонсан.*

*Карданный вал бўлсам агар, сенсан подвеснойимсан,
Ҳар кун борар маршрутим, ҳар кун келар жойимсан.*



«Эр-хотин ярашайлик, кел ёнимга, келақол...»

*Хотин эмас менга жоним, бир умрлик багажсан,
Кунгуз юрган йўлим бўлсанг, кечасига гаражсан.*

*Сен каробка передачи, мен бечора ричагман.
Тез ё секин юришингга, мен албатта керакман.
Аккумулятор менинг қалбим, сенсан эски свеча,
Бор кучимни сарфлаялман, сендан искра чиққунча.*

*Ўн йил олдин бизнинг уйга, подсолидол келгандинг,
Загс деган жойда менга, оформления бўлгандинг.
Алкаткадан яхши чиқдинг, сендан жуда кўнглим тўқ,
Сал эскироқ бўлсанг ҳамки, янгисини олгим йўқ.*

*Рўзгор деган базамизга, сенсан ўзинг диспечер,
Кеча бироз хафа қилдим хотинжон энди кечир.
Эр-хотин ярашайлик, кел ёнимга келақол,
Радиатордай қайнамай, сўзларимга кулоқ сол.*

*Бу рўзгорни бошқаришни, рўли сени кўлингга,
Қондани бузар бўлсанг, мен ДАНман йўлингга.
Нарушения қилар бўлсанг, йўларингни тўсаман,
Правангни тортиб олиб, талонингни тешаман.*

*Гоҳида мен тезлашганда, сен ўзинга тормоз бер,
«Тико»ман деб обгон қилса, сен хотинсан, менман эр.
Айтганимдан чиқсанг сени, объезд қилиб ўтаман,
Кўзларингни мошдек очиб, Левий йўлга кетаман.*

*Шунинг учун атрофимда, вентилятор бўлиб тур,
Бузилмайин тез-тез мени, техасмотр қилиб тур,
Эру-хотин ҳар дошмо, бир блокда бўлайлик
Гилза, поршин, колцо бўлиб, тинч ва тотув яшайлик.*

Шеърдан сўнг иккаласиям ярашиб кетибди азаматлар!

Кофе

Халқимиз ҳақиқатданам чойхўрда, чой ичамиз дейди, лекин нон еймиз демайди. Оч қорингайм чой ичаверади... Кофени кўрмаганлар бор, уни қанақа қилиб ичишни билмайдиганлар бор. Қишлоққа кофе обкелиб, ичинг мана шуни десанг, обкет, бўлмайди, ўзимизни кўк чойни дамлаб кел дейди. Ростдан кофени қанақа қилиб ичишни билмайдиганлар ҳам бор.

Бир эсли одам Тошкентда меҳмонхонадан жой олиб, хонани кўздан кечириб қараса столни устида бир чиройли банкача турганмиш.

И, бу қандай банка бўлди экан... ўзларича қўлига олиб, ўқишни яхши билмайдилар, унинг устига русча ёзилган, русчасиниям яхши тушунмайдилар. Эрмакка, вақт кўп-да, бошлаб қоптилар... ха... ха... э...ко-фе, фе... Нима бало, Фарғонаданми дейман и фе-к...о, қаниқани... Майда ёзувга ўтибди... иккита қошиқда кофедан соласиз, — деган жойини тушуниб қоптилар.

Қаёққа соламиз экан-а, хи-хе... қараса қошиқчаям турибти. Таваккалидан олиб оғзига ташлабди — манаву бир, манову икки, хи... Вой падарингга лаънат жуда тахир нарса экану... ўқишда давом этиб... ана халос... хихи... ана хи, энди тўрт дона оққанданам соласиз, — деган жойи бор экан. Ҳэ, қаёққа соламиз экан-а. Бир пачка оқ қанд турган экан, таваккалидан нима бўлса бўлар деб оғзига ташлабди. Бир, манаву икки, манову уч, мановуси тўрт, ха манна бор-е беш, йўғ бўлди-э... Яна ўқишда давом этибди, хи-хи... ана хи-хи, вой падарингга ланатей-и... энди бир стакан қайнаган сувданам соласиз... билардим шунақа бўлишини. Қарасалар чойнақда сув қайнаяпти, дарҳол стаканни тўлғазиб қўйиб ичиб юборибдилар, бо-бо... бо... хи, охирги сўзини ўқиб қарасалар, энди аралаштирасиз деб ёзиб қўйган экан. Мана шунақа қилиб аралаштириб қоптилар-у (понтомима)

Самоварга ўтирдик

Халқимизда тўғри гап йўқ экан, дўстлар. Шу боис халқимиз кулгуни яхши кўради. Яхши келдингизми, десаям куламиз, кетяпсизми, десаям кулаверамиз. Юраверасизми, десаям, ўтирибсизми десаям кулгилик. Бировни биров сўқади, сўқишни эшитган хафа, бошқа — эшитганлар кулади. «Ҳа... сўқди», — дейди, «Боплади», — дейди. Биров йиқилиб тушади, белини кўтаролмаяпти, ўшандаям куламиз. «Ҳа... йиқилди, мана шунақасига тушди», биз шунақа кулгисевар халқмиз. Бизда тўғри гап йўқ. Масалан, кўп эпитиб қоламиз шу гапни: «Ҳў ука, телевизорни қўйиб қўй», — дейди.

Нима, у кўтариб турибдими, қўйиб қўяди. Ёки телеви-
зорни ўчириб қўй дейди. Нима, у ёниб кетяптими,
ўчириб қўяди. Бир пақир сув сепса-я, б-у-в ана ўчди
десак... Қаранг, манга тунов куни биттаси нима дейди:
«Ҳожи ака, сиз бизни телевизорда чиққансиз-а», —
дейди. Мен унга: «Йўқ, чиққанним йўқ», — десам. «Ал-
даманг, янги йил куни бизнинг телевизорда чиқдин-
гиз-ку, дейди. Биринчидан, ман саникига борганим
йўқ», дедим. «Иккинчидан, телевизорингга чиқсам, те-
левизоринг мани кўтараолмайди», дедим. Телевизор-
нинг устига чиқволсам-а... Шунақа гапларимиз ҳам
бор.

Гапимиз нозик ўртоқлар. Баъзан эшитиб қоламиз:
«Гапимга ҳечам кирмадинг-кирмадинг-да», дейди. Қа-
нақа қилиб сани гапингга кираман, нима, сани гапинг
тешикми, кириб кетаверадиган. «Оғзингга қараб га-
пир», дейди. Қанақа қилиб оғзимга қараб гапираман,
оғизга қараб бўладими? Кўзингга қараб юр, дейди.
Қанақа қилиб кўзимга қараб юраман. Демак, чўнтаги-
мизда ойнача олиб юришимиз керак экан-да. Юрган
жойда кўзимга қараб кетавераман... «Нима қилипсан?»
деса, кўзимга қараб юрибман... Гапирган пайтда хи-
ҳи, ҳа-ҳа «жинни бўлганмисан», деса оғзимга қараб
гапираяпман, сизам оғзингизга қараб гапиринг... Шу-
нақа, бизда тўғри гапнинг ўзи йўқ экан-да. Олдида
турган одам: «Ҳа, кўринмайсиз, дейди, кўринмай кет-
дингиз? дейди. Бутун бошли одам олдида турибди.
«Кўринмайсиз», — дейди. Келган одамга «келинг», —
дейди. Ҳа, яна кесинми, олдинга 500 м йўл юриб
келди. Яна «келинг», деймиз. Бир-бирига ёпишиб ба-
шара-башарага тегиб турибди. Шундай «келинг», —
дейди.

Гапимиз қизиқда ўртоқлар. Яна баъзан эшитиб
қоламиз: Андижонга борсангиз «Ҳожи ака уйингиз
қаерда демоқчи бўлиб «эшик қатта», дейди. Эшик де-
волни орасида, мана турибди эшик. «Ҳовли қатта»,
дейди. Ҳовли уйнинг олдида. Қаранг, ҳар битта гапга
кулса бўлади. Масалан, «Фалончи машина ютибди»,
дейди. Қанақа қилиб ютади экан? Тасаввур қилинг-а,
машинани ютурса-я... Машинани ютиб бўладими?..
Бир қултим сувни зўрға ютамиз-у. Яна «Бу машинани

қўлдан олдингизми?» дейди. Нима, оёқдан олсинми бўлмаса. Яна баъзан эшитиб қоламиз: «Ман, — дейди — Тошкантидаги пединститутни битирганман», — дейди. Нима, сан бормасанг битмай қолармиди? Сан бориб битказиб келдингми?». «Ман, — дейди Фарғонани тугатганман». Ҳа, Фарғонани тугатган бўлсанг, турибди-ю, жойида. Фарғонани тугатиб бўладими, ўзинг тугаб қолишинг мумкин. Яна баъзан эшитиб қоламиз «Сизни тагингиз қатлик», дейди. Мани тагим билан нима ишинг бор сени. Қаранг, «Ҳожи ака сиз асли қатлик» — демайди, «тагингиз қатлик», — дейди. «Мани тагим кўқонлик», дейди. Тагинг кўқонлик бўлса — устинг қаерлик?.. Жуда қизиқ гаплар кўпда. Фарғонага борсангиз албатта шу гап бор. «Ҳе, ўн киши бўлиб самоворда маза қилиб ўтирдик-да», дейди. Самоворда ўтириб бўладими, куйдириб кўясиз-ку, ёпишиб қоласиз-ку. Ўтириш мумкин ўртоқлар, агар қасам ичворган бўлса, ният қилган бўлса ўтириш мумкин. Шундайям бир киши патнис қўйиб ўтирса бўлади. Яна баъзан эшитиб қоламиз, бу гапни кўпроқ аёллар айтади: «Эшитдингларми, полончининг эри юрармиш». Юради-да! Уни оёғи йўқми, ўтирсинми бир жойда ё хотини кўтариб юрсинми? «Дадаси кетдик, маҳкам ушланг. Ўртоқлар, «Фолончини эри юрармиш», дейди. Ҳа юради-да, югурадиганлари ҳам бор-у...». Гапимиз қизиқ-да. Меҳмон қайтишда «Энди бизга узр, биз қайтамиз», — деса уйни эгаси албатта «Овқатта ўтирмайсизларми», — дейди. Меҳмонлар: «Раҳмат, борайлик» деса уй эгаси: «Шўрвага ўтирмадинглар-да», — дейди. Шўрвага ўтириб бўладими? Бир қозон шўрвага меҳмонлар келиб ўтирволса-я... Бу ёғи ха-ха, хи-хи-хи... бўлади.

Дўппи

Кулишга тайёргарлик кўринглар, сеансимизни бошлаймиз. Баъзи бир дўстларимиз бор қулганда ёнидаги ўртоғининг тиззасига уриб кулади, ўзиникига урмайди, оғрийди-да. Шунақа дўстлардан бўлса қўлларингни чўнтақларинга солиб ўтиринглар. Баъзи дўстларимиз бор қотиб кулади... баъзи бирлари ётиб кулади.

Дўстлар, сеансимизни бошлаймиз... Ҳойнаҳой эсларингга Кашпировский тушиб қолган бўлса керак. Бизники кулгитепария, униси психотерапия. Иккаласиниям мақсади битта, инсон саломатлигини яхшилаш, кайфиятинини кўтариш. Кайфият зўр бўлгандан кейин ҳар қандай иш бўлаверади. Ишингиз ҳам ўз-ўзидан ривожланиб кетаверади, бировни асло хафа қилмайсиз. Ҳамиша кулиб юрасиз, пулингиз йўқ бўлсаям, қорнингиз оч бўлсаям тўқдай юраверасиз. Мендан жуда кўп сўрашади. «Ҳожи ака, Сиз ўзбекми-тожикми?» деб. Ман айтаман, тожик десанг тожикман, ўзбек десаларинг ўзбекман. Бир халқмиз. Ўзбек билан тожик бир тилда сўзлашувчи икки халқ. Масалан, дўппини олинг. Ўзбекни ҳам, тожикни ҳам дўпписидан танишади.

Дўппини кийиб Францияга боринг. Парижда аланглаб юрибсиз... «ана тожик», — дейди. Дўппини кийиб Японияга боринг, Тоикода юрибсиз... «ана ўзбек», — дейди. Дўппини кийиб Антарктидага боринг. У ерда инсон яшамайди. Шу ерда юрган оқ айиқ бор-у, шуям танийди. Ҳа-ҳа... «ўзбек нима қилиб юрибсан, носинг борми?»... Қаранг, шу ердаям танийди-я. Дўппини кийиб Москвага боринг «ўзбек-ўзбеки», — деб кўрсатади. Киевга боринг «ўзбеки» деб кўрсатади. Польшага боринг «ўзбеки», Владивостокка боринг «ўзбеки», Чукоткага боринг «ўзбеки», — деб кўрсатади. Дўппини кийиб Тошкентга боринг, нима дейди: «Ана қишлоқи», — дейди. Бугун Дунё бизни ҳавас қилиб «ўзбек» деб кўрсатса, ўзимизнинг ўзбек «қишлоқи» — дейди.

Баъзилар дўппини кўриб хавотирланади: «Э, тинчликми, дўппи кийвобсан, қачон, э, эшитмай қопмиз».

— Нимани эшитмай қопсан?

— А, бу дўппи кийвобсан?

— А, нима қипти?

— Э, одамни хавотир қилиб қўйдинг. Дўппингни олиб қўй!..

Биз дўппини собиқ шўронинг съездлар саройида ҳам ечмадик. Ҳамма бош яланг ўтирибди, ўзбек билан тожик дўппида ўтирдик. Бунинг биринчи сабаби, дўппимиз чиройлик, иккинчидан енгил, учинчидан юмолоқ, ер шарига ўхшайди. Тепасида тўртта қитъа жойлаш-

ган. Демак, бошимизда тўртта қитъани кўтариб турамиз экан-да. Совуқ қитъани киритмаганмиз. Балки шунинг учун қизиққондирмиз. Дўппимизни очиб чуқур томонини тепага қиладиган бўлсак, Ўрта Осиёнинг юраги бўлган Орол денгизи пайдо бўлади. Шўри чиқиб кетган Орол. Бунақанги маънодор бош кийим кимда бор?!

Яна эътибор беринг, бизда оқ яктак кийишади. Оқ яктак кийган чолларни кўрсам ҳавасим келади. Худди қаратэчиларга ўхшайди. Буни кийиш керак, буни мода қилиш керак! Биринчидан, уни кийишнинг сабаби Ўрта Осиё иссиқ. Шунинг учун оқ кийилади. Иккинчидан, енгил, иккаласи юз грамм чиқади. Учунчидан, арзон. Тўртинчи томони — дазмолланмайди. Ё бирон марта кўрганмисизлар стрелкаси бор оқ иштонни. Бешинчи томони, тўғриси манга энг ёққан томони — ётганда ҳам ечилмайди. Айниқса, деҳқонларга яхши. Яна бир қулайлиги ёз пайти кенгроқ, қиш пайтида торроқ тикилади. Ёзда кенгроқ бўлгани яхши-да, юрган пайтида ўзини ўзи совутиб юраверади одам. Ўнг ёғидан қиратган шамол чап томонидан чиқиб кетаверади... Хуллас, миллий кийимларимиз ўзбекларни ҳам, тожикларни ҳам безаб юрсин. Дунё бизларга ҳавас қилсин. Биродарлигимиз, дўстлигимиз абадий бўлсин.

«Кейинги бекат — «Чилонзор»

Аёллар ичган эркакларни ёмон кўради. Ҳамма аёллар ёмон кўради. Лекин аёллар, ўйлаб кўринглар, эркакларнинг ҳаммасиям ичмайди. Умуман ичмайдиганлари ҳам бор, лекин баъзан иложи бўлмайди. Ҳозир бир ишни битириш учун эрингиз ўша одам билан юз грамм ароқ ичмаса битмайди. Ичишга мажбур, «ака, энди келувдингиз, а бўпти. Ака, озгина обед қилиб олайлик». Кўчага олиб чиқиб элик грамм қуйиб бергандан кейин: «Ҳа, келинг-келинг, иш борми?» деб сўрайди.

Ишни айтганингиздан сўнг яна:

— Бўлди, гап йўқ. Қўйинг эликта, — дейди.

Ахир эрингиз болам-чақам деб, хотиним деб ичяпти. Ичиш мумкин эмас, жигари оғрийди, лекин ичади. Чунки оиласини ўйлаб ичяпти-да. Эри ўша куни яна

ичиб келибди. Сизлар билмайсизлар, қайси ҳолатда ичганини. Шундай одамлар борки, ичишга мажбур қилади. «Ака, рудаман, қўйинг энди. Машин бор, бир кишини обкетяпман. Ич, ол қўлингга, бу ёғи Қўқон, бу ёғи Самарқанд, ўзим жавоб бераман. Ич, правангни



«Кейинги бекат — «Чилонзор».

олдириб қўйсанг ўзим олиб бераман. Ичиб бўлгандан кейин бу ёғини ўзинг биласан...»

Ўзи йўқ бўлиб қолади. Хайрлашмасдан ҳам кетиб қолади...

«Ака, қуйинг энди, юрак дўхтиридан справкам бор». «Қани бу ёққа олчи, ўша справкани». Справкани вонка қилиб қўйиб беради. «Ич, ич, ўлсанг ўзим қўман», — дейди. Баҳонаси жуда кўп: «Ширин қилиб беринг, оғзингизга олиб беринг, қўлингизга олиб қуйинг. Битта ҳўплаб беринг, уриштириб қўяйлик».

Яна нима эмиш, «оқ қилиб беринг, кўк қилиб беринг». Ҳеч ичавермасангиз «танишиб олайлик», яна ичавермасангиз «шу ўтирган меҳмонларнинг ҳурмати йўқми», ҳеч ичавермасангиз «кетишингни ўйлаб қўй», яна ичавермасангиз «ичингга қуйвораман, мани ким деб ўйлаяпсан, эркакмисан..?»

«Обкел-ей, номард-ей, ичаман-ей, яна битта қуй-ей. Номард-ей, ман санга тўлатиб қуяман-ей. Бутилкани бу ёққа ол-ей, ичаман-ей. Гап таъсир қилиб ичворади. Бу сизни ичкизганига хурсанд. «Ичкизди-а. Ўзинг зўрға турувдинг». Ичгандан кейин одам маст бўлади. Ким бўлишидан қатъи назар маст бўлиши шарт, чунки ичгансиз. Бировлар ичса қизариб кетади, бировлар бор кўкариб кетади, бировлар бор кайфияти кўтарилиб кетади, 50 грамм ичгандан кейин ўзига келади. Ия, ресторанда ўтирибмизми, ким билан келдик? Элликта-элликта ичайлик... Энди очилади, эрталабгача ичсаям маст бўлмайди. Шунақа одамлар борда. Баъзи бирлари бор ўртага чиқиб ўйнаб кетади, музыка тамом бўлгунича ўйнайди. Яна баъзи бирлари бор кутилмаганда йиғлаб қолади: «Ўртоқлар, мани ҳеч кимим йўқ, етимман. Бир камбавал одамман...»

«Э, қанақа одамсан. Ота-онанг бор, ака-уканг бор, ҳеч бўлмаса бола-чақанг бор, уялмайсанми? Қанақа етимсан?..»

«Барибир етимман. Сиз мани акаммисиз, айтинг акаммисиз», — дейди.

«Ҳа» десангиз йиғлайди, йўқ десангиз ҳам йиғлайди. Баъзи бирлари бор, ичгандан кейин ўладиган бўлиб қолади. Элик грамм ичиб олиб: «Битта ўпай, битта

ўпай меҳмон, қани-қани битта ўпишайлик...» Закус-касига ўпишади. Ўптирмай кўринг, тортиб, мажбурлаб ўпади. Қочсанг, кетингдан қувади, тўхтасанг канага ўхшаб ёпишиб олади. Ўптирмай кўринг. «Ака, битта ўпай, илтимос. Иложи борми, битта ўпай...»

Шу мастдан қутилиш учун битта ўптиришга рози бўласиз:

Кел-эй, ўп-ей!

У энди сизга ёпишиб ташқарига олиб чиқади. Ташқарига олиб чиқиб битта дарахтгами, деворгами тираб туриб, зичлаб ўпади. Новчароқ бўлсангиз йиқитволиб ўпади. Ана шунақа мастлар бор. Эртасига шунақа қилдинг десангиз: «Йўқ, унақа одатим йўқ, нужели ман...»

Баъзилари бундай маст бўлади, баъзилари ундай маст бўлади. Биттаси уйга маст бўлиб келибди. Келиб дарвозани тақиллатибди. Бақирибди, лекин ҳеч ким очмабди. «Мани келишимни билмай, дарвозани қулфлаб қўйибди», — деб ўйлаб девордан ошиб тушиб, дарвозани очиб, яна қайтиб девордан кўча томонга тушиб, бу ёғдан, яъни дарвозадан кириб кетаётганмиш...

Энди иккитаси ресторандаги банкетдан чиққан. «Сан мана шу ҳолатда қандай уйга кирасан. Хотининг яхши хотинми, сўкмайдими!..»

«А-а-а-а... Мани хотиним ҳам бошқаларни хотинига ўхшаб ичганларни ёмон кўради. Лекин яқиндан бери яхши йўлини топиб олдим. Ҳозир уйда ётаяпман. Ҳузур қилаяпман».

«Қанақа қилиб уйда ётаяпсан, манга ҳам ўргат, оғайни. Бу ҳолатда уйга киролмайман. Столбани тагида ётишга тўғри келади...»

«Билмасанг билиб ол! Сўраш керак-да оғайни. Ҳозир уйимга бораман, дарвозани тақиллатаман. Хотиним чиқади. Эшикни очиш билан кийимларимни ечиб, туфлига ўраб ичкарига отвораман. Ўзим ташқарида маза қилиб юравераман, ҳуштакни чалиб: «Эй, қўшнилар, чиқинглар, ман келдим. Мани томоша қилинглар, қани қўшнилар, чиқинглар, чиқинглар», — деб бақириб юравераман. Хотин уялганидан, қўшнилар кўриб қолмасин, фалончининг эри яланғоч юрибди, деб ўйламасин, деб ўзи опкириб кетади. Шунақа

қилсанг сен ҳам кўчада қолиб кетмайсан», — дебди. Буям ўрганиб олган, фирт кайф. Ичвоган, битон бўлиб қолган ичиб. Уйига келиб, дарвозасини даранг-даранг этиб урса, дарвозаси шарақ этиб очилибди. Кийимларини ечиб, туфлисига ўраб ичкарига отворса, дарвоза шарақ этиб бекилибди-да: «Кейинги бекат, «Чилонзор» — дебди.

Мана ичкиликнинг оқибати нима куйларга солади...

Ҳарбийлар ҳаётидан

Энди армия ҳақида гапирмоқчиман. Ҳаммамизам армияга борганмиз, хизмат қилганмиз. Армия — бу йигитнинг бурчи, уни тарбиялайдиган жой. Ҳозир яхши бўлди, Ўзбекистон йигитлари Ўзбекистонда хизмат қиляпти. Энди собиқ СССР бўйлаб хизмат қилиш йўқ. Ўз юртингда хизмат қилган яхши-да. Бу ёғи бир қадам. Аскар эрталаб туриб дебди:

— Хотин, бўпти, ман армияга кетдим, этикни яхши тозалабсан-у (аслида ўзи тозалаши керак). Бўпти, майли, ош-пош қилиб қўй, кечқурунга уч-тўрт киши келади. Командирам келиши мумкин.

Кечқурун айтганидай тўрт-беш киши бўлиб, командир билан келиб қолибди:

— Хотин, биз келдик. Вот мая жена. Ваши келин. Ош тайёрми келин. Сузинг! Ўғлим, қўлга сув олиб келинг.

Ўғлиям боракан солдатни, қаранг. Илгари-чи, шўро даврида олиб кетарди. Олти ой йўл юрардик, етти ой деганда хат ёзардик, тўққиз ой деганда етиб келарди. Уйдан ўн бир ой деганда битта хат олардик. Ҳозир бемалол уйга бориб келишяпти. Жуда яхши бўлди-да. Ҳамма ўз жойида, шарт-шароитлар етарли. Бунинг устига ота-онаси олди-да. Албатта, яхши бўлади-да. Лекин илгари ундай бўлмас эди. Армиядан келган солдатнинг кўкси «орден-медаллар»га тўлиб келарди. Гўё қаҳрамон бўлиб келади-да. Ҳатто чойнакнинг қопқоғи ҳам бор, консерванинг банкиси ҳам бор. Пагонига тақиб олади. Ахир оддий солдат сержант бўлиб келади. Сержант старший сержант бўлиб келади. Старшина бўлади. Бу ёғи денг, этиклар гармошка, шимлар оп-

тяшка. Келганидан кейин юришлар андақа. Агар ноябрда келган бўлса, телпагини бўйнига қўйиб олган. Бу ёғи очиқ қолиб кетган. Телпак бошнинг орқасида туради... Хайронман, бу телпак калла учунми ё бўйин учунми. Жуда қизиқ-да. Агар десант бўлса, шапкасини бир томонга кийиб олади, мана шундай (кўрсатади). Бир томони очиқ қолиб кетган. Морской флотлар бор, моряклар, оёқ мана бундай (кўрсатади), бир метр жой бор орада. Зазор бор.

— Нима, солдатлар юрса тўғри юради, моряклар нега бундай юради, — деб сўрасам:

— Энди Ҳоживой ака, бизнинг караблмиз уч йил мобайнида тўлқинда чайқалиб туради. Мана шунақасидан олиб, мамунақасига уради. Биз мувозанатни сақлаш учун шундай турардик. Ўшанга мана шунақа бўлиб қолганмиз. Ман айтдим; яхшиям 3 йил хизмат қилиб-сизлар, агар 4 ёки 5 йил бўлганда ўзим кўтариб келармидим.

Буям қизиқда. Собиқ шўро армиясида нималар бўлмаган дейсиз. Хизматдан қайтган солдатни етти қават кўрпачага ўтқазамиз. Қариндош-уруғлар, қўшнилари йиғилган. У билан ўтириб бирга чой ичгандан кейин ундан сўраймиз-да.

— Қалай энди солдат, хизматлар яхши ўтдим. Зўр эканми армия, — деб сўраб қолсангиз бўлди. Улар роса мақтанишади.

— Ҳа, ман армияда жит қилдим, молодойларни гонять қилдим. Борган заҳоти эликтасини тепиб ташладим-да. Бутун солдат, бутун полк маңдан кўрқадиган бўлиб қолди. Шу Тожибоев деса қотиб қолади ҳаммаси. Офицерларга чест бермасдим. Стройда умуман турмасдим, ман борми-йўқми биров сўрамасди. Шаҳарда тўрт хонали уйим бор эди. Хуллас, армиядан кетмоқчимасдим. Ота-онам мажбур қилди. Ман армияни аллақачон соғиндим. Яна қочиб кетаман армияга, армия зўр. Бормаган укалар, насиҳатим, боринглар! Армия зўр!

Кўпроқ бир-икки пиёла тўлдириб ичгандан кейин тўғриси айтилади. Мастда.

— Ўртоқлар, армияда мани пачағим чиқиб кетган. Бир суткада икки соат ухлардим холос. Ҳар куни ишга

борардик. Топиб олгани — мени фамилиям. Ошхонага келсам, кўмир ташигани юборарди, ёттани келсам ухлатмасдан пол ювдирарди, номардлар. Бир ҳафталаб овқат емаган кунларим бўлган. Мана шунақа. Армия знамизнинг уйимас-ку ахир. Подём деса, ҳамма туриши керак. Отбой деса, ҳамма ётиши керак. Офицерга, командирга чест бермай кўр:

— Воин, ко мне! Сто раз ожимания, начали. Кўл билан юз марта ётиб-туриш керак. Ўн бештага зўрға борардик. Ўн олти деганда «эна» деворардик. Осон эмас. Бир шофёр йигитни ўзимиздан армияга олган экан. Уч ой карантинда раз-двани ўрганияпти. Эрталабдан кечгача, кечаси билан юриб чиқяпти эмиш. Бир сержант команда берибди:

— И раз, и раз, и раз, два, три. И раз, и раз, и раз, два, три... Стой, кру-гом, шагом-марш. И раз, и раз, и раз, два, три. Стой, на право, на лево, шагом-марш. И раз, и раз, и раз, два, три... Сержант зерикиб тургандан команда бераверибди, яқинда уйга кетиши керак: — И раз, и раз, и раз, два, три. Стой, кру-гом. Орқага қайтараверибди... Тўхта, юр. Айланавериб, тўхта, юр деявериб ҳалиги ўзбек йигит шартта бориб ўтириб олибди.

— Ты куда пошёл солдат? А ну ка вернись. Встан строй.

— Командир, эзилиб кетдим-у. Зўрға етиб борганда орқага қайтарасиз. Тўхта, юр, чапга, ўнга деяверасиз. Аввал қаёққа юришни эслаб олинг, кейин бориб қўшиламан, дебди солдат.

Хуллас, уч ойлик карантиндан кейин частга ўтказишибди. Ротага ўтказишибди. Шофёрлик гувоҳнома-си бор учун машина беришибди. Катта крузовой машина. Ҳар куни юк ташийди. Бир куни йўлда машинани тикилтириб қўйибди. Ҳеч чиқаролмасмиш. Балон айланар эмиш-у, машина чиқмасмиш. Ҳали тажрибаси йўқ-да! Дикқат бўлиб ташқарига чиқиб сигарет чекиб турса, бир машина келиб тўхтабди. Генерал ўтирган эмиш, формада. Генерал: «Ҳа, что», деса, солдат ҳам бўш келмабди:

— Товариш генерал, вот мая машина на болоте сидит. Никак не могу выташит. Тиқилиб қолганский?

— А нука шофёр, давай развараचывай!

Кичкина машина олдинга ўтволиб катта грузовой машинани тортяпти эмиш. Генерал қараса мажлиста кеч қоляпти. Генералнинг ўзи ҳам орқадан итарибди.

— Раз, два, взяли, еще раз взяли... — дебди генерал. Бечоранинг ҳаммаёғи лой, чанг бўлиб кетибди.

— Ну тебя, тяжёлая машина, — деса:

— Командир, конечно тяжолая бўлади-да, орқада ўттизта «дед» ўтирибди, — дермиш солдат.

Ўғирланган машина

Биттаси «Нексия»да кетаяпти. Ёнида хотини, орқа томонда қайнотаси билан қайнонаси. Светофордан ўтган экан ДАНчилар турган экан. ДАН чиқиб бирдан тўхтатибди. Ҳалиги шофёр ҳам бирдан тўхтаб, бундай қараса, ДАН келиб бирдан честь берибди: — Ҳурматли шофёр, сизни табриклайман. Светофордан кўк чирокда ўтдингиз. Биз ярим соатдан бери текширяпмиз, ҳозирги ёшлар қизилдаям, сариқдаям ўтиб кетишяпти. Биз уларга жарима солдик. Шу жарима ҳисобидан сизга мукофот бермоқчимиз, деса, шофёр ҳовлиқиб:

— Ака, яхши бўларди. Битта ҳайдовчилик гувоҳномаси сотиб олардим, дермиш.

Жим туравермайсанми, номард!

— Э, биродар, ҳали гувоҳномангиз йўқми, ҳазиллашяпсизми, қани пастта тушинг. Биз сизга мукофот бермоқчи эдик. Буёғи чатоқ-ку! Тушинг, етиб келдингиз биродар. Тушинг пастта, пастта тушинг-ей. Номард-ей, пастта туш деяпман. Уни машинадан суғириб чиқаряпса ёнида ўтирган хотинининг раҳми келиб, нима дейишини билмасдан, эрига яхшилик қилмоқчи бўлиб: — Ака, қўйинг энди, шу маст одам билан тенг бўлиб ўтирасизми? Кўриб турибсиз, эрим ичган, қўйворинг, кетайлик энди, — дебди.

— Ие, ҳали бу ичганамми? Ичволиб гувоҳномасиз шаҳарда юрибсизми? Тушинг пастта, — деб ДАН суғириб чиқарса, орқада ўтирган қайнотаси уйғониб кетиб:

— Чегарага етдикми! — дермиш.

— Чегара нима, Хитойга кетаётган эдингларми? Етиб келдингиз, отахон. Тушинг! Тошкент, Тошкент-

дан кейин Ёркент. Тушинг пастга, отахон, бўлинг, бўлинг...

Ёнидаги қайнонаси қараса, куёви ҳам қовун тушириб қўйибди. Қизигаям, чолигаям қарамай шартта машинадан тушиб, оёқ яланг мингта қўйиб югуриб кетаётганмиш. ДАНчилар қувиб, етиб олиб тўхтатишибди.

— Ҳа, онахон, тинчликми, ўзингиздан-ўзингиз югуриб кетяпсиз. Сизга нима бўлди? Сизга ҳеч нарса деганимиз йўқ-ку, — дейишса:

— Э, болам, ман буларга айтдим, ўғирланган мошинада узоққа бориб бўлмайди, — деб...

Худо асрасин

Катта бир заводга концертга таклиф қилишди. Концертга чиқишдан олдин тайёргарлик кўриб, шундай йўлакда бориб-келиб турсам, бир плакатга кўзим тушиб қолди. Плакат ўзбекчага нима бўлади? Афиша! Нима ёпиштириб қўйган нарса афиша бўлаверадими? Энди русчасига «плакат», яъни қаттиқ бўлади. Ўзбекчасига юмшоғроқ айтсангиз — «плакат». Битта ўзбекчасини ўқияпман. Ҳалиги бор-у, номинг қурғур, атом бомбаси. Ўша тушса нима иш қилиш керак? Шуни ёзиб қўйган экан. Биринчи нима иш қилиш, кейин нима қилиш керак. Қачон, қайси пайтда тушади, кейин нима бўлади? Шуни ёзиб қўйган экан. Ўқияпман-у, кулгим келади. Ҳеч ақлга сиғмайдиган нарсаларни ёзиб қўйибди. Яна ўша собиқ шўро давридаги нарсаларни эсга туширди. Эсларингда бўлса мактабларда, институтларда, армияларда «гражданское оборона» деган дарс бўларди. Ҳаммамиз «противогаз» кийиб кўрганмиз. Ҳар мингта ўқувчига йигирмата противогаз. Калитни бериб: «Бор, складдан противогаз олиб чиқ», — дерди. Противогазни халта қилиб кўтариб чиқарди. Гапириб-гапириб миямизга қуйиб, кейин биттадан кийиб кўринглар, дерди. Бир мартадан кийиб кўриб: «Бўлди йигитлар, обориб, қулфлаб ташлаб, калитни олиб кел», — дерди.

Ҳақиқатдан ҳам дўстлар, биз нимага ишониб ўшанда уйимизда противогаз сақламадик. Ахир атом бомбалари бор эди-ку! Лекин ўша фандан дарс берадиган ўқитувчининг уйида противогаз йўқ эди. Шунча халқ

нимага ишондик? Миллион-миллион халқнинг уйида «противогаз» йўқ эди. Лекин дарслар, корхоналар учун миллионлаб пул сарфлаб плакатлар чиқардик, китоблар чиқардик. «Буни ҳамма билиши керак», деган қонун-қоидаларни тушунтириб, размерларини ўлчаб қуйиб қўйган бомба портлаяпти, ҳалиги нималари бор, радиация тарқаган зоналари. Тўлқинлар қанча бўлиши керак. Иккинчиси, учинчиси қанча бўлади? Хуллас, зоналарга бўлиб, ташлаган. Ҳаммаси миллиметргача ўлчанган. Лекин противогаз йўқ эди. Ўқияпман, кулгим келади. Бизни худони ўзи асради, дўстлар. Масалан, ёш болалар противогазни умрида кўрмаган. Тасаввур қилинг, бомба тушса ота-онаси кийиб олиб болаларини етаклаб кетяпти. Қўлида чақалоқ, онасида противогаз, чақалоқда противогаз йўқ. Бизни худонинг ўзи асради дўстлар. Ҳақиқатан ҳам бундай ўйлаб кўрсак, кулгилик бу. Ўша пайтдаям противогаз йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Лекин бомбалар бор... У ерга ёзиб қўйибди, агар бомба тушса эмиш, шошилмасдан болаларни кийинтириш керак эмиш, бўлинглар болалар, кийинглар, бомба тушибди. Бўл, укангни пайпогини кийдириб қўй. Тез бўлинглар, бомба тушдийкан. Сан нима қилиб ўтирибсан... Вой болам, сани дўппингни қаердан биламан. Оч, шифонерни қидир. Сан бориб отангни уйғот. Қуриб кетсин, бугун ҳам ичиб келган. Ўша бомба отангни бошига тушса бўлмасмиди! Туринг экан дегин, бомба тушибди экан дегин. Сув қуй устидан уйвонмаса. Бўлинглар, кийининглар, бомба тушган экан...

Шошилмаслик керак эмиш, бомба алақачон тушиб бўлган, алақачон икки метр қалинликдаги бетонни тешиб кетаётган радиация тарқаяпти. Биз, шошилмаслигимиз керак эмиш. Ақлга сизмайдиган нарса. Шундай бўладими?.. Биз томонга ўтган йили сел келди. Сув каналдан тошиб, бир қишлоққа уриб кетган экан. Бир ваҳимачи, сал асаби чатоқ одам нима дебди: «Қайроққум сув омбори уриб кетган бўлса керак». Ваҳима. Бизнинг халқимиздай ваҳимачи йўқ. Тўполон, бу қишлоқ бу қишлоққа қараб қочибди, бир қишлоқнинг одамлари иккинчи қишлоқ бўлиб, учинчи қишлоққа қараб қочибди. Ҳаммаёқ қоч-қоч, ваҳима,

тўпалон. Бомба тушса, бундан баттар бўлади. Бир одам уйдаги бола-чақасини ташлаб, қари ота-онасини ташлаб велосипедга бир қоп унни ортволиб қочиб кетаётган эмиш. Мана шошилса одам қанақа аҳволга тушадиди? Бомбадан худонинг ўзи асрасин. Бундан баттари бўлса керак. Трактор турган экан йўлда — прицепи бор, ҳалиги узун сеткалик, пахта ортадиган бор-у, ўшанга чоллар, кампирлар югуриб келиб, чиқиб кетяптимиш. Ҳеч қаерини ушламасдан шув этиб, чиқиб кетяпти эмиш. Ёшларни тепиб туширворяпти эмиш; туш пастга, сан сузишни биласан, туш сузавер, ёшсан ҳали, туш! Тележка тўла чолу-кампирмиш, тракторчи эса йўқ эмиш. Тракторчи трактори хаёлида йўқ ўзи пиёда қочворибди. Тўй бўляпти экан. Куёв келинни ташлаб қочиб кетган. Келин куёвни ташлаб қочиб кетган. Тўпаланг. Мана қанақа бўлади; Бир ариқ сув тошганига шунча ваҳима. Агар бомба тушса шошилмаслик керак эмиш. Бўлинглар болаларим, кийининглар, бомба тушибди. Атом бомба ташлаган ахлоқ биринчидан эрталаб ташламайди, пешинда ташлайди. Кечаси соат тўртда ташлайди. Биз қаердан биламиз бомба тушдими, йўқми? Болаларимизни соат тўртда уйротдингиз дейлик. «Бомба тушибди, кийининглар». Ҳеч бири кийинмайди. Бир соат уйқусираб туради. «Бўл кийин, бомба тушган». «Нима у бомба, оий?» Ҳеч ишонмайди, уйқусини қочириш учун бир соат вақт керак. Кийинтириш учун яна ярим соат қўшамиз. Бир ярим соат кетдими, ундан кейин чиқмасак ҳам бўлади кўчага. Аллақачон радиация уриб бўлди. Ўша 150 миллион тиражда чиқарилган плакатда ёзилишича, телевизор билан радиони қўйсангиз дикторлар ўзи айтар эмиш — нима иш қилишни. Энди тасаввур қилиб кўринг, дикторимиз Раҳматилла Мирзаев кечаси Юнусободда ухлаяпти. Кечаси соат тўртда телефон жиринглади: «Тезда телевидениега етиб келинг, бомба тушибди, эълон қилиш керак». Диктор туриб кўчага югуради. Кечаси машина йўқ, тўхтамайди машина. Ярим кечаси майкачан Раҳматилла Мирзаевни биров танймайди, келяптилар; ман халққа эълон қилишим керак, бомба тушибди экан. Ҳеч қачон телевидениега қараб югурмайди. Уям боласини олиб қочади. Телеви-

зорда ўтирган навбатчилар ҳам ташлаб, қочиб кетади. Биз радиони қўйиб ўтирсак, эълон айтармиш. Қаёқда, ҳаммаси жуфтакни ростлайди. Яна нима эмиш: «Бола-ларни кийинтириб бўлгандан кейин светларни, газ-ларни ўчириб, электр аппаратларини ўчириб, дераза-ларга қора парда тутиб, кейин ташқарига чиқиш ке-



«Тезда телевидениега етиб келинг...»

рак эмиш». Битта уйда олтига дераза бор. Ҳаммасига парда тутиб чиқиш керак экан. Ҳаммасига парда тутиш учун 10 минутдан бир соат вақт кетади. Қўлида михча, болғача, табуреткага чиқиб олган: бўл тез-тез, михдан олиб бер, бомба тушиб бўлган алақачон. Ўзиям қирқ минут бўлиб қолгандир. Падарингга лаънат қайрилиб кетди-ю, шошилганда ўзи шунақа бўлади. И-и... бошқасини олиб бер, бўл тез-тез, яна тўртта дераза бор ҳали. Ахир шошилмасдан бўладими, бу пайтда. Яна кетаётиб бир ҳафталик овқат билан кўчага чиқиш керак эмиш. Икки пақир сув бир хўжаликка етмайди. Тўрт пақир сувни кўтариб бўлмайди. Хотин шўрлик маст эрини кўтариб чиқадими, тўрт пақир сувни кўтарадими, боласини кўтарадими. «Қўшнилари, чиқинглари, бомба тушибди!» «Қанақа бомба?» «Атом бомба». Ишонмасдан: «Йўқ-е»... Агар душман қўшни бўлса-чи; «Қандайсизлар, ётаверинглари, тинчлик... Ўзларинг яхшими, баттар бўлинглар, эриб кетинглари. Роса саз бўлди-да! Ўзи какраз душман эди».

Яна нима эмиш; «чиқа солиб тезликда энг яқин метрога бориб яширининглари», — дебди. Метро Тошкентда бор холос. Бошқа жойдагилари қаёққа боради. Мисол учун андижонликлар, самарқандликлар ёки бекободликлар қаёққа бориши керак? Нима, сабзи кўмиб қўйган ўрага кириб кетадими?.. Метрога яшириниш керак эмиш. Метроси йўқлар-чи? Энди плакатга ҳамма нарсани ёзиб қўяверарканда. Бизни худони ўзи асрайди. Ўша пайтда уйимизда «противогаз»имиз йўқ эди, ҳозирам йўқ! Бир опамизнинг уйда бор экан. Ўғли мактабдан олиб келиб қўйган. Опамиз уни кийиб олиб: «Эримни бир кўрқитайин, — дебди. Оғайниларига айтиб бериб, маза қилиб кулиб юради».

Уйга кириб эски кийимларини кийиб олиб, сўнг «противогаз»ни кийибди. Эрининг олдига келиб: «во-во-во-во», — деса, хайрият эри газета ўқиб ўтирган экан, эътибор бермабди. Хотинам бошлаб, битта стул олиб келиб рўпарасида ўтираверибди. Эри газетани ўқиб бўлиб, шундай қараб: «И-е, хотин, қошингни терибсанми» — дермиш...

Хотин билан «противогаз»нинг фарқига бормаяпти. Шунақанги содда эр билан яшаётган аёлларга раҳмат...

Баҳонаси кўп эр

Бир эр боракан, хотинини ҳар куни ураркан. Ур-гаңдаям қўйиб-қўйиб юборар экан-да. Ёмон эр-да, характер чатоқ, туғилганда ҳамширанинг қўлидан тушиб кетган. Бу ёғини ўзларинг билиб олаверинглар. Ичса-ичмаса бир хил экан. Қўйиб-қўйиб юборар экан. Етти юмалаб тушар экан-у, ўрнидан туриб, яна эрига қараб келавераркан. «Уринг, уринг, урасизми, яна уринг, уринг!» Эр ҳам қўйиб-қўйиб юборар экан. Тортиб-тортибворар экан. Хотин келаверар экан; «Уринг, Яна урасизми?» Эр у ёғига бу ёғига, қўйибворар экан-да. Хотинам қочмас экан, мард хотинлардан экан. Келверади; «яна уринг!». «Бўлди-ей, қўлим оғриб кетди-ей, номард. Бир умр уриб барака топмадим?» «Яна уринг!» «Бўлди, бошқа урмайман, тавба қилдим. Бошқа урмайман, қўлни ишдан чиқардинг номард».

Буниси уриб маза қиларкан, униси калтак еб маза қиларкан. Бир куни эрини ишга жўнатвориб, болачақасини олиб, отасиникига кетиб қолибди. Кеч бўлса ҳам ўтирган эмиш, қоронғи тушсаям ўтирган эмиш. Отаси:

— Ҳа қизим, тинчликми? — деб сўраса, қизи:

— Куёвингиз ҳар куни уради, сўқади. Жанжал бўлмаган кун йўқ, энди бормайман, — дебди.

Шунда отаси:

— Эй болам, сани куёвимни синаб, зотини суриштириб берганман, куёвим зўр, ишон! Уйинга борсам ўтқизгани жой тополмайди. Кўчада кўрса мани бошида кўтариб юради. Одамларнинг олдида ҳурматимни қилади. Куёвимдан минг марта розиман. Лекин сани ўзингда бир гап борга ўхшайди. Ҳозир қайтиб борсан, қизим. Нима учун калтак еганингни эслаб кўр! Ўша ишларни олдиндан қилиб қўйсанг, эринга кулиб гапирсанг, эринг сани урмай қўяди. Агар ўшандаям урса кейин гаплашамиз. Бўптими?..

Хотин энди калтак емаслик учун ҳамма ишларни олдиндан қилиб қўйибди. Эр ишдан келиб қараса дарвозахона очиқ эмиш. Супурилган, қараса ҳовлиси супурилган. Кўчаларга сувлар сепиб қўйилган. Келиб

ҳайрон қолиб «Ие, ўзимни уйимми шу. Жа ҳаммаёқ тоза-ю... Наҳотки ўзимни уйим бўлса?» Ишонмасдан унинг номерига қараяпти эмиш.

«Ҳақиқатдан ҳам ўзимни уйим. Бугун жа бошқача-ю...» Кириб келаётса хотин дарвозанинг олдида кулиб турганмиш:

— Дадаси келинг, ҳорманг. Чарчамай келдингизми? Бундай пайтда хотинни қайси ахмоқ эр сўкади ёки чертади. «Ие, хотин бугун бошқачами?..»

— Дадаси келинг, ичкарига кириг, ичкарига.

«Кулиб кутиб оляпти. Ўзимни хотинимми шу? Барибир калтак ейсан», — деб ўйлаб ичкарига кирибди. Ҳовлилар чиннидай тоза эмиш. Баҳона учун бирорта хас кўринмасмиш. Гулларга сув қуйилган. Ҳаммаёқ гўзал, чиройли. Бир ўғли сув ушлаб турган эмиш:

— Дада, қўлингизни ювасизми? — деб. Бир қизи сочиқ ушлаб турган эмиш. «Ие, шулар ўзимни болаларимми». Болаларам ажойиб кийинган. Хотини шундай табассум қилиб турган эмиш. «Ўзинг сув қўй!» — дебди. Баҳонада. Ўзи олдиндан тайёргарлик кўрилган, кўнгли тўқ...

— «Нимага қўлинг қалтираяпти?» — деган экан, хотини тошдай қотиб қолибди, калтак ейишни хоҳламайди-да.

— Ҳа, бу сувинг совуқ-ку, — деса:

— Мана иссиғи ҳам бор, — дермиш.

— Ҳа, бу иссиқ-ку, — деса:

— Мана илиғи ҳам бор...

Уч хил сув тайёрлаб қўйган эмиш. Ҳа, бўлар экан-ку шунчалик тайёрлаб қўйса. Олдин умуман сув бўлмаган экан-да уйда. Бугун қаранг, уч хили тайёр турган эмиш. Сочиқ деса, сочиқ берибди. «Ҳа, бу сочиғинг кичкина-ку», деса каттасини берибди. «Ҳа, бу сочиқинг катта-ку» деса, ўртачасини берибди. «И-я, бугун бошқачасан-ку хотин — барибир калтак ейсан», — дебди. Ҳовлидан баҳона тополмай, ўзбекнинг нимаси кўп — моли кўп, қўйи кўп, эчкиси кўп — молхона томонга ўтибди. «Катта бир баҳона топиб, жанжал чиқараман», — деб молхона томонга борса денг, молларнинг таги тозаланган, пақирларда сувлар турган эмиш. Ҳўл ўт ҳам, қуруқ ўт ҳам бормиш. Емлар қўйил-

ган. Қўйларнинг жуни олинган, сигирларникини ҳам қўшиб олворибди-да! «Ия, бошқача бугун», дебди. Қўйларнинг ҳаммасини қорни тўқ, мана шундай (пантомимо) қилиб турган эмиш. Бирортаси ҳам «ба-а» демасмиш. Бир йўтал қўй борақан, ўшаям йўталмаяпти эмиш-да. «Ҳе, йўтал, номард», — деб баҳона қидиряпти-да. Бирортаси йўталиб юборса-ю, нимага йўталапти? — деса. Ҳалиги йўтал қўй миқ этмай турганмиш. Йўталнинг олдига бориб: «Қалай?» — деса, «яхши», — дебди. «Камчилик йўқми?», «Йўқ!». «Қорин қандай?» — деса, «Мана шундай», — дебди. «Э, қойил», — дебди. Сигирлар соғилган, ҳамма нарса жойида эмиш. Баҳона тополмай эр чиқиб кетибди. Уйга кирса тоза гиламлар, тоза кўрпачалар. Дастурхонда ҳамма нарса бор эмиш. Баҳонани қаранг; «Хотин, эски кўрпачада ўтираман», — дебди. Хотин ҳам бир қават янги кўрпачани олиб ташлаб, мана, марҳамат, ўтиринг, — дебди.

«Ие, бу номер ҳам ўтмади-ю. Бугун жанжал бўлмайдимидейман хотин, — дебди. «Бўлмайди дадаси. Бундан бу ёнига худо хоҳласа бўлмайди», — дебди. «Бўлади!» — дебди эр. «Ош ейман», дебди. Ош олиб келиб қўйибди. «Шўрва ичаман», дебди. Шўрва олиб келиб қўйибди. «Чучвара», деса чучвара олиб келиб қўйибди. «Кечаги ошни ейман», дебди. «Мана дадаси, кечаги ош ҳам бор», дебди. Кечагисини ҳам олиб қўйган экан-да, ҳар эҳтимолга қарши. «Ия, хотин бўлмаяпти-ю, баҳона тополмаяпман-у. Нима бало жанжал-панжал бўлмайдимидей?» — дебди. «Бўлмайди», деса, «бўлади, кроватни тагига кир», дебди. Кроватни тагига кирмаса калтак ейди-да. Кирибди. «Энди манга қараб бир вовилла-чи, қани», — дебди. Вовилламаса калтак ейди. Кроватни тагидан шундай калласини чиқариб: «Вов-вов», — деса, «Ия, сан ҳали эринга вовиллайдиган бўлдингми, сан ҳали эрингни танимай қолдингми? Қани кроватни тагидан чиқ!» дебди. «Чиқ бу ёққа номард, чиқ деяпман санга, ана санга, мана санга...» «Уринг, уринг-уринг» яна бошланиб кетибди-да...

Мана дўстлар, қанча баҳона керак бўлса, излаганча топилади. Лекин жамиятда яхши оилалар, уриш-жанжал қилмайдиган ибратли оилалар кўпайсин.

Аскар ҳангомалари

Мана биз хизмат қилган жойлар жуда узоқ бўлган. Ҳатто самолётда ҳам учиб бориб бўлмас эди. Мен собиқ шўро даврида Узоқ Шарқда хизмат қилганман. Яъни Дальний Востокда. Мана ҳозир-чи, йўлнинг бу бети армия, бу бети уйи. Эрталаб туради, «бўпти хотин, ман армияга кетдим. Биров сўраб келса, мен армияда бўламан. Ўша ёққа жўнатворвур. Ҳа, кечкурунга ош қилиб қўйинглар, бугун гап навбати меники. Бутун рота келади. Қўшниларнинг уйларини бўшатиб, жой қилиб қўйинглар, командирларга. Ҳа, худди шундай қилиб қўйинглар...» Қаранг, булар гап ҳам еркан.

Бу ҳам мустақиллик шарофатида. Ўз юртингда хизмат қилганга нима етсин? Ҳатто кўшиқларни ҳам. Ҳозир ўзбекча қилворишибди:

Онам герман п-б. п-б...

Уйга кетаман п-б, п-б...

Қачон кетаман п-б, п-б...

Тавба қилдим, роталарда новвойлар нон ёпишяпти-ей. Ўзимизнинг буғдой нонни, юмалоқ, жайдари, ўзбекча нонни. Тандирдан ўзиб олиб, аскарларга иссиқ нондан олинглар, енглар, дейди. Биз, хизмат қилган пайтда қора нонни ўғирлаб чиқиб, югуриб кетаётиб ер эдик. Тўхтаб есак қўлга тушамиз деб битта нонни ейиш учун йигирма круг қилар эдик. Тўхтаб ейиш мумкин эмас! Ҳозир шашликлар пишиб ётибди, ҳамма нарса бор. Энг муҳими яқин бўлгани учун отоналар бориб кўриб келишяпти. Хат ёзиш ҳам шарт эмас. 100 нафар солдатнинг 100 отаси бор, 100 онаси бор, 465 та поччаси бор, чунки ўзбекнинг қизи кўпда. Уни тоғаси бор, аммаси бор, амакиси, аммабачча, холавачча, қўшни... Ҳаммаси кўргани келади. Униси кетса, муниси келади, муниси кетса, униси келади. Келганлар қуруқ келмайди. «Командирнинг оёғи тагига қўй сўяман», деб биттадан қўй етаклаб келади. Навбат... Ҳаммасининг қўлида қўй. Командир турибди. Ҳаммаёғига қон сачраган. Қаранг. Ротанинг қассоби ҳам бор.

Командир эртадан кечгача мана шу туриш... Ўзбекчиликда, хафа бўлади. «Бўлди энди, қолганлар ўзла-

рингча сўяверларинг», — деса хафа бўлади. «Ният қилганмиз болам...». «Мен Қўнғиротдан келдим, ният қилганман, ўша ёғдан олиб келганман, қўйни оёғингиз тагида сўямиз, деб...» Қўймайди, ўзбекчиликда буям бир. Эртадан-кечгача қўй сўйиляпти. Бу ёқда қўйларнинг териси осиб ташланган... Бу ёқда чойхонада ош пишяпти, 56 та қозон қайнаяпти. Қўй сўйиб бўлингандан кейин командир бориб ош ейиш маросими ҳам бор. Ота-оналар олдида беш минутдан ўтириши керак. Чунки ўғли хизмат қиляпти-да. «Бир оғизгина шу солдатимиз билан ўтириб ош енг!». «Ёрилиб кетаман, ўлай агар ҳозир 9 та жойдан ош едим...» «Ҳеч бўлмаса икки дона гуруч емасангиз хафа бўламан...» Ўзбекчиликда, ош еявериб командирнинг қорни чиқиб кетган. «Отставкага чиқаман, бунақа хизмат керак эмас менга...»

Ана шунақа! Бу кулгили ҳангомалар ҳам мустақиллик даврида мустаҳкамланиб бораётган айрим ҳарбийлар ҳаётидан бир шингил холос. Илоё, дунёмиз тинч бўлсин!

Паришонхотир

Яхши биласизларки, халқимиз кулгисевар халқ. Лекин ҳозирги пайтда кулдириш бироз қийин бўлиб боряпти. Чунки, орамизда асаб касалига чалинган одамлар бор. Ҳеч нарса ёқмайди уларга. На ёруғлик ёқади, на қоронгулик, на бир оғиз ширин сўз. Ҳатто болаларнинг овози ҳам ёқмайди. Агар тўрттаси саккизта бўлиб кулишиб турса: «Ҳей, ҳингир-ҳингирингни ўчир», дейди. «Мани қулоғимни тагида ҳингир-ҳингир қиласан, бор ўзингни маҳаллангда ҳингирлаш...» Агар ашула айтиб турган бўлса: «тингир-тингирингни ўчир», деяди. Қаранг, бутун дунё кўзига қоронғу бўлиб кўриनावеради. Чунки бунақа одамларни асаби касал. Уларни даволаш керак. Агар невроз касаллигини даволамасангиз биласизми, ўртоқлар, охири склероз, яъни паришонхотир бўлар экан. Бундайлар якшанба куниям ишга кетаверади, боғчага кетяпман, деб ўтиб кетиб, оғайнисиникига бориб, ўтириб, ўтириб ярим кечаси қайтиб келадими-ей.

Шундайлардан битгаси дўхтирга келиб: «Дўхтир, мени даволамасангиз бўлмайди. Ҳатто ўзимнинг отим ҳам эсимдан чиқиб қоляпти, кеча хотинимдан сўраб билволдим. Мани даволамасангиз бўлмайди, дўхтир. Биласизми, бир овқат есам денг, еявераман, еявераман. Тўйганим эсимдан чиқиб кетади. Яна еявераман, ёрилиб кетишимга озгина қолади. Дўхтир, бир ухласам ухлайвераман, ухлайвераман, ухлайвераман, агар уйда хотиним бўлмаса, бир ҳафтагача ухлайвераман, уйғонип эсимдан чиқиб қолади. Дўхтир, ишонмайсиз, тунов куни денг нафас олиш эсимдан чиқиб қолди. Ерда бир минутча кўкариб ётдим. Нимадир бир нарса эсимдан чиққандай бўлди. Кейин эсласам, нафас олмаётган эканман. Бирдан нафас олвориб, тирик қолдим. Дўхтир, ўлишимга сал қолди. Дўхтир, мана шунақа касал бўлиб қолганман, мани даволамасангиз бўлмайди».

— Ака, ман сизни даволайман, фақат, айтинг-чи, шу касалингизга неча йил бўлди? — деб сўрабди дўхтир.

— Қайси касалимга! — дермиш ҳалиги.

— Ия, ҳозир айтдингиз-ку, «ман склерозман деяпсиз, паришонхотирман, деяпсиз».

— Ҳа дўхтир, шу касалимга икки йилча бўлиб қолди.

— Сизни даволаса бўлар экан ака, сизни албатта даволаймиз. Фақат мана шу кишини сира даволаб бўлмаяпти. Ҳақиқий склероз, ҳақиқий паришонхотир, — деб бир беморни кўрсатибди. Бемор ўтирган эмиш; қўлида бир нарса бор эмиш, ҳадеб қўли билан боши атрофини айлантитармиш.

— У нима қиляпти? — деса.

— Кўрдингизми, дори берганимга бир соат бўлди, ҳалиям оғзини топа олмаяпти, — дермиш дўхтир.

Мана шунақа касалликдан худонинг ўзи асрасин дўстлар!

Ер етагиму?

Ҳозир фермерчиликка катта эътибор берилляпти. Деҳқон-фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга ошиб боряпти. Уларнинг даромадлари ҳам ёмон эмас. Сўрасангиз нуқул миллиондан гапиреди. Энди деҳқонларимиз тўқ бўлса, биз, шаҳарликлар ҳам, тўқ яшаймиз. Мамлакатимиз фаровон бўлади.

Технологияга қизиқадиган бир деҳқон акамиз бир жойда эшитиб қолибди. Америкада шундай бир комбайн бор эканки, буғдойни ўриб, бира тўла майдалаб, ўша буғдой сомонини ҳатто пресслаб бир чеккага тахлаб қўйиб кетар экан. Кейин ҳалиги буғдойни ун қилиб, дарров элаб, кепагини алоҳида, унини алоҳида қилиб, хамир қориб уни тандирда ёпиб, бу ёқдан тайёр нони чиқаверар экан.

Шунда ҳалиги акамиз бундай комбайннинг пайдо бўлганини эшитиб: «тўхта», — дебди. — Нима учун энди Япония, Американи ҳамма гапираверади. Бизам шунақа ишларни қилсак бўлади. Бизам шу деҳқонларни ҳисобга олиб, шу шароитта қараб бир нарсаларни ривожлантирсак бўлади-ку! — дебди. Шу хаёллар билан акамиз бир пичан ўраётган одамнинг олдига келибди. У ўт ўраяпти эмиш. Ғижт, ғижт... Ўроқ қўлида — ғижт, ғижт...

— Келинг ака, келинг, — ғижт, ғижт... Совиган чой бор, ичинг, ҳозир бораман, — ғижт, ғижт... Тутни тагига боринг, — ғижт... Тўхтамасмиш.

— Ўт ўряпсизми? — деса.

— Ҳа, ўт ўряпмиз, — ғижт, ғижт... Энди тирикчилик, — ғижт, ғижт... Қишга тайёргарлик, — ғижт... Болалар кўп, — ғижт... Ўнтача ҳўкизим бор. Биттаси Тошкентда ўқияпти, — ғижт, ғижт...

Ҳалиги акамиз қараб туриб айтармиш:

— Яхши ўряпсиз, яхши. Шу лекин...

— Ҳа, ота-боболаримиз ўриб келган. Биз ҳам ўрамизда... Ғижт, ғижт...

— Ўряпсиз-у, фақат шу бир томонга қараб ўряпсиз-да. Бир томонга қараб кетяпти ўроқ.

— Ота-боболаримиз бир томонга қараб ўрганда, ғижт, ғижт...

— Бу ёнига ўрофингиз бўш қайтяпти-да, ака.

— Шунинг учун нима қилиш керак энди? — фикт, фикт... — деса:

— Тўхтанг! — дебди. — Шу томонга бир ўроқни сварка қилсак бўлмайдами? — дебди. Ҳам бу ёққа ўрардингиз, ҳам у ёққа ўрардингиз, — шунда бирдан нига иккита одамнинг ишини қилардингиз. Мен яқинда бир журналда ўқувдим, шунақа бир комбайн бор экан. Биз ҳам шунга ўхшатиб қилсак бўлади.

Дарров сварка топиб келиб, темирни таъмирлаб, янги яроғ қилишибди.

— Энди ўришни қаранг, фикт, фикт...

— Яхши ўряпсиз-у, лекин биласизми, шу орқангиз бўш кетяпти-да, ака. Бир йиғадиган мослама ўрнатсак бўлмайдами? Бира-тўла ўтларни ҳам йиғиб кетаверардингиз, ҳам ўрасиз, ҳам йиғиб кетаверасиз.

— Энди қанақа бўларкин, иложи бормикан?

— Бор иложи, иложини топамиз, — дебди. Дарров темирни белига бойлашиб, йиғадиган мосламани топиб келишибди-да, орқасига ўрнатиб қўйишибди. Акамиз шашт билан ўт ўряпти эмиш. Фикт, Фикт... фишт, фишт...

Бошқа ёқдан эшитган одамлар ҳам, бошқа хўжаликлардан ҳам одамлар келишибди. Қани, бир кўрайлик-чи, бу янгилик нима экан ўзи.

Ўряпти эмиш, бу ёқдан йиғиб кетяпти эмиш. Биттаси айтибди.

— Яхши-яхши. Яна битта янгилик киритса бўлади. Шу ўроқ бу ёққаям, у ёққаям ўряпти-ю, шу учи бўш турибди-да. Шунинг дастасини узунроқ қилиб туриб, паншакани кийгизиб қўйсак қандай бўлади? Шу бира-тўла ўрилган ўтларни ҳам ағдараверадиган бўларди, — деса, биттаси айтармиш:

— Тўппа-тўғри айтдингиз, яхши фикр. Энди яна битта фикр бор. Шу белига симларни бойлаб туравериш керак. Симлар ўраб бўлганини бойлаб кетаверади, — деса:

— Тўғри айтдингиз, яхши фикр...

— Бўлди, — дебди. — Ман сизнинг фикрингизни тушундим. Мана бу томонимга хотинимни бойлаб олишим керак. Овқат-повқат пишириб менга егизиб кетаверади. Ман кечаси билан тинмасдан ўраман

ғижт, ғижт... Бу томонимга бир ўғилчани бойлаб қўяман, елиб кетаверади-да, матор қизиб кетмаслиги учун...

Дўстлар, деҳқончилик мавзусини давом эттирамиз. Деҳқонларга ер бўлиб бериш масаласи мустақилликдан сўнг амалга оширилганини яхши биламиз. Ўша пайтларда агарда ҳосилдор ерларни бўлиб берсак, деҳқонларимизга етармикан ё етмасмикан, деб олимлар, мутахассислар бош қотиришибди. Неча соток, қанчадан ер бўлиб берсак ҳаммага етар экан. Шунга деҳқон рози бўлармикан, деб.

Энди бир деҳқон отахонни чақириб, маслаҳат қилишибди: «Отахон, сиз олтмиш йилдан бери деҳқончилик қиласиз. Сизга минг марта раҳмат! Энди бизга икки оғиз ер масаласи бўйича фикрингизни билдирсангиз. Шу ерни халққа бўлиб берсак яхшими ёки давлат ихтиёрида қолсинми», — деса.

— Ерними, болам, ерни одамларга бер. Одамларга берсанг ўзининг ерида тинмасдан ишлайди, кеча-юкундуз ишлайди. Ҳа, хоҳласа умуман ухلامасдан ишлайди. Чунки ерни боқсанг, ер сани боқади, деган гап бор, — дебди.

— Отахон, раҳмат! Яхши фикрлар билдирыпсиз. Энди мисол учун ерни бўлиб беришни бошлаб юбордик. Мана сизга ҳам ер керак. Биз қандай қилиб биламиз сизга қанча ер керак: 10 сотихми, 20 сотихми?

— Гектардан гапир болам, гектардан. Ие, ўн сотихни нима қиламан?

— Ота гектардан гапирсак унда ер етмай қоладику!

— Бутун хўжаликни берсанг олавераман, болам. Берсанг бутун бергин, ярми мани қариндошларим, уруғим бўлади, — дебди чол.

— Отахон, энди инсоф ҳам қилиш керак, машинага ўтиринг!

Машинага ўтқазиб отахонни бир пасда ҳайдалган ерга олиб боришибди.

— Мана отахон, ўзингиз ўлчаб олинг. Сал инсоф қилинг. Шунда қанча ер кераклигини ҳам билиб оламиз, — дебди.

Отахон хурсанд. «Ўзим ўлчайми?» — дебди.

— Ўзингиз ўлчаб олинг, — деса, «Бошладик бўлма-са», деб отахон катта-катта қадам ташлаб, югуриб кетяпти эмиш. Ҳар бир қадами табелчининг саржини-дан ҳам катта эмиш...

Орқасидан йигирмадан ортиқ радио, телевидение мухбирлари. Телекамера кўтарган операторлар, журналистлар ҳам кетишяпти эмиш...

— Ў ота, тўхтаг, бўлди, — деса.

— Ким айтди санга, келавур.

Хайрият, отахон чарчаб, ҳориб йиқилиб қолибдилар. Бир киши зўрға етиб келибди. Югуравериш чарчаб қолган экан:

— Ота, одаммас экансиз. Армияда ҳам бунақа кўп югурмаган эдим, ота. Жа зўрсиз-ку югуришда. Чўлда қолиб кетишди ярим йигитларимиз. Шунча ерни нима қиласиз ота? Бу, ҳозирги ёшлар ерда ишлайдими, ўзингизга зўр келади-ю. Бир кун келиб пушаймон ейсиз... Хўп-хўп, бўпти, биз рози, ота. Шу ер сизники бўлади. Энди шу ердан буёғини бошқа одамга ўлчавераймиз? — деса.

— Тўхта ҳали, — дебдилар.

— Ие, ота яна нима дейсиз? — деса.

Отахон ҳансираб ётган жойидан дўпписини олиб ирғитибдилар.

— Болам, ана шу дўппи тушган жойдан минг қадам ташлайсанда қолганини бошқа одамга ўлчаб беравер,— дермиш.

Бунақада ер етадими? Шунга айтсалар керак-да, «Ўзбекнинг ўзи қизиқ» деб.

Соғда одамлар

Ҳақиқатан ҳам кўп гапларимиз кулгили экан. Тўғри гапимиз йўқ. Масалан, баъзан эшитиб қоламиз; «ошни дамладингизми?» дейди. Нима, балонми дамлайди. Насос олиб келиб «шит-шит». «Нима қияпсиз?» «Дам-лаяпмиз ака, шит- шит. Дам едим ака», — дейди. «Ҳа, дам еди ука». «Суз бўлмаса», — дейди. Нима у хўкизми сузади. Уям тавоқни кўтариб сузиб кетса-я. «Сузаяпсанми», — деса, «ҳа, сузаман» «Тезроқ суз, меҳмонлар қараб қолди».

«Ана, ош келяпти», — дейди. Ош келмайди, ошни олиб келасан, керак бўлса. Ё бирор марта кўрганми-сизлар лаганнинг келаётганини. «Ана ошам келяпти, бу ошни бир урар эканмиз-да», дейди. Нимага урасан ошни? «Қани урдик!» дейди. Урармиш қаранг, емас эмиш. Бир лаган ошни қўйиб қўйсангиз бизнинг халқларимиз индамай еявермайди. «Қани, қани», — деяверади. «Қани меҳмон, қани», — деса бунисиям; «қани, қани, Ҳожибой ака қани-қани. Ие, аз шумо, аз шумо, қани, қани, қани... Ана ака, олдингизда турибди-ку! Кўрмаяпсизми, ана, турибди». Ўзи кўрсатиб яна «қани, қани» дейди. Қўли лаганга тегиб турибди, «қани, қани, қани-қани». Бир рус йигити меҳмон бўлиб келиб қол-



«Қани, қани... Где, где...»

ган экан; «қани меҳмон деса, «извините я вас что-то понял», — деса, «не понял? Где, а, где-где, где-где болам, где-где, а-а, где... Где дегандан кейин где-да». Неча марта «где» дейди, что не видишь, вот ака, стоит. Что слепой стали чтоли?». «Не слепой, такой у нас «где» деса, Уже тамом бўляпти, давас где» — деса, «вот интересный народ мне», — дермиш. «Нима қилиб юрибсиз?» — деса, «Ака. Айланиб юрибман», — дейди. Нимага айланасан, жиннимисан айланасан, тўғри юравер. Ана шунақа гапи қизиқ халқмиз, дўстлар.

* * *

Дўстлар, бизнинг халқимиз содда, ишонувчан. Сал нарсага ишонади. Масалан, «Бошқа ёқда шунақа воқеа бўлиб ана шунақа бўлиб кетди-ей», десанг, «ҳи, ўшанақа бўлибдими? Ие, йўте, ҳа мана шунақа бўлиб кетди», деса, «Ие, энди болаларини нима қиламан?» — деб тураверади. Дарров ишонаверади. Чунки халқимиз кўпроқ меҳнат билан шуғулланади, сиёсат билан шуғулланмайди. Биладики сиёсат билан бола-чақа боқиб бўлмайди, нон-ош топиб бўлмайди. «Телевизорни ўчир» дейди. «Ўчир телевизорни. Бориб молга хашак сол», — дейди. «Сан нима қилиб ўтирибсан? Кейин ўқийсан газетани, чиқиб пахта тер», — дейди. Болаларини меҳнатга ўргатади, чунки болалари ҳам кўпда. Энг ками 12 та. Агар 12 таси ҳам ўғил бўлса кўринг, 24 марта тўй қилиши керак. Ана ўшанинг учун ҳам у кеча-ю кундуз меҳнат қилади. Жуда кўп кузатганмиз, елкада элик килолик кетмон, шимини шимарволган, оёқ яланг. Тиржайиб гурсилаб кетаверади. Офтобда қорайиб кетган, тиржайиб кетаверади. «Қалай?» — деса, «зўр», — дейди. «Ойлик қалай!» деса, «мазаси йўқ», — дейди. «Нимага куляпсан?» деса, «ийғайми, ака», дейди. Ҳақиқатданам бизнинг халқимиз шундайки, иши ўнғидан келмаса ҳам кулаверади, иши ўнғидан келса ҳам кулаверади. Бир содда акамиз меҳмонга чиққан экан. Келиб қараса, маҳаллада чироқ йўқ, тапара-тапар, тапара-тапар қилиб югуриб бориб хотини ётган уйга кириб излай бошлабди: пуб-пуб, пуб-пуб... Хайрият хотини жойида экан. Энг муҳими хотин жо-

йида... «Ётавур хотин, бу ман». Сўнгра болаларни санаб кўряпти, бир, икки, уч... хайрият, ўн еттинчиси ҳам жойида. Битта сигарет чекволай, деб қўлида бичок, яъни чекилмай қолган яримта сигарет. Гугурт йўқлигидан, пайпасланиб ҳеч қаердан тополмабди. У уйга кирса йўқ, бу уйга кирса йўқ. «Хотин, бир гугурт топиб бер, сигарет чекиб олай», — деса, «Дадаси қанақа одамсиз, ошхонага қаранг, шағам ёниб турибди», — дермиш. Кирса ҳақиқатданам шағм ёниб турган экан. Яхшиям хотинимдан сўрабман, деб ҳалиги ёниб турган шағмни кўтариб чиқиб қоронғи уйдан гугурт қидиряпти эмиш. «Падарингга лаънат, ҳеч қаерда йўқ-ей, ўзи арзимаган пул туради. Ака, гугурт кўрмадингизми? Барибир чекмасдан қўймайман», — деб қўлида шағм кечаси кўчага чиқиб, магазиннинг қоровулини уйғотибди; «Ака, жон ака, бу ёққа чиқинг, битта гугурт топиб беринг, сигарет чекиб олай, эзилиб кетдим-ку», деса, «Номард, қўлингда шағм ёниб турибди-ю, ўшандан ёқиб олиб чекавер», — деса, кўриб қолиб; «Ия, каллам курсин-ей, соддалик ака, раҳмат! Агар айтмаганингизда эрталабгача қидирган бўлардим», — дермиш.

* * *

Ажойиб содда халқимиз бор-да!

Мана ҳозир жуда кўп газета-журналларга обуна бўлсин, деб муштарийларни қизиқтириш учун ҳар хил воқеаларни ёзиб чиқишяпти. Қайси газетани очиб ўқиманг ё экстрасенслар ҳақида гап кетади ёки учар тарелкалар ҳақида ёзишади. Масалан, полон жойга тарелка тушибди, полон жойга коса тушибди ёки полон жойга қозон тушибди, деб. Буни бир вақтлар ҳазиллашиб айтувдик, лекин ҳақиқатдан ҳам шундай бўляпти. Яна эшитиб қоламиз «полончини олиб чиқиб кетибди», эмиш; «Полончининг уйида бир кеча ётиб кетган эмиш. Тошкентдан уй қидириб юрган эмиш. Уй топса кўчиб келармиш. Яхшироқ жойлардан иморат қидириб юрганимиш», деган гапларни эшитиб қоламиз. Ҳақиқатдан ҳам бу шов-шув бутун жаҳонга тарқаб кетган. Энди газета ўқимайдиган айрим содда акаларимиз ҳайрон, айримлари кўрқади. Ишдан иложи

борича ярим соат олдинроқ кетади. «Хўжайин илтимос, бола-чақангизни орзу-ҳавасини кўринг, ман вақтлироқ кетмасам бўлмайди. Мабодо тарелка олиб кетиб қолса нима қиламан? Ман кетдим», — дейди-да, кетаверади. Кеч бўлмасдан уйига кириб олади. Болаларини тўплайди. Ана тарелка, «гув» деган овоз эпитилса бўлди, жим «ана тарелка», «э, қанақа тарелка дадаси, болаларни ўзингизга ўхшаб қўрқоқ қилиб қўйдингиз. Қанақа тарелка? Қўшнимиз Абдусаттор тракторчи бор-у, ўша энди ишдан келди. Ўшанинг тракторини овози. Тракторда овоз бўлади, тарелкада овоз бўлмайди. Вишиллаб келади», — дейди хотини. «Сан қаердан биласан вишиллашини, илонми санга вишиллайдиган. Аралашма, сандан тарелкаям қўрқади». «Ў дадаси, қанақа одамсиз, самолётнинг овози-ку бу. Самолёт қўняпти». «Ҳа самолётмиди хотин, юрагим қолмади», дейди-да вақтлик ётиб олади. Агар тарвуз еб, сув ичган бўлса кўринг, ана ўша пайтда иложи йўқ. Ётган жойида ағанайди. Соат тунги тўрт. Ташқари қопқоронғу, чиқишга қўрқади. Чиқмай деса бўлмай кетяпти. Яна уч соат чидашнинг ўзи бўладими? «Хотин, ҳў, хотин, тур, ўрнингдан». «Ҳа, ўзингиз қўрқасизми, кап-катта эркак-а». «Ҳа, қўрқаман, тарелка олиб кетиб қолса нима қиламан? Тур хотин, илтимос, бўлбўл, бўл тезроқ. Кеча манам санга қараб турдим-у, тур, бўл...» Акам чиқа солиб тепага қарайди. «Ана хотин, тарелка». Бетига сув себган, ўзига келтириб, исириқларни тутатиб, «дадаси, ўзингизга келдингизми, шарманда қилдингиз. Маҳалла-куй ҳаммаси йиғилиб келди. Қанақа одамсиз, тарелкамас, бу оймома-ку, оймома. Ойданам қўрқасизми?», «А, оймиди хотин? Э, ҳақиқатдан ҳам юрак қолмабди». «Юринг, ўлинг дадаси, нарироғдан қараб турай, юринг», — деса, «бўлди хотин, етиб бордим, энди қайтсак ҳам бўлади», — деган экан...

Ана шундай ажойиб содда одамларимиз ҳам ҳаммаша омон бўлсин!

Синовчи қайнона

Бир қайнонанинг учта куёви бор экан. Ўзича ўйлабди: куёвларим манга садоқатлими ёки йўқми, бир синаб кўрай-чи! Шундай уйларининг орқасидан анҳор ўтар экан. Эртаси куни ўша анҳор бўйида ўтириб қараса катта куёв ишдан келяпти. Ўзини шартта анҳорга ташлаб юборибди-да:

Вой дод, қутқаринглар халойиқ, ўляпман, чўкяпман...

Катта куёв қараса қайнонаси оқиб кетяпти. Кийимларини ҳам ечмасдан тапара-тапар ўзини сувга ташлаб, қайнонани олиб чиқиб оёғини осмондан қилиб сувини чиқариб ташлаб, дазмоллаб, қуритиб уйга олиб бориб қўйиб, эрталаб турса ҳовлида «Матиз» машинаси турганмиш. Ия, бу ўнгимми, тушимми, деб машинани ушлаб кўрса ҳақиқий. Бир қоғоз ҳам турган эмиш. Олиб ўқиб қараса: «Севимли куёвимга. Қутқариб олгани учун севимли қайнонасидан совға», деб ёзиб қўйилган эмиш.

Бир ҳафта ўтгандан кейин ўртанча куёв келяпти. Яна ўзини анҳорга ташлаб: «Вой дод, қутқаринглар, ўляпман, чўкяпман...» Қараса қайнонаси оқиб кетяпти. Ўртанча куёв ҳам топ этиб ўзини сувга ташлабди. Қайнонани қутқариб олиб чиқиб, оёғини осмондан қилиб сувини чиқариб ташлаб, қуритиб, дазмоллаб уйга олиб бориб қўйиб, эрталаб турса ҳовлисида «Дамас» машинаси турган эмиш. Қоғозчани олиб ўқиб қараса: «Севимли куёвимга қутқариб олгани учун севимли қайнонасидан совға», деб ёзиб қўйган эмиш.

Бир ҳафтадан кейин кенжа куёв келяпти экан. Яна ўзини анҳорга отвориб: «Вой дод, халойиқ, ўляпман, чўкяпман», деб бир чўкиб, бир чиқиб кетаётса кенжа куёв кўриб қолибди. Ўзича ўйлабди, бу мани синаб кўряпти. Катта куёв қутқариб олгани учун «Матиз» берди, ўртанчасига «Дамас» берди. Ман қутқариб олсам эски «Волга» беради-да. Бор оқсанг оқиб кетавергин. Қайнона шўрлик оқиб кетибди. Эрталаб турса ҳовлисида янги чиққан «Нексия» машинаси турган эмиш. Бунақа бўлиши мумкин эмас. Ушлаб кўрса ҳақиқий, туши эмас, ўнги. Бундай қараса қоғозча тур-

ган эмиш: «Севимли куёвимга севимли қайнотангдан совға» деб ёзиб қўйган эмиш.

ИЧАКУЗДИ ҲАНГОМАЛАР

Ойдаги воқеа

Америкалик космонавтлар ойга чиқибди. Улар космик кемани ойга қўндириб, хушу хандон ҳолда ерга хабар беришаётганмиш:

— Биз америкалик космонавтлар ойга соғ-омон етиб келдик. Ўзимизни яхши ҳис қиляпмиз. Биз америкаликларнинг зўрлигини яна бир кара намойиш қилдик. Ойга дунёда биринчи бўлиб ўзимиз қўндик!..

Шу маҳал космик кеманинг эшиги тақиллаб қолди. Космонавтларнинг рангу қути қув ўчиб кетди.

Бир-бирларига тақиллатаётган ким бўлдийкин, дегандек оғизларини очиб қарашди.

— Ойда-я? — ҳаммасининг нигоҳида савол аломати бор эди.

Командир экипажлардан бирига буюрди:

— Эшикни оч!..

— Ўзингиз...

— Очсанг-чи...

— Бола-чақамиз бор...

— Ҳаммадаям бор бола-чақа, тур, очсанг-чи...

Ахийри, командир эшикни очди. Қараса, чанг-тўполон. Эшик оғзида қоп кўтарган икки киши турганмиш.

— Акамулло, майиз керакму? — сўради биринчиси.

— Картошка, бодрингчи? — деди униси.

— Ие, сизлар шу ойда яшайсизларми?

— Биз Ургут билан Олтиариқданмиз.

— Ие, бу ерга қандай келиб қолдиларингиз?

— Уч кун олдин «КамАЗ» билан келувдик.

Қирқ йиллик қўшни

Бир кайф одам қўшнисини учратиб қолиб деди:

— Кечирасиз, мен сизни қаердадир кўрганман.

— Мен сизни...

— Йўқ, йўқ, айтманг, ўзим топаман. Эски шаҳарда буфетда ишлайсиз-а?

- Йўқ...
- Мен...
- Гапирманг, гапирманг, топдим... Магазинда ишлайсиз.
- Жуда қийналиб кетдингиз, ўзим айтиб қўя қолай...
- Бир минут шошмай туринг. Ҳозир, ҳозир, кўзимга жуда таниш кўриниб турибсиз. Бўлди, мактабда ишлайсиз-а. Бизнинг Алишернинг математика ўқитувчисиз!
- ...
- Тополмадимми! Бўлмаса кимсиз?
- Қирқ йиллик қўшнингиз — Алиназарман.
- А-а?!

Нега йиғлаяпсан!

Икки қария ошхонага кирса, бир пиёлада хантал (горчица) турган экан.

— Қара, столга сумалак ҳам қўйишибди, — дебди бири иккинчисига.

— Ие, жуда зўр-ку, ўзиям ўн йилдан буён сумалак емагандимда, — дебди иккинчиси ва нонни ханталга ботириб ебди. Аччиқдан кўзларидан ёш чиқиб кетибди.

— Ҳа, нима бўлди? — дебди иккинчиси ҳайрон бўлиб.

— Ўлган бувим эсимга тушиб кетди. Сен сумалак олавер, — деб жавоб берибди у.

Иккинчи чол ҳам нонни ханталга ботириб иштаҳа билан оғзига солибди. Аччиқдан унинг ҳам кўзидан ўт чиқиб кетибди. Буни кўрган шериги дебди:

— Ҳа, сен нега йиғлаяпсан?

— Ўша бувингга қўшилиб сен ҳам ўлиб кетмаганингга.

Кўриб турибсиз-ку!

Бир тракторчи бор экан. Далага бориб, тракторни увотга тўхтатарканда, соясида ухлайвераркан. Бригадир ёки раис келиб қолса, қўлини пақирдаги мойга тиқиб, башарасига ҳам суртиб оларкан.

— Ишлар қалай, — сўраркан раис.

Тракторчи мойга беланган қўлини икки ёнига ёйиб деркан:

— Кўриб турибсиз-ку!

Ялқовлар баҳси

Бир куни ялқовлар тўпланиб йиғилиш ўтказишибди. Мажлисга раислик қилувчи бош ялқов сўзга чиқиб шундай дебди:

— Муҳтарам биродарлар, ялқовлик жонга тегди. Энди биз ҳам бошқаларга ўхшаб ишламасак бўлмайди. Бозор иқтисоди даврида ҳамма ўз аравасини ўзи тортиши керак.

— Тўғри, тўғри, ишлашимиз керак, — деб бақиришибди залдаги ялқовлар.

— Унда қайси кунларда ишлашимизни келишиб олсак, — дебди бош ялқов ва бирма-бир кунларни санай бошлабди.

— Душанба.

— Душанба оғир кун, ишлаб бўлмайди, — деган овозлар эшитилибди залдан.

— Сешанба.

— Оғир кундан сўнг қандай ишлаймиз, дам олишимиз керак-ку, — деган овозлар эшитилибди залдан.

— Чоршанбада-чи? — дебди бош ялқов залдагиларга қарата.

Ҳеч ким ҳеч бир баҳона тополмабди, ялқовлар чоршанба куни ишлашга қарор қилишибди.

Навбат пайшанбага келганда залда гала-говур бошланибди:

— Чоршанба куни ишлагандан сўнг пайшанбада дам олмасак бўлмайди. Дам олишимиз керак.

— Хўп, — дебди бош ялқов.

Навбат жумага келибди.

— Ота-боболаримиз жума куни дам олишган. Бундан ташқари, жума ярим иш куни ҳисобланади. Ярим кун ишлаш учун овора бўлиб келиб юрамизми?

— Тўғри, тўғри, — дея бақиришибди залдагилар.

— Шанба, якшанба бутун дунёда дам олиш куни. Бундан ташқари қонунда ҳам бу кунлар дам олиш деб

белгиланган. Бизнинг ҳуқуқимизни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — дебди бола ялқов залдагиларни фикрини сўраб ўтирмай. Шунда бир ялқов ўрнидан туриб дебди:

— Нима, энди ҳа-а-а-р чоршанба ишга келамизми?

«Бум-бум — 89»

Йирик амалдорнинг ўғли институтта киришни ихтиёр қилибди. У олдиндан домлаларга телефон қилиб қўйиб, ўғлидан кўз-қулоқ бўлиб туришларини тайинлабди.

Ўғли отасига ишониб институтта борибди.

Ёзма иш бошланибди.

Барча «абитуриент—89»лар ёзишга машғул бўлишибди.

Бум-бум—89— эса хотиржам ўтирганмиш.

Домла келиб, унинг боши узра дафтарига қараса, бир чизик ҳам тортилмаган.

— Ҳеч нарса ёзмабсан-ку! — дебди домла ташвишланиб. — Ҳеч бўлмаса бир-икки қатор ёз, отангга ваъда берганман, ўтишинг керак.

«Бум-бум — 89» отасиниям, муаллимниям шарманда қилмабди. «Мен ўқишни умуман хоҳламайман», деб ёзиб, дафтарни домланинг олдига ташлаб кетибди.

Домла ўйлай-ўйлай, ахийри йўлини топибди. Унинг «иншо»си остига «Ўлсанг ҳам ўқийсан», деган сўзларни ёзиб, «беш» баҳо қўйибди.

«Бойлар ҳам йиғлайди»

«Бойлар ҳам йиғлайди» сериалини ҳамма кўрди. Телевизорда бу сериал қўйилганда жанглар тўхтабди. Поездлар тўхтабди, самолётлар учмабди. Бу сериал қўйилганда кўчаларда автобусу машиналар юрмай қолибди. Ҳатто, касалхоналарда жарроҳлар ҳам соатига қараркан — «Бойлар ҳам йиғлайди» бошланса операцияни тўхтатишиб, телевизорга чопишаркан.

Бир чол ҳам кинони ҳамма сериясини қолдирмай кўраркан. Томорқада кетмон чопяпти-ю, хаёли телевизорда. Бошланиб қолмадимикин?!

Шунда бир кўшни болакай кириб қолибди.

— Ҳорманг бобо, ер чопяпсизми?

— Бор бўл, ўғлим. Жуда пайтида келдингда, юр, уйга юр, уйга юр, — деб уйига бошлабди.

Чол телевизорни қўйиб, болага тайинлабди:

— Ўғлим, томоша қилиб ўтир, сомон ичидан бир хотин чиқса мени дарров чақиргин, хўпми?

Эр иссиқликми, совуқлик!..

Бир аёл янги тушган келинига уқтирибди:

— Қизим, эрингизга тухум-пухум пишириб беринг. Тухум иссиқлик. Лағмон, макарон пиширманг, совуғини ошириб юборади. Кечқурунга жигар қовуриб беринг. Иссиқлик. Кўк чучвара, кўк сомсани асло эрингизга раво кўрманг, совуқлик...

— Ойижон, — дебди келин қайнонасини мот қилмоқчи бўлиб, — эр ўзи иссиқликми, совуқлик?

— Эр 50 ёшгача иссиқлик, 50 дан кейин совуқлик, — дебди қайнона.

Шунақаси ҳам бўлади

Шошилиб турган эдик. Бир киши келиб ялинганнамо илтимос қилди.

— Ҳожибой ака, бир илтимос бор.

— Ҳа, эшитаман.

— Ўзимда ҳам бор эди-ю, уйда қолибди.

— Қарз керакми?

— Йўқ, пул керакмас.

— Бемалол сўрайверинг, нима керак?

— Шу денг ҳозир жуда зарур бўлиб қолди.

— Айтинг, ахир.

— Шу, имзо чеккани ручкангизни бериб турсангиз.

Қамишзорда

Икки ҳамқишлоқ, ёшлиқдан тепишиб катта бўлган икки дўст урушга борибдилар. Оқоқда ухлаб қолишибди. Уйғонсалар, бизникилар йўқ эмиш, кетиб

қолишган экан. Қидириб боришаётса, рўпарадан келётган немислар кўринибди.

— Қўлга тушсак, икковимизни ҳам отиб юборишадди, ҳеч бўлмаса биттамыз тирик қолишимиз керак, — дебди бири.



Янгисидан бор, ҳали ўзим эшитмаганман.

— Тўғри айтасан, қишлоққа биттамиз қайтмасак бўлмайди.

— Сен дарё томонга қоч, мен қамишзорга бекинаман, — дебди-да, қамишзорга қараб қочибди бири.

Иккинчиси дарёга ўзини ташлаб, саёз жойига ўтириб олибди.

Немислар чанқаб, дарёга сув ичишга юрибдилар. Қамишзорда турган ўзбек эса дўстимни пайқаб қолишибди, у тирик қолиши керак, чалғитай, мени ўлдиришса ўлдиришсин, дўстим тирик қолсин, дебди-да, «ҳей немислар, бу ёққа келинлар», — деб русчалаб бақирибди:

— Ҳей немци, сюда, сюда!

Сув ичида ўтирган дўстига эса алам қилибди, «сотқин, у мени сотди, сувда деяпти» деб ўрнидан туриб у ҳам бақира бошлабди:

— Қамишзорда, қамишзорда!

Билсанг, нега сўрайсан!

Бир одам терлаб-пишиб гувалак қиялпти экан. Эзмароқ бир ошнаси сўрабди:

— Нима қиялпсан?

— Буғдой ўраяпман! — дебди гувалак қилаётган киши.

— Ие, лой қиялпсанку...

— Лой қилаётганимни билсанг, нега «нима қиялпсан!» деб сўрайсан, номард...

Юлдузи юлдузига тўғри келмади

Беш юлдузли арман конъяги уч юлдузли грузин конъягини яхши кўриб қолибди. Аҳду паймон қилиб турмуш қуришибди.

Тўйдан икки-уч ой ўтиб ажралишмоқчи бўлишиб ЗАГС бўлимига ариза ёзиб беришибди.

— Бир яхши яшаётувдиларинг-ку, нима бўлди? — сўрабди ЗАГСдагилар.

— Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келмади, — дейишибди конъяклар.

Чувалчанг чўмилтиряпман

Бир киши Сирдарёга қармоқ ташлаб ўтирса, овчилар жамиятидан келишиб қолиб, дағ-даға қилишибди.

— Ҳозир ов сезони эмас, нега балиқ тутяпсиз, жарима тўлайсиз...

— Мен балиқ ушлаётганим йўқ, — дебди ҳалиги киши бамайлихотир.

— Нега ёлгон гапирасиз, қармоқ ушлаб ўтирибсиз-ку!

— Мен балиқ ушламаяпман, чувалчангни чўмилтиряпман!

Бўлган ҳангомалар

Ўзим қизиқчи бўлганим учун ҳаётимда кўп қизиқ ҳангомаларга дуч келаман. Бир кашанда мендан сўради.

— Ҳожибой ака, сигаретни қандай ташласа бўлади, ҳеч ташлай олмаяпман!

— Бу жуда осон.

— Қандай?

— Чўнтагиндан бир дона сигаретни оласан, тутатасан, бир-икки мириқиб ичинга тортасан, сўнг чап қўл билан олиб шундай ерга ташлайсан-да, ўнг оёғинг билан босасан, тамом.

* * *

Хўжанд бозорида дўппи олаётувдим. Дўппифурушлар ўраб олишди.

— Мени дўппимни олинг, телевизорга чиқсангиз эслаб юраман...

— Вой шундай чиройли дўппим кичкина экан-а...

— Афсус, меникиям кичик экан.

Ўчакишгандай ҳамма дўппи чиройли, лекин бирортаси тўғри келмади. Қарасам дўппифурушлар хафа бўладиган. Уларни кўнглини кўтардим.

— Опалар, хафа бўлманглар, ҳаммангизни дўппингиз зўр, чиройли, лекин мени бошим катта, холос.

* * *

Айтишларича: «Э, Ҳожи!» — дебди кунлардан бир кун унинг янгиқўрғонлик подачи дўсти, — ўлдик-ку, ке, бир кулдир!

«Ўлган бўлсанг, кулиб нима қиласан», дебди Ҳожи. Аммо бир оздан сўнг қаҳқаҳадан титроққа тушган подажойга одамлар жам бўлишибди. Одамлар йиғила-верибди, йиғилаверибди, йиғилаверибди... Бир оздан сўнг кўришса, бутун халқ шу ерда эмиш. Ана шунда Ҳожи айтган экан: «Э, биродарлар, оғзингизнинг танобинини тортинг, подани мен боқаманми?..» Ана шундан сўнг кулгу яна қаҳқаҳага айланибди. Халқнинг қаҳқаҳаси ҳам ўзидай улуғ бўлади...

* * *

Душанбеда гастролда эдик. Концертдан кейин ўтириш бошланиб кетди. Ичилди, суҳбатлар суҳбатга уланди. Тонг ҳам ёришиб қолди. Мезбонлар Шаҳобиддин ака деган найчидан «Тонг навоси» деган куйни чалиб беришни илтимос қилишди. Бу куйни Шаҳобиддин акадан ўтказиб чаладигани йўқда!

У кўп ичган эди, устига уйқусизлик, най чалиб туриб, ўтирган жойида ерга ағанаб тушди. Кўзи олакула бўляпти-ю:

— Мен тамом, найни эҳтиёт қилинглар! — дейди. Роса кулишдик.

* * *

Абдуқодир деган ажойиб дўстим бор. Дилкаш, саримий, суҳбати ширин. Лекин бир одати бор, қаттиқ хуррак отади. Хурракда эса мен асло ухлай олмайман. Абдуқодир билан сафарларга доим бирга чиқамиз. У мен ухлагунча ухламайди. Мени аяйди ёки мен ухлатган хонадан бошқа хонада ухлайди.

Тошкентда гастролда эдик, меҳмонхонадан ўзига бошқа хонадан жой олиб, менга алоҳида хона олибди.

Кечқурун хонасига кирса, бир киши роса хуррак отяпти экан. Абдуқодир бечора асло ухлай олмабди.

— Мен ухлаб олай, сенга хуррак отишни кўрсатаман, — дермиш Абдуқодир. Бир бало қилиб ухлаб

қолибди. Абдуқодирни хуррагидан ҳалиги одам уйғо-
ниб кетиб то тонггача ухлай олмабди.

Эрталаб Абдуқодир турса ҳалиги ҳамхонаси стол
тузаб, кутиб турган эмиш.

— Устоз турдингизми, келинг, ўтиринг, битта зиё-
фат биздан.

«Энди қочамиз»

Бир мўйсафид кўчада кетаётса, кичкина болакай
дарвоза қўнғироғи тугмачасига бўйи етмай оёғи таги-
га фишлар қўйиб интилармиш, барибир қўли етмас-
миш.

Чолни раҳми келибди, бечора бола уйига кира ол-
маяпти, деб ўйлаб ёрдамга келибди.

— Ке, ўғлим, мен тугмачани босай, — дебди чол ва
устма-уст қўнғироқни босибди.

— Бўлди, бобо, юринг энди қочдик. Уйни эгаси
чиқса ёмон қилади, — дея қоча бошлабди болакай.

Бир меҳмонга ўнтаси

Бир юртда ғалати бир одат бор экан. Икки қўшни
қаттиқ уришиб қолишса, бир-бирининг меҳмонини
ўлдириб ўч олишар экан.

Кунлардан бирида меҳмон келган уйга мезбоннинг
қўшниси қўлида катта пичоқ билан кириб келибди.

— Мана, энди ўчимни оладиган бўлдим. Ҳозир меҳ-
монингизни сўяман!

Табиийки, меҳмоннинг ранги қув ўчиб кетибди.
Шунда мезбон меҳмонга тасалли берибди:

— Асло ташвиш тортманг меҳмон. Агар бу аблаҳ
қўшним сизни ўлдирса, мен унинг ўнта меҳмонини
ўлдираман.

Ўлган сиз эмасми?

Купеда бир чол, бир йигит ва чиройли бир қиз
кетишмоқда. Поезд бир туннельга кириб, анча юрди.
Туннельдан чиққач, йигит қизга деди:

— Афсус, туннель яна бироз давом этмади!

- Нега ундай деяпсиз?
- Сизни бир ўпиб олардим.
- И-е, ҳозир ўлган сиз эмасми?!

Эркин қуш

— Нега ишдан кеч келдинг? — деб сўради хотин эридан.

— Мен эркин қушман, хоҳлаган вақтимда учиб келаман.

Орадан бир неча кун ўтгач, эр хотинидан сўради:

— Нега ишдан кеч келдинг?

— Мен эркин қуш эмасман, қачон қўйиб юборишса, ўшанда келаман!

Яхши ният

Судья жабрланувчидан сўради:

— Маржонларингизни ўғри қандай қилиб олди?

— Маржонларим бўйнимда, кўксимга осилиб турганди.

— Уни ўғри олгунча ҳам сезмадингизми, ахир қўли кўкрагингизга теккандур?

— Қўли кўкрагимда юрганини сездим, у қўлини кўксимга яхши ниятда олиб боряпти, деб ўйловдим-да...

Уятсиз

Қиз билан йигит хилватда ўтиришарди.

— Анваржон ака, нега жимсиз, нималар ҳақида ўйлаяпсиз?

— Сиз нима ҳақда ўйлаётган бўлсангиз, мен ҳам ўша нарса ҳақида хаёл сураяпман.

— Вой уятсиз экансиз! Бетингиз қурсин!

Хотинингиз қаерга!

— Дўхтир, оёқларим тез-тез совқотадиган бўлиб қолди.

— Менинг ҳам оёқларим совқотади, аммо хотиним

билан кўрпага бурканишим биланоқ исиб қолади. Сиз ҳам шундай қилиб кўринг.

— Кечирасиз, хотинингизни қаердан топсам бўлади?!

Икки соатли йўл

Уйқудан уйфонган киши купеда кетаётган ҳамроҳидан сўради:

— Тошкентга ҳали узоқми?

— Икки соатли йўл бор.

— Унда тагин озгина мизғиб олсам бўларкан.

... У кўзини ишқалаб яна ўша ҳамкупесига деди:

— Тошкентга етиб келдикми?

— Икки соатли йўл...

— Ие? Қанақа одамсиз ўзи? Ҳали ҳам шунақа девдингиз-ку! Ахир орадан анча вақт ўтди-ёв!

— Тўғри, ўшанда Тошкентга кириб келаётувдик. Энди эса ундан узоқлашиб кетяпмиз.

Сартарошлар, огоҳ бўлинг!

Сартарошхонага бола етаклаган эркак кириб:

— Соч-соқолимни олиб қўйинг, — деди у ўриндиққа ўтириб. Соч-соқолини олдириб бўлгач:

— Энди болани сочини олиб қўйинг. Сиз бўлгунча мен газит олиб келаман, — деди.

Орадан бир-икки соат ўтди. Уста тоқатсизланиб болага дўқ қилади:

— Даданг қаёққа ройиб бўлди?

— У менинг дадам эмас, — деб жавоб беради бола.

— Мен уни танимайман. Кўчада ўйнаётувдим, «юр, бепул соч олдирамиз» деб етаклаб келди.

Йўл қаерга боради?

Ўзбекнинг ўзи қизиқ, сўзлагани сўзи қизиқ. Шунинг учун мен кундалик ҳаётимизда дуч келадиган гаплардан айтаман.

Бир куни кўчада кетаётсам «Нексия» машинаси ёнимга келиб тўхтади-да, рулни бошқараётган қўнғиз мўйловли йигит эшикни қия очиб сўради:

- Ака бу йўл қаёққа боради?
- Ҳеч қаёққа бормади.
- Ие, Наманганга борадиган йўл шу эмасми?
- Наманганга ўзинг борасан, йўл бормади, бир неча йилдан бери шу жойда қимирламай турибди...

Мол дўхтири эмасман

Бир бемор врач ҳузурига келиб:

— Бир овқат есам молдай овқат ейман, бир ишла-сам эшақдай ишлайман, чарчасам итдай чарчайман, бунинг сабаби нима, дўхтир? — деб сўрабди.

— Билмайман, сабаби мен мол дўхтири эмасман,— деб жавоб берибди врач.

Ҳаёт пиёлага ўхшайди

Икки оғайни чойхонада маза қилиб чой ичиб ўтирса, биттаси қўлидаги пиёлага қараб:

— Ҳаёт бир пиёла чойга ўхшайди, — дебди.

— Нега айнан бир пиёла чойга ўхшайди? — деб сўрабди иккинчиси ҳайрон бўлиб.

— Мен қаердан билай, мен сенга файласуфман-ми? — дермиш биринчиси.

Сиз қолмоқчимисиз!

Икки йўловчи такси тўхтатиб:

— Учовимизни «Аэропорт»га олиб бориб қўйинг,— дебди.

Таксист ҳайрон бўлиб:

— Сизлар икки киши-ку, — деса.

— Нима, сиз қолмоқчимисиз? — дермиш йўловчи-лардан бири.

Неъмат Аминовнинг фамилияси ким?

«Янги ўзбек»лардан бирининг «янги» талаба ўғли имтиҳон топшириш учун профессор рўпарасида ўтирган экан. Қўлидаги сотка телефони жиринглаб қолибди.

— Алло, нима дейсан? Йўқ, ҳали савол бермади. Бўпти, кетиб қолмаларинг, икки минутдан кейин чиқаман, — дебди талаба, сўнг профессорга юзланибди, — менга саволингиз йўқми?

Шу пайт талабанинг телефони яна жиринглаб қолибди.

— Алло, ҳали савол бергани йўқ. Рўпарада ўтирибди. Бўлди. Кейин ўзим чиқаман... Домла, менга саволингиз борми?

Профессор ўрнидан туриб, бир қўлини кўксига қўйиб, талабага яқинлашиб деди:

— Кўп қийнаб ўтирмайман. Кеча ҳурматли отангиз телефон қилувдилар. Шу ерда салкам 40 йилдан бери ишлайман. Пенсияга озгина қолди. Сенга энг осон, энг қулай савол бераман. Бу саволни ҳамма билади. Қани, айт-чи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, машҳур «Ёлғончи фаришталар» романининг муаллифи Неъмат Аминовнинг фамилияси ким?

Қаранг, домланинг ўзи савол билан бирга жавобини ҳам айтиб берапти. Бунақа осон савол бўлмаса керак. Домла яна сўрабди:

— Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовнинг фамилияси ким?

— Саид Аҳмад, — дермиш талаба.

Тескари бастакор билан тескари суҳбат

Мухбир: — Мана, ижодий фаолиятингизнинг ўн йиллиги муносабати билан суҳбатлашмоқчиман. Лекин саволларим жуда кўп. Тингловчиларимиз яхши биладиларки, адашмасам, 80 га яқин энг яхши куй-қўшиқларни расво қилгансиз.

Бастакор: — Кечирасиз, юздан ошиқ деяверинг.

Мухбир: — Айтинг-чи, қайси машҳур санъаткорларнинг қўшиқларини расво қилиб, бузиб қайта ишлагансиз?

Бастакор: — Ҳозирча, устоз санъаткорлардан Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров... қўйингки, барча эл таниган машҳур қўшиқчилар ижодини обдон бузганман. Мен маҳорат билан

бузган қўшиқларни ҳозир таниқли хонадалар ҳам бузиб ижро этишяпти.

Мухбир: — Қайси пайтда илҳомингиз келади?

Бастакор: — Яхши қўшиқни эшитганда. Эшитибок бузгим келади. Дарҳол бузиш йўллари излайман. Ўша яхши қўшиқни бузмагунча кўнглим сира тинчмайди.

Мухбир: — Кечирасиз, санъат оламига қандай кириб келгансиз?

Бастакор: — Умуман, санъатга алоқам йўқ. Дадам мажбур қилган. Масалан, дастлаб рубобни, сўнг торни бузганман, ғижжакни синдирганман. Доирани тешиб, қосқонини дарахтта бойлаб, баскетбол ўйнаганмиз. Пионинони маза қилиб оёқда чалганман.

Мухбир: — Сиз учун рубоб билан пионинонинг қандай фарқи бор?

Бастакор: — Пионино узоқ ёнади. Шу учун менга жуда маъқул.

Мухбир: — Сиз умуман бастакорга ўхшамайсиз. Гапларингиз ҳам, ранг-рўйингиз ҳам совуқроқ. Нима сабабдан шундай?

Бастакор: — Мен дадамга ўхшаганман. Чунки дадамнинг гап-сўзи, ранги меникидан ҳам совуқ эди. Биз ота-бола гаплашиб қолсак, онам билан укаларим совқотиб кетганидан, пальто кийиб олишарди.

Мухбир: — Устозларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

Бастакор: — Устозларим бор, лекин бирортасини бир тийинга олмайман.

Мухбир: — Нега?

Бастакор: — Чунки устозларим ҳам устозларини бир тийинга олмайди-да!

Мухбир: — Устозларингизнинг қайси фазилатлари сизга ёқади?

Бастакор: — Бировларни менсимаслиги, ғийбат қилиши, кўролмаслиги ва ниҳоятда олифталиги.

Мухбир: — Дўстларингиз бордир?

Бастакор: — Албатта!

Мухбир: — Улар билан бўладиган суҳбатларингиз яхши ўтса керак?

Бастакор: — Биз суҳбатлашмаймиз, ғийбатлашамиз, нуқул совуқ гаплардан гаплашамиз. Миш-мишлар тарқатамиз. Масалан, яқинда бир таниқли санъаткорни ўлдига чиқардик. Биттаси жуда ёқмай юрган эди, қамалдига чиқардик. Яна битта ишлари юришиб турган соппа-соғини касалга чиқардик. Роса сенсация бўлди.

Мухбир: — Бирор бир яқин дўстингиз ҳақида гапириб берсангиз.

Бастакор: — Яқин дўстим кино олишга қизиқади-ган режиссёр. Тўғриси, у киноларни расво қилади. Унинг расво киноларидаги барча расво мусиқаларни мен ёзиб бераман. Айрим мусиқали фильмлардаги расво қўшиқларни расво хонандалар ижро этади. Шу боис томошабинлар кинонинг ярмидан чиқиб кетяпти. Ҳатто кинога хомийлик қилганлардан бири: агар кино шундай бўлса, берган пулимга розиман, уч марта розиман. Охирги кўрган киноим шу бўлсин, деб чиқиб кетди. Лекин биз ижод қилишда гайрат билан давом этяпмиз.

Мухбир: — Масалан?

Бастакор: — Масалан, ўша режиссёр дўстим билан расво қўшиқларга расво клиплар ҳам олиб тура-миз. Лекин клипларимизда ўйнаган қизларнинг бирортасиям эрта теголмаяпти. Уларни биров сўрамаяпти-да.

Мухбир: — Келажакдаги орзуларингизни билсак бўладими?

Бастакор: — Жуда бўлади-да. Чунки орзуларим катта. Ҳали қанча-қанча машҳур композиторлар, бастакорлар ва хонандаларнинг яхши ва сара асарлари, қўшиқлари турибди. Асосий ниятим, тезроқ уларга қўл уриш...

Бир савол

Бир кекса ўқитувчи бозорда айланиб юрибдйкан. Устида ўғлининг костюм-шими, оёғида кичик ўғлининг туфлиси. Набираларга олма олсаммикин, деб олмаларни томоша қилиб, майдароғларини танлаб юрса,

бир қоп-қора, барзанги гадой келиб, бидирлаб садақа сўрай бошлабди. Қўлидан чойхона паловнинг ҳиди келиб турганмиш. Ўқитувчи гадойга қараб ичида: «Шу одам адашди-ёв», деб ўйлабди. Гадой: «Танга бўлсаям бериб юборинг, ҳамма қараб турибди», дебди. Шунда ўқитувчи:

— Ҳе, қўясанми-йўқми, ман ўқитувчиман. Санга берадиган ҳеч нарсам йўқ. Лекин қуруқ кетма, яхшиси, санга битта савол берай: «қани, айтчи, ўқитувчиларнинг маоши қачон ошади?», деб сўраса, гадой шартта қўлини силтаб: «Эй, боринг-е, ман қайдан биламан», деб қўлини силтаб кетиб қолибди. Шунда ўқитувчи гадойнинг орқасидан кулиб қараб: «Ана шунга, агар маошдан гап очсанг, ҳаммаси қочиб қолади...»

Банкрот

Бир бизнесмен йигит маҳаллада яшайдиган бир оқсоқолни уйига чақирибди. Олдинлари уйи тўла одам бўладиган йигитга қараб, отахон аста сўрабди:

— Ҳа, болам, тинчликми?

— Тинчлик, отахон, тинчлик. Шу кичкинагина банкротча бўлиб қолдим. Шунга бир дуо қилиб юборинг,— дебди бизнесмен.

— Омин, илоё бундан кейин катта-катта банкрот бўлиб юргин, — деб дуо қилибди отахон!

Ахир отахон банкротни қайдан ҳам билсин!

Нобель сумалак ялаганми?

Наврўз байрами кунлари бир даврада сумалакхўрлик роса авжига чиққан бир пайтда биттаси шундай деб қолди:

— Шу, биласизларми, дўстларим, бир нарса хаёлимга келди. Менимча, сумалакни ўйлаб топганга Нобель мукофотини берса бўларди.

— Йўқ, унга Нобель мукофотини бериб бўлмайди, — дедим.

— Нега? — ҳайрон бўлди даврадагилар.

— Чунки сумалак Нобель дунёга келмасдан бир неча минг йиллар олдин пайдо бўлган. Яхшиси, Нобельга сумалак бериш керак, — дедим.

Ўрнингиз кимга керак?

Бир отахон телевизорда шундай интервью беряпти:

— Ман мана шу мактабда элик йилдан буён ишлайман. Кўплаб шогирдларим бор. Элик йилдан буён ёшларга таълим бериб келаман.

Қаранг, кекса ўқитувчи элик йил бир жойда ишлаётгани билан фахрланяпти. Сабаби, у кишиниг жойи ҳеч кимга керак эмас-да. Агар ўрни керак бўлганда, уч йилдан ортиқ ишламасди. Ўрни ёвгироқ жой бўлса, ҳар қандай йўл билан аллақачон олишарди. Яна элик йил ишламайсизми, отахон? Сизнинг ўрнингиз кимга керак?!

Дастхат

Таниқли санъаткор Шерали Жўраев билан бир туманга концертта бордик. Шерали аканинг ашаддий мухлисларидан бири концертдан сўнг бир пиёла чойга таклиф қилди. Концерт зўр олқишлар билан ўтди. Стадионнинг орқа томонидан чиқиб кетаётган машҳур ҳофизни бир гуруҳ мухлислари ўраб олиб, дастхат ёздира бошлашди. Биров қовозга, биров китобга, биров паттага, яна биров ён дафтарчасига дастхат ола бошлади. Бир маҳал чойга таклиф қилган акахон етиб келди. Қараса, ҳали-вери дастхат тугамайди. Шунда у киши санъаткорни ўраб олган мухлисларга қараб:

— Бўлди-ей, одамлар. Ахир уч соат қўшиқ айтди. Инсоф борми? Дастхатни бир-бирларингдан кўчириб оласизлар. Бўлди!..

Гумбурлаган қиз

Бир йигит уйланмоқчи бўлибди. Охири дардини дадасига айтибди:

— Дада, мен бир қизни яхши кўриб қолдим. Шунга уйланаман, уйланмасам бўлмайди.

— А, хўп-хўп, ўғлим, албатта уйланасан. Айт-чи, кимнинг қизи ўзи?

— У одам бу ердан эмас. Айтганим билан барибир танимайсиз, дада.

— Қизнинг ўзи қанақа?

— Нозиккина, чиройлигина, — дебди йигит.

— Ҳм, нозиккина, чиройлигинами?

— Ҳа, дада.

— Нозиккинаси керак эмас! Замонни кўриб турибсан. Бизга гумбурлаган қиз керак! Танкадай, ҳеч бўлмаса трактордай кучли бўлиши керак. Сан замбил кўтарганда, бир томонидан олсин. Деворнинг устида ўтирсин, етти пахса деворга кесак отадиган бўлсин. Нозиккинасини нима қиласан? Далада ишлайдигани керак... Ана, қўшнимизнинг қизи бор. Гумбурлаган. Ҳатто совчилар келишга қўрқяпти. Ана шунга уйланасан. Томорқанинг ҳам дабдаласини чиқаради, ўзингни ҳам!

Бизга шунақасиям борми?

Азизлар, севги масаласи қийин. Бизга ҳеч ким маслаҳат ёки йўл-йўриқ бермайди. Севишганлар му-родларига етсин. Энди, севишгандан кейин тўй бўлади. Тўйдан кейин тирикчилик, тожиклар «зиндаги» дейди. Кейин бола-чақалар. Биз болажон халқимиз. Ўзбекларни бежиз бола жинниси дейишмайди. Шунинг учун бўлса керак, кўп оилаларда болаларнинг саноғи йўқ. Олтита, саккизта, ўнта, энди бу ёғи кетаверади. Ҳатто ўзининг боласини танимайдиган оталаримиз бор.

Биттаси уйда ёнбошлаб ётиб, хотинидан сўраяпти:

— Ҳў, хотин, анави ҳовлида юрган қизил кўйлак ким?

— Вой, дадаси, ҳазиллашяпсизми? Ўзингизнинг бо-
лангиз-ку, танимаяпсизми?

— Ўзинг ҳазиллашяпсанми, хотин. Бизда шунақа-
сиям борми?

* * *

Яна битта эркак мақтаняпти:

— Бизнинг хотин яна туғди.

— Нима туғди?

— Одам туғди.

Унга ўғилми, қизми, фарқи йўқ, фақат туғилганига
хурсанд. Афсуски, орамизда шунақа мақтанчоқ тоифа
эркаклар ҳам бор!

Фамилияси бир хил

Мухлислар орасида ҳам ҳар хили бор. Ана шундай
сода мухлислардан бири иккинчисидан сўрабди:

— Бу, Анвар Ғаниев билан Анвар Санаев деган
қўшиқчилар ака-укамикин?

Иккинчиси ундан ҳам баттар сода экан:

— Йўқ, фамилияси бир хил, холос, — дермиш.

Ёнғоқ овози

Бир афандифеъл одам бор экан. Бозордан ёнғоқ-
ни минг сўмга олиб, саккиз юз сўмдан сотаркан.

— Нега бундай қиласиз? Бундан нима фойда кўра-
сиз? — деб сўрабди одамлар.

— Мен бу ишни фойда кўриш учун қилаётганим
йўқ. Ёнғоқ бозордан олаётганда бир шақиллайди, со-
таётганда яна шақиллайди. Мен унинг овозига ишқи-
возман, — дермиш ҳалиги одам.

ҚИЗИҚЧИГА ЕТТИ САВОЛ

1. Маънавиятсиз одамга энг қисқа маслаҳатингиз?

2. Кутилмаганда йурик бизнесмен ёки тадбиркорга айландингиз, дейлик, ишни нимадан бошлардингиз?

3. Ёлғон айтганмисиз, қачон ва нима сабабдан?

4. Сизнингча, жаҳли чиққан одамга биринчи ёрдам қандай кўрсатилади?

5. Баъзан билиб-билмай гуноҳ ёки хато қилиб қўйганлар «Шайтон йўлдан урди, шайтон адаштирди», дейишади. Сизга ҳам шунақа ҳолатлар бўлганми?

6. Бозорга кириб чархпалак бўлаётган нархавони эшитиб, беихтиёр «инсоф сари барака» мақоли эсингизга тушса, уни қандай шарҳлайсиз?

7. Танқид ва ошкоралик тўхтаган жойда нима бошланади?

* * *

1. Маънавиятсиз одамни кўрсам, ачинаман. Ўзи шўрлик шу аҳволга тушиб қолибди, энди фарзандларидан эҳтиёт бўлсин.

2. Ишни аввало бизнес тўғрисида билимимни оширишдан бошлардим. Билимсиз на бизнесмен, на тадбиркор бўлади. Агар ҳалол йўл билан бойлик орттирсам, ҳамқишлоқларим учун кутубхонами, музейми шунга ўхшаш тарихий аҳамиятга эга бўлган бир нарса қурадим.

3. Агар фойдаси тегса, ёлғон ишлатаман. Шундай ёлғон гап борки, уч соат рост гапиргандан кўра фойдаси кўп тегади.

4. Устидан муздайгиан бир челақ сув қуйиб юбора-
сиз-да... у ёғини пешонангиздан кўрасиз.

5. Ушбу саволга ҳангома билан жавоб бермоқчи-
ман. Бизда ҳам «замонавий ўзбеклар» пайдо бўляпти.
Бундайларни янги тоифадаги шайтон, деса ҳам бўла-
веради. Ана шундай «замонавий ўзбеклар»дан бири
танишига шундай дебди:

— Агар минг доллар берсанг, бир ойда 1,5 минг
қилиб қайтараман.

Таниш уч ой кутибди. Сўнгра:

— Нима бўлди, — деб сўрабди.

— Долларингиз бефайз, бефаҳм экан. Менинг ҳам
10 минг долларимни қўшиб қарзга олиб кетди. Ҳозир
бошим қотган. Ўшанда бекор доллар берибсиз, йўқ
десангиз бўлмасмиди?

— Ия, ҳали биз доллар бериб, гуноҳкор бўлдик-
ми? Майли, менга фоизи керак эмас, ўзини қайтар-
гин.

— Иложим йўқ.

— Бўпти, икки юздан воз кечдим, 800 қолди. Қа-
чон олиб бориб берсан?

— Бир ойда олиб бориб бераман, ака.

Лекин таниши бир ойдан сўнг яна келибди.

— Ҳой, ука...

— Ҳаракат қиляпман, ака, бўлмаяпти. Рўйхатда фа-
милиянгиз биринчи турибди.

— Ҳали рўйхатинг ҳам борми? Бўпти, мен тушуна-
диган одамман. Сенга ҳам қийин. Яна икки юздан воз
кечдим. 600 қолди, қачон топиб берасан?

— Бир ҳафтада. Ернинг тагидан бўлсаям топиб олиб
бераман.

Ваъда бажарилмагач, таниши яна келибди.

— Нима бўлди?

— Ҳеч иложи бўлмаяпти, ака.

— Унда яна икки юздан воз кечдим. 400 қолди.
Ҳозир чиқариб беролмайсанми?

— Йўқ, ака.

— Унақада қачон қарзингни узасан?

— Секин-секин узяпман-ку, ака! — дермиш.

Худо шундай шайтонлардан асрасин.

6. Бозорда эрта тонгдаёқ инсоф тугайди. Чунки инсоф ҳақиқий деҳқон билан келиб, бозордан жой тополмай, деҳқон билан қайтиб кетади.

7. Ер тескари айланади, деяверинг!

ХАЛҚОНА КУЛГИ

Халқлар дўстлиги саройида намойиш қилинган «Ҳар қадамда ҳангома» (2003 йил, 1—2 декабрь) ва «Кулгининг 97 хили» (2004 йил, 11—12 декабрь) деб номланган икки концерти Ҳожибой Тожибоев ижодида алоҳида ибратли аҳамиятга эга. У бошқа таниқли қизиқчилар, сўз усталаридан фарқли ўлароқ, биринчи марта ўзининг яккахон катта концерти билан мухлислар имтиҳонидан муваффақият билан ўтди.

Маълумки, қизиқчилардан ва сўз усталаридан таниқли қўшиқчиларнинг катта концертларида саҳна бўш турмаслиги учун ора-орада фойдаланиб келинади. Лекин Ҳожибой Тожибоев саҳнада бу йўналишнинг тескарисини ҳам бўлиши мумкинлигини исботлади. Унинг ҳар бир концерти салкам уч соат давом этди.

Ҳар қандай санъаткор ўз ижодий кучига, ўз иқтидорига ва мустаҳкам репертуарига эга бўлмаса, катта саҳнага чиқолмайди. Катта саҳнага чиқдингми, демак, томошабинга айтадиган гапинг бўлсин, юрагингга дардинг, репертуарингга юкинг бўлсин! Ҳожибой Тожибоев ҳам ана шу мезонларга амал қилиб, узоқ тайёргарликдан сўнг катта саҳнага дадил қадам қўйди. Ва бу қадамлар зўр олқишлар билан кутиб олинди.

Ҳар икки концерт Ҳожибой Тожибоевнинг қизиқчилик санъатида ўз йўли, ўз услуби ва ўзига хос мактабга эга эканлигини яна бир бор исботлади. Албатта, у бунга осонликча эришгани йўқ. Тинимсиз изланиш, устоз қизиқчилар меросини қайта-қайта ўқиб-ўрганиш ва катта кулгида ўз қаҳқаҳасини яратолгани учун тез орада мухлислар тилига тушди, уларнинг дуоларини олди.

Ҳожибой Тожибоев кулги деб аталмиш муқаддас ва беғубор оламга меъёр, маъно, зукколик ва юксак ма-

даният билан кириб келди. Ва бу йўлда ҳамон ғайрат ва шижоат билан ижод қилаётир. У бачкана ва беҳаё кулгини ёмон кўради. Зўрма-зўраки кулдиришдан қочади. Унинг кулгисида халқоналик бор. Ўзининг ибораси билан айтганда: «кулгини халқдан олиб, халққа беради». Бу санъаткордан аввало катта истеъдод ва машаққатли меҳнат талаб қилади. Халқчил кулги яратиш осон эмас.

— Кулги энг яхши ҳордиқ, — дейди у бир суҳбатда. — Соғлом инсонга кулги ҳам, қўшиқ ҳам ёқади. Юрақдан мазза қилади. Кулги аслида дунёдаги энг нозик ҳислардан бири. Фақат уни ҳис эта билиш керак. Қизиқчиликка келсак, у масхарабозлик ҳам, майнавозчилик ҳам эмас. Қизиқчиликни фақат юксак сўз санъати, деб эмас, балки ўзига хос фан, десак асло муболага бўлмайди. Бу санъатнинг йиллар ўтиб фан даражасига кўтарилишига ишонаман...

Ҳожибой Тожибоевнинг ҳар бир ҳангомасида ўзига хос юк бор. Бу юк томошабин қалбига кўчади, уни кулдириш баробарида ўйлатади, фикрлашга ундайди. Нега, нима учун кулаётганининг сабабларини тушунишга туртки беради. Масалан, «Аёлнинг жони қирқта» ҳангомасини трагикомедияга тенглаштириш мумкин. Бу ҳангомада даҳшатли кулги билан бирга даҳшатли фожиалар ҳам бор. Биз бу ҳангомани қайта-қайта эшитиб куламыз. Куламыз-у, лекин юрагимизнинг қайсидир нуқталари йиғлаётганини ҳам сезамиз. «Хотин ўтин эмас» туркум ҳангомалари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Ҳақиқий кулгини шарҳлаб бўлмайди. Айниқса, истеъдодли қизиқчи Ҳожибой Тожибоев томонидан юксак маҳорат билан яратилган самимий кулгини! У сахнада яратган образлар ва характерлар ўзига хос гапи, овози, мимикаси, хатти-ҳаракатлари билан томошабин юрагида кулги уйғотади. Қизиқчининг оддий сўзи ҳам сахнадаги кичик бир ҳаракати ҳам табиий кулги яратади.


Ҳожибой Тожибоевни бир актёр театрига қиёслаш мумкин. Ҳангоманинг муаллифи ҳам, ижрочиси ҳам, сахналаштирувчи режиссёри ҳам ўзи. У сахнада

кулгили воқеалар, ҳаракатлар, мимикалар орқали спектакль яратади. Бу спектакль томошабин кўз ўнгида образлилик кашф этади. Ва беихтиёр қизиқчи ижросидаги ҳангоманинг иштирокчисига айланади, хаёлида ўзига таниш образларни, қиёфаларни кўра бошлайди.

У яратган ва ижро этган ҳангомалар, кулгили воқеаларни оғзаки ҳажвий ҳикоялар дейиш мумкин. Агар уларнинг нуқта-вергули жой-жойига қўйиб ёзилса, завқ-шавқ билан ўқиладиган асар бўлади.

Айтиш мумкинки, узоқ асрлик тарихга эга бўлган ўзбек қизиқчилик санъатида Ҳожибой Тожибоев ўзига хос янги саҳифа очди. Уни маданий ва маънавий репертуар билан бойитиб, юксак поғоналарга кўтарди, кулгининг янги-янги қирраларини кашф этди.

Машҳур санъаткор Ҳожибой Тожибоев яратаётган кулги бу — ҳақиқий халқона кулгидир. Бу ижодий йўлда унга ҳамisha улuf қизиқчиларнинг руҳлари мадаткор бўлсин!



Самимий қулги сизни тарқ этмасин.

Ҳурматли ўқувчи!

Сиз таниқли қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг ҳаёти ва ижодидан олинган қизиқарли ҳангомалардан иборат кулгидаста билан танишдингиз. Энди кулгидан бироз дам олиб нафас ростланг. Чунки севимли санъаткоримизнинг айни ижодий кучга тўлган пайти. Кулгининг бундан-да сирли, бундан-да сеҳрли оламига бошлайдиган янги ҳангомалар, янги репертуарларнинг ҳаммаси ҳали олдинда. Навбатдаги китобда кўришгунча саломат бўлинг!..

М У Н Д А Р И Ж А

Сиз уни танийсиз	3
Кулги дармон дейдилар	8
Нега куламыз?	25
Ҳожибой Тожибоев «Жаҳон кулгиси»да эътироф этилди.	33
Гурунглاردан сатрлар	36
Ўзидан ҳам сўзи қизиқ	43
Ичакузди ҳангомалар	83
Қизиқчига етти савол	103
Халқона кулги	105

АШУРАЛИ ЖЎРАЕВ

ТАНИМАДИНГ-АИ

*Машхур қизиқчи Ҳожибой Тожибоев ҳақида
ҳангомалар қиссаси*

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2005

Муҳаррирлар *И. Шоймардонов, Д. Исмоилова*
Бадий муҳаррир *Б. Бобононов*
Техник муҳаррир *Р. Бобононова*

Теришга берилди 24.03.2005. Босишга рухсат этилди 22.06.2005.
Бичими 84x108^{1/32} Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 5,9. Нашриёт-ҳисоб табоғи 6,0. Адади 5000 нусха. Буюртма
№ 1382. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.